

**С.РАҲИМОВ., Б.УМУРҚУЛОВ**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК  
ТИЛИ**

Тошкент 2003

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Б. УМУРҚУЛОВ**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ**

**Термиз-2012**

**Термиз давлат университети ўқув бошқармаси томонидан  
нашрга тавсия этилган**

**Тақризчилар:** филология фанлари номзоди, доцент  
**С. Раҳимов,**  
филология фанлари номзоди, доцент  
**Р. Нормуродов**

Ушбу қўлланма мустақил равишда тайёрланиб олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқув дастурлари она тили фани бўйича ўзлаштирилиши лозим бўлган масалалар ҳақида фикр юритилади.

Қўлланмадан олий ўқув юртларига кирувчилар, мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек барча ўзбек тили билан қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

**Умурқулов Б. Ҳозирги ўзбек тили.**

**Термиз - 2012**

**ТИЛ ВА ЁЗУВ МАДАНИЯТИ**

Дунёдаги халқлар 3000 дан ортиқ тилларда гаплашади. Тиллар аввало тирик ва ўлик тилларга бўлинади. Ҳозирги кунда халқлар гаплашадиган тиллар тирик тиллар. Бугунги кунда халқлар гаплашмайдиган тиллар ўлик тиллар ҳисобланади. Масалан, лотин, қадимги славян, санскрит (қадимги ҳинд), қадимги хоразмий, сўғд тиллари ўлик тиллар ҳисобланади.

Дунё тилларида халқларнинг гаплашуви ва мамлакатларда тилларнинг тарқалиши ҳар хил. Чунончи, Хитой тилида миллиардга яқин киши сўзлашса, чукот тилида бир неча минг киши гаплашади. Янги Гвинеяда эса деярли ҳар бир қишлоқ аҳолисининг ўз тили бор.

Айрим мамлакатларда эса кўплаб тилларда гаплашилади. Жумладан, Канго аҳолиси 500 тилда, Индонезия аҳолиси 250 тилда, Суданда эса 117 тилда гаплашилади. Бугунги кунда жаҳондаги 6 та тил халқаро тил сифатида тан олинган. Улар инглиз, испан, рус, хитой, араб ва француз тилларидир.

Бугунги кунда жаҳонда 20 дан ортиқ тил оилалари мавжуд бўлиб, улар бир бобо тилдан вужудга келган.

Тиллар сўзлари, шу тилдаги қўшимчалар, гап қурилишининг бир-бирига ўхшашлигига кўра маълум оилаларга ажратилади.

Тилларни оилаларга ажратиш, ҳар бир оилани гуруҳлар ва гуруҳчаларга ажратилиши тилларнинг келиб чиқиши таснифи дейилади.

Ҳозирги кунда жаҳонда кенг тарқалган тил оилалари асосан 6 та: Ҳинд-европа тиллар оиласи. Бу тил оиласининг славян, герман, роман, болтиқ, эрон, ҳинд гуруҳлари мавжуд бўлиб, рус, украин тиллари-словян гуруҳига инглиз, немис тиллари-герман гуруҳига: француз, испан тиллари роман-гуруҳига; тожик тили эса эрон гуруҳига мансубдир.

2. Олтой тиллар оиласи. Бу тил оиласининг туркий ва мўғул, тиллари гуруҳлари мавжуд бўлиб, ўзбек тили туркий тиллар гуруҳига мансуб. Бу гуруҳга, ўзбек тилидан ташқари уйғур (қарлуқ тармоғи), туркман, гагауз, озарбайжон, турк, қрим татар тиллари (булар ўғиз тармоғи), қўмиқ, татар, бошқирд, нўғай, қорақалпоқ, қозоқ (булар қипчоқ тармоғи), тува, ёкут, хакас, қирғиз ва олтой тиллари киради.

Мўғул тиллари гуруҳига эса мўғул, япон, корейс каби тиллар киради. Бу тиллардан ўзбек тилига энг яқини уйғур тили ҳисобланади.

3. Фин-угор тиллар оиласи
4. Хом-сом тиллар оиласи
5. Кавказ тиллар оиласи
6. Хитой-тибет тиллар оиласи

Булардан ташқари дравид, индонезия, африка, папуа каби тил оилалари ҳам мавжуд. Ўзбек тили туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, улар орасида о ловчи тил саналади. Туркий халқлар, Марказий Осиё, Қозоғистон, Шарқий Сибирда, Туркия ва Болқонда яшаб келган. Туркий халқлар ўзининг кўп асрлик тарихида бир неча ёзувлардан фойдаланган. Ёзув жуда қадим замонларда кишиларнинг ўз фикрини бошқаларга етказиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Шу боисдан ёзув инсоният томонидан яратилган энг қимматли маънавий бойликдир. Энг қадимий ёзувлардан бири оромий ёзувидир. Бу ёзув асосида сўғд ва хоразмий ёзуви пайдо бўлган.

Хоразмий ёзувининг энг қадимги намунаси эрамиздан олдинги III асрга мансуб бўлиб, Қўй қирилган қалъадан топилган. Сўғд ёзуви ёдгорликлари эрамиздан олдинги I асрда Тали Барзу (Сўғд) дан топилган.

Энг қадимги ёзувлардан бири пиктографик ёзувдир. Бу ёзув расм ёзуви дейилган. Ҳозирги кунда йўл қоидаларини кўрсатишда ушбу ёзувдан фойдаланилади.

Кейинчалик бу ёзув ўрнини идеографик ёзув эгаллади. Идеография грекча-идея ва ёзув сўзларидан олинган бўлиб, тушунчани ёзаман демакдир. Бу ёзувнинг асосида бирор турдаги тушунчаларни ифодалашда рамзий шакллар танланиши ётади. Бундай белгилар логограммалардир.

Идеографик ёзувнинг мукамаллашган шакли иероглифик ёзувдир. Иероглифик ёзув муқаддас ёзув маъносини англатади.

Ёзувнинг мукамаллашган кўриниши фонографик ёзувда акс ётади. Бу ёзув товуш ёзуви бўлиб, товушлар ҳарфлар орқали ифодаланади. Ҳозирги

кунда қўлланилаётган 4 ёзув: лотин ёзуви, араб, ҳинд ва крилл ёзувлари фонографик ёзувлардир.

Туркий тиллар ҳам узоқ тарихга эга бўлган тиллардан бири бўлиб, бу тилга оид энг қадимги ёзма ёдгорлик эрамизнинг V асрида яратилган «Хуастуанифт» ёзув ёдгорлигидир. Туркий халқларнинг дастлабки ёзма манбаларидан бири Ўрхун-Энасой (тукий рун) ёзуви бўлиб, I-V асрда юзага келган.

Ўрхун-Энасой ёзув ёдгорликлари Мўғилистоннинг Ўрхун- ва сибирнинг Энасой дарёлари қирғоқларидан топилган бўлиб, V-VII асрларга мансубдир. Бу ёзувлар 1893 йил даниялик олим Вилгельм Томсон ва рус олими академик В.Радловлар томонидан ўқилган. Фанда «туркий рун» (сирли) ва «тош битиклар», «дулбаржин» ҳам деб юритилган.

Туркий халқлар орасида кенг тарқалган ёзувлардан яна бири уйғур ёзувидир. Бу ёзувдан VI-VIII асрлардан бошлаб, XV асргача фойдаланилган. Уёғур ёзуви сўғд ёзуви асосида шаклланган: унда 18 харф бўлиб, ўнгдан чапга қараб ёзилган. М.Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида бу ёзувни «турк ёзуви» деб атаган.

Уйғур ёзувида ёзилган энг қадимий асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридир. Бу асарнинг Вена нусхаси шу ёзувда ёзилган. Бундан ташқари, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул Ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», «Ўғузнома» каби асарлар. Лутфийнинг бир қатор ғазалларининг ҳам уйғур ёзувидаги нусхалари мавжуд.

VIII асрнинг (720 йиллар) бошларидан бошлаб араб ёзуви кенг тарқалган. Араб ёзувида ёзилган энг қадимги ёзма ёдгорликлар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Қоҳира ва Наманган нусхаларидир.

Ўзбеклар араб ёзувидан 1200 йил давомида фойдаланганлар. 1929 йилдан бошлаб лотин ёзувидаги янги алифбога ўтилган. 1940 йил 7 майдан бошлаб рус графикасидаги ўзбек алифбосига ўтилган. 1989 йил 21 октябрда

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1990 йил 19 февралда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун 30 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб эътироф этилган.

1995 йил 21 декабрда янги таҳрирдаги «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун 24 моддадан иборат.

1993 йил 2-3 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш» тўғрисида қонун қабул қилинди.

1995 йил 6-7 майда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди» ва 26 ҳарф 3 ҳарф бирикмаси ва кўчиш белгисидан иборат бўлган алфавит қабул қилинди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек тилининг имло қоидалари 1995 йил 24 августда 339-сонли қарор билан тасдиқланган бўлиб, 82 банддан иборат.

Лотин ёзуви тахминан эраминдан олдинги 753 йилда Римда пайдо бўлган. Қадимги лотин ёзувида 23 ҳарф бўлган. Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ мамлакатлар алфавити лотин ёзуви асосида пайдо бўлган. Жумладан, Европада 30, Осиё ва Африкада 20 дан ортиқ халқлар лотин алфавитидан фойдаланишади.

### ***Тилшунослик фанининг бўлимлари***

Тилшунослик тил ҳақидаги фандир. Бу фан тилнинг умумий хусусиятлари: тилларнинг пайдо бўлиши, тилларнинг қариндошлик муносабаталари ва умумий назарий масалаларини ўрганади. Бундай тилшунослик умумий тилшунослик дейилади. Муайян бирор тилнинг хусусиятларини ўрганадиган тилшунослик хусусий тилшунослик бўлиб, у бирор халқ тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Жумладан, ўзбек тилшунослиги ўзбек тили қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Ўзбек тили фанининг қонуниятлари қуйидаги бўлимлар орқали ўрганилади.

**Фонетика**-нутқ товушларини ўрганади.

**Орфография**-сўз ва сўз қисмларини тўғри ёзиш қоидаларини ўрганади.

**Орфоэпия**-сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганади.

**Лексикология**-тилнинг луғат бойлиги (сўз ва иборалар) ва уларнинг маъноларини ўрганади.

**Фразеология**-иборалар ва уларнинг хусусиятларини ўрганади.

**Лексикография**-луғат ва унинг турлари, луғат тузиш билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

**Морфемика**-сўзнинг маъноли қисмлари-ўзак ва қўшимчаларни ўрганади.

**Морфология**-сўзларнинг тузилиши, ўзгариши ва сўз туркумларини ўрганади.

**Синтаксис**-гапда сўзларнинг бирикиши, сўз бирикмалари ва гап, уларнинг хусусиятларни ўрганади.

**Пунктуация**-тиниш белгилар ва уларни ишлатиш қоидаларини ўрганади.

## **Фонетика**

Фонетика (грекча phone-товуш) тилнинг нутқ товушларини ўрганадиган бўлиmdir. Фонетика ўрганадиган нутқ товушлари маънога эга эмас. Нутқ товушлари нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлинмайдиган энг кичик қисмидир. Шунингдек, сўзнинг ҳам бўлинмайдиган энг кичик қисми товушдир. Товуш ва фонема бир-биридан фарқланади. Барча товушлар ҳам фонема бўлавермайди.

Фонема сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган нутқ товушларидир. Кўринадики фонема сўзларни товуш жиҳатидан ҳам маъно жиҳатидан ҳам фарқланишига хизмат қилади. Масалан, *без, биз, боз, буз* сўзларини товуш ва маъно жиҳатдан фарқловчи-*е, и, о, ў* товушлар бўлиб, улар унли фонемалардир, тош, тор, том, *тон, ток, тол* сўзларини шундай



фарқловчи *ш, р, м, н, к, л* товушлари ундош фонемалардир. Чунки шу товушлар сўзларни маъно фарқланишига асос бўлган.

Нутқ товушлари нутқ аъзолари ёрдамида ҳосил бўлади. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қатнашадиган аъзолар нутқ аъзолари дейилади. Нутқ аъзолари нутқ товушларининг ҳосил бўлишида иштирок этишига кўра икки хил.

1. Фаол нутқ аъзолари: *товуш пайчалари, кичик тил, тил, лаб, настқи жағ, юмшоқ танглай.*
2. Нофаол нутқ аъзолари: *тиш, қаттиқ танглай, юқори жағ, бурун бўшлиғи.*

Нутқ органларининг йиғиндиси нутқ аппарати дейилади. Нутқ аппаратига қуйидагилар киради: *нафас аппарати, бўғиз бўшлиғи, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи.*

Нутқ товушларини ўпкадан нафас йўллари орқали чиқадиган ҳаво оқими ҳосил қилади. Шунинг учун ўпка нутқ товушларини ҳосил бўлиши учун муҳим бўлган *ҳаво манбаидир*. Ўпка товуш ҳосил қилиш учун лозим бўлган ҳавони етказиб беради. Бўғиз эса овоз пайчаларидан иборат. Овоз пайчалари ўпкадан чиқаётган ҳаво таъсирида тебранади, бўғиз бўшлиғида ҳавонинг тўсиққа учрамаслиги туфайли овоз ҳосил бўлади. Шунинг учун бўғиз бўшлиғи *овоз манбаи* ҳисобланади. Оғиз бўшлиғи *шовқин манбаидир*. Бўғиздан ўтган ҳаво оқими оғиз бўшлиғида жойлашган нутқ аъзоларининг тўсиғига учраб шовқин вужудга келади.

*Унли ва ундош товушлар.* Нутқ товушлари овоз ва шовқиннинг иштирок этишига кўра унли ва ундош товушларга бўлинади.

Ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамаслиги натижасида унли товушлар ҳосил бўлади. Унли товушлар соф овоздан иборат бўлиб, уларнинг ҳосил бўлишида ун пайчаларининг тебраниши таъсир кўрсатади. Чунки унли товушлар бўғизда пайдо бўлади. Унли товушлар тизими *вокализм* дейилади.

Ўзбек тилида унли товушлар олтига: *l, e, a, u, o', o*

Унли товушлар уч томонлама тасниф қилинади.

1. Тилнинг вертикаль (танглайга томон тик) кўтарилиш ҳаракатига кўра унлилар учга бўлинади

1. Юқори тор унли: *i, e*
2. Ўрта кенг унли: *e, o'*
3. Қуйи кенг унли: *a, o*

Тилнинг горизонтал (олдин ёки орқага томон) ҳаракатига кўра унлилар икки хил:

1. Тил олди ёки олд қатор унлилар *i, e, a*
2. Тил орқа ёки орқа қатор унлилар *u, o', o*

Лабларнинг иштирокига кўра унлилар икки хил:

1. Лабланган унлилар: *o', u, o*
2. Лабланмаган унлилар: *i, e, a*

Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида бирор тўсикқа учраши натижасида ундош товушлар ҳосил бўлади. Ундош товушлар тизими консонантизм дейилади. Ўзбек тилида 24 та ундош товуш бор: *b, d, sh, g, h, j (dj-jo`ra), j (mujda), k, l, m, n, p, q, r, s, t, v, x, y, z, g', sh, ch, ng*.

Алифбодаги ж ҳарфи икки товушни *жуда, жабр, жазо, жавоб, жўра, Жаббор* каби сўзларда қоришиқ *j: аждар, мужда, гижда, журнал, жюри* каби сўзларда эса сирғалувчи *j* товушини ифодалайди.

Ундош товушлар куйидаги хусусиятлари асосида тўрт хилда тасниф қилинади. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра ундошлар уч хил:

- а) лаб ундошлари: *b, p, v, m, f* (лаб-лаб), *v, f* (лаб-тиш)
- б) тил ундошлари: *t, d, n, l, s, z, r, sh, j, ch*, (тил олди), *y* (тил ўрта), *k, g, ng* (тил орқа), *q, g', x* (чуқур тил орқа).

в) бўғиз ундоши: *h*

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар уч хил.

- 1) портловчи ундошлар: *b, p, d, t, k, g, q, ch, j*
- 2) сирғалувчи ундошлар: *v, f, s, z, sh, j* (журнал), *x, y, h, g'*

3) портловчи-сирғалувчи ёки сонорлар: *m,n,ng,l,r*

Бу товушларни талаффуз қилганда ҳаво оқими асосан бурун бўшлиғидан ўтади. Шунинг учун уларнинг талаффузида кўпроқ овоз иштирок этади.

*m, n,ng* товушлари бурун товушларидир. Бу товушларни талаффуз қилишда ҳаво оқими тўлиқ бурун бўшлиғидан ўтади. *L* товуши ён товуш дейилади. Бу товушни талаффуз қилганда тил учи кўтарилиб ҳаво оқими тилнинг икки ёнидан ўтади. *R* товуши титроқ товуш ҳисобланади, уни талаффуз қилганда тилнинг учи титрайди.

Товуш пайчаларининг, яъни овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундошлар икки хил.

1) жарангли ундошлар: *b,v,g,d,y,j,z,g` ,m,n,ng,l,r*

2) жарангсиз ундошлар: *p,f,k,t,ch,sh,x,q,s,h*

Жарангсиз ундошлар эса шовқиндан иборатдир. Жарангли ундошларни талаффуз қилганда овоз иштирок этади. Жарангли ундошлар жарангсиз ундошлар билан қуйидаги жуфтликка эга.

Жарангли: *b,v,d,z,j,g,j,g`,y--*

Жарангсиз: *p,f,t,s,sh,k,ch,q-x,h*

Жарангли товушларнинг жарангсиз жуфти бўлса жуфти бор жаранглилар дейилади.

### ***Нутқнинг фонетик бўлиниши***

Нутқ фонетик жиҳатдан қуйидаги қисмлардан ташкил топади: ***фраза*** (жумла), такт (синтагма), ***сўз, бўгин, товуш***.

***Фраза*** - Нутқдаги энг катта фонетик бирлик бўлиб, тугалланган фикр англатади, мазмун ва оҳанг жиҳатидан тугалланган бўлади. Шунинг учун фраза гапга тенг келади. У нутқни фикрни иккинчи фикрдан пауза орқали ажратади. Масалан, Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб// ўн саккизга қадам босганликдан// бўйи ҳам онасига етаёзган// аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди (А.Қодирий). Ушбу гапда 4 та фраза бўлиб, улар мазмун

жиҳатидан мустақил гапга тенг оҳанг жиҳатидан ажратиладиган бўлақлардир.

**Такт** - фразанинг бир қисми, у фраза орасида бўлиб, бир неча сўзлардан иборат бўлади ва бир урғу билан айтилади. Фразалар ёйиқ таркибли бўлса, тактларга ажралади. Масалан, Кумушбиби //энди// ўн еттини қўйиб, фразасидаги энди, ўн еттини қўйиб// ўн саккизга// қадам босганликдан каби тактларга бўлинади. Фраза йиғиқ бўлса тактга тенг келади. Шунинг учун тактларга бўлинмайди.

**Сўз** - такт ичидаги мустақил бўлақ бўлиб, у алоҳида урғу билан айтилади ва бўғинларга, товушларга бўлинади.

**Бўғин** - бир нафас чиқариш зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар бўғин дейилади. Бўғинлар унли товушлар орқали тузилади. Шунга кўра сўзда нечта унли товуш бўлса, шунча бўғин бўлади. Масалан, **тад-бир-кор** сўзида учта унли бўлиб, у уч бўғинли сўздир. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан ҳам ташкил топган бўлади. Масалан, **ў-қи-ган**.

Бўғинлар унли ёки ундош товуш билан тугаганлигига кўра очик бўғин ва ёпиқ бўғинларга бўлинади.

Унли товушлар билан тугаган бўғин очик бўғин дейилади. **Ло-ла, бо-ла, да-ла, о-на, а-ка** каби бўғинлар очик бўғиндир. Ундош товушлар билан тугаган бўғинлар ёпиқ бўғин дейилади: **меҳ-нат, сай-лов, ўт-лоқ, чет-лик, зуд-лик** каби.

Сўзлар бўғинларга бир унли ва бир ундош ҳамда бир ёки ундан ортиқ ундошлар асосида бўлинади. Масалан, **о-на** сўзининг биринчи бўғини бир унли, иккинчи бўғини эса бир ундош бир унли асосида бўғинга ажратилган. **Мак-таб** сўзидаги ҳар иккала бўғин ҳам бир унли ва икки ундошдан иборат.

Тилда бўғинларга ажратилмайдиган сўзлар ҳам мавжуд. Бундай сўзлар таркибида битта унли мавжуд бўлади. Масалан, **зеҳн, меҳр, ҳукм, грамм, дўст, дард, мард, матн** каби сўзлар бўғинларга ажратилмайди.

Бўғиннинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1. Сўзни бир йўлдан иккинчи йўлга кўчириб ёзишда бўғиндан фойдаланилади.
2. Биринчи синфда савод ўргатиш даврида болаларга сўзлар бўғинларга бўлинган ҳолда ўргатилади.
3. Замонавий ўзбек шеърятининг етакчи вази бўлган бармоқ вазидаги шеърлар бўғинга асосланиб ёзилади.

**Урғу.** Сўз таркибидаги бирор бўғинни ёки гап таркибидаги бирор сўзни бошқасига нисбатан кучлироқ айтилиши урғу дейилади. Урғу икки хил: *а) сўз урғуси; б) гап урғуси* (логик урғу). Сўз бўғинларидан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ айтилиши сўз урғуси дейилади. Ўзбек тилида урғу асосан сўзнинг охири бўғинига тушади: ***Китоб-китобхон-китобхонлар*** каби. Сўзларга қўшимча қўшилганда урғу охири қўшимчага кўчади.

Бу ҳолат ўзбек тили урғуси учун умумий қоида бўлиб, ушбу қоидага мос келмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Бинобарин, қуйидаги сўзларда урғу биринчи бўғинга тушади.

- 1) араб ва форс тилларидан ўзлашган ***доим, ҳозир, асло*** каби равишларда
- 2) ***барча, ҳамма, кимдир, аллаким, қандай, қанча, ҳар ким, ҳеч ким*** типидagi таркибли олмошларда
- 3) албатта, афсус каби модал сўзларда
- 4) ***ўтир, ишла, бошла*** типидagi феълнинг буйруқ шаклларига
- 5) ***аммо, лекин, бироқ, чунки*** боғловчиларида
- 6) ***ўн би, ўттиз уч*** каби таркибли сонларда
- 7) ***ёзиб олди, бориб келди*** типидagi мураккаб феълларда
- 8) сават-сават, тез-тез типидagi такрор сўзларда.

Шунингдек, урғу олмайдиган қўшимчалар ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда урғу шу қўшимчадан олдинги бўғинга тушади.

1. Равиш ясовчи ***-ча,-дай,-дек*** қўшимчалар урғу олмайди: ўзбекча, кушдай

2. Биринчи гуруҳ шахс-сон қўшимчалари: *-ман, -сан, -миз. \_\_-сиз, -дир-дир, -ўқийман. -ўқиймиз.*
3. Дона ва чама сон ҳосил қилувчи *-та, тача: -ўнта, ўнтача.*
4. Феълнинг бўлишсиз шаклини ҳосил қилувчи *-ма* қўшимчаси: *борма, ўқима.*
5. *-ми, -чи, -у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ* юкламалари: *менми, сиз-чи* каби.

Айрим сўзларда урғу маъно фарқланишига олиб келади. Масалан, *олма* (бирор нарсани олмаслик), *сузма, тўқима* феъл туркуми; *олма* (мева), *сузма, тўқима* от туркуми.

Гап бўлакларидан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ айтилиши гап урғуси дейилади. Гап урғуси асосан кесимдан олдинги сўзга тутади. Сўзловчи диққатни жалб этиши керак бўлган сўзни алоҳида ажратиб кўрсатади. Масалан, Биз мусобақада ғолиб чикдик (улар эмас, биз)-урғу бизда. Биз мусобақада ғолиб чикдик (ишда, ўқишда эмас, мусобақада)-урғу мусобақада сўзидадир.

Кўринадики, гап урғуси гапдаги ҳамма сўзларга туша олади.

### *Нутқ товушларининг ўзгариши*

Сўзлар талаффуз қилинганда сўз таркибидаги айрим ёнма-ён товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида товуш ўзгариши содир бўлади. Масалан, *кетди* сўзи талаффузида *т* товуши *д* товушини ўзига ўхшатиб олади ва *кетти* шаклида талаффуз қилинади. Сўз таркибидаги бундай ўзгаришлар комбинатор, позицион ўзгаришлар дейилади.

Товуш ўзгаришларининг қуйидаги турлари мавжуд. Ассимиляция, диссимиляция, метатеза, комбинатор ўзгаришлар эпитеза, протеза, эпентеза, диерез, элизия, синкопа (позицион-ўрнига кўра) ўзгаришлар.

*Ассимиляция*-лотинча ўхшашлик, мослаштириш демакдир. Товушлардан бири иккинчисини ўзига ўхшаш товушга айлантиради.

Ассимиляция товушни айнан ёки ўхшаш товушга айлантиришига кўра икки хил: а) *тўлиқ ассимиляция*; б) *тўлиқсиз ассимиляция*.

Товушлардан бири иккинчисини тўлиқ ўзига ўхшатса тўлиқ ассимиляция дейилади: эк-ган (*эккан*), тик-ган (*тиккан*) кет-ди (*кетти*), от-дан (*оттан*), бир-та (*битта*), от-ни (*отти*).

Товушлардан бири иккинчисини қисман ўзига ўхшатса тўлиқсиз ассимиляция дейилади: кўч-ган (*кўчкан*), шош-ди (*шошти*), ош-ган (*ошкан*), ёғ-сиз (*ёҳсиз*).

Ассимиляция ёнма-ён товушларнинг олдингиси ёки кейингисига ўхшаётганлигига кўра икки хил:

*а) прогрессив ассимиляция; б) регрессив ассимиляция*

Олдинги товуш кейинги товушни ўзига ўхшатса прогрессив ассимиляция дейилади: тўк-ган (*тўккан*), ўт-ди (*ўтти*), бораяп-ман (*бораяппан*).

Кейинги товуш олдинги товушни ўзига ўхшатиб олса регрессив ассимиляция дейилади: бир-та (*битта*), туз-сиз (*туссиз*), тўқ-сон (*тўҳсон*), иш-сиз (*иссиз*), нонни (*нонди*).

*Диссимиляция*-лотинча ноўхшашлик демакдир. Иккита ўхшаш товушдан бирининг ўзгариб ноўхшаш товушга айланиши диссимиляция дейилади. Диссимиляция ассимиляциянинг тескараси. Бу ҳодиса ассимиляцияга нисбатан кам учрайди: *зарур-зарул, коридор-колидор, зарар-зарал, девор-девол*.

*Метатеза*-юнонча ўрин алмаштириш демакдир. Сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашиши метатеза дейилади: *дарё-дайро, ёмгир-ёгмир, тупроқ-турпоқ, сурпа-супра, аҳвол-авҳол, ўхшайди-ўшхайди*.

Товушларнинг сўздаги ўрнига кўра ўзгариши (сўз боши, охири, сўз ўртасида келиши) позицион ўзгаришлардир.

*Протеза*. Сўз бошида ёнма-ён келган икки ундош олдидан битта унли қўшиб айтилиши протеза дейилади: *стол-устал, шкаф-ишкаф, стакан-истакан, рўмол-ўромол*.

**Эпентеза.** Сўз охирида ёнма-ён келган икки ундош орасида битта унли кўшиб айтиш: **фикр-фикир, меҳр-меҳир, илм-илим, аҳл-аҳил.**

**Эпитеза.** Сўз охирида ёнма-ён келган ундошлардан кейин битта унли кўшиб айтиш: банк-банка, киоск-киоска, отпуск-отпуска, диус-диска.

**Диарез.** Сўз таркибидаги бирорта товушни талаффуз қилинмасдан тушиб қолиши диарез дейилади. Паст-пас, дўст-дўс, гўшт-гўш, ғишт-ғиш, артист-артис, келса (кеса), бўлса (бўса), Тошкент (Тошкен), Самарқанд (Самарқан). Бу ҳодиса апакопа ҳам дейилади.

**Элизия.** Унли товуш билан тугаб унли товуш билан бошланувчи икки сўзнинг кўшилиши натижасида унли товушлардан бирининг тушиб қолиши: **айта олади-айтолади, топа олади-тополади.**

**Синкопа.** Сўзларга кўшимча кўшилганда сўз таркибидаги бир товушнинг тушиб қолиши синкопа дейилади: **бурун-бурни, қорин-қорни, ўрин-ўрни.**

Шунингдек, ўзбек тилида товуш тушиши, товуш ўзгариши, товуш кўшилиши билан боғлиқ фонетик ўзгаришлар ҳам мавжуд. Бу ўзгаришлардан товуш ўзгариши ва товуш кўшилиши ёзувда ҳам акс этади. Товуш ўзгаришларининг бу турларида сўзларга кўшимчалар кўшиш ва талаффуз қилиш асос бўлади.

Ўзбек тилида товуш ўзгариши ҳодисаси 3 хил: **товуш алмашиниши, товуш тушиши, товуш орттирилиши.**

1. Айрим сўзларга турли кўшимчалар кўшилганда сўз ўзагидаги баъзи товуш бошқа товушга айланади.

Товуш алмашиниши кўпинча сўзга сўз ясовчи кўшимча кўшилиши натижасида юзага келади. Масалан, **сана, қишла, сайла, ўйла** сўзларига **-қ, -в,** кўшимчлари кўшилганда сўз ўзагидаги **а** товуш **о** га айланади: **саноқ, қишлоқ, сайлов, ўйлов** каби. Бу ҳодиса товуш алмашиниши ҳодисасидир. Товуш алмашиниши сўзларга сўз ўзгартирувчи (алоқа муносабат шакллари) кўшилганда ҳам юз беради: **қишлоқ-қишлоғим, ўроқ-ўроғим, қулоқ-қулоғим.**



2. Сўзга турли кўшимчалар кўшилганда ўзакда айрим товушлар тушиб қолади. Бу ҳодиса товуш тушиши дейилади. Товуш тушиши:

а) сўзларга сўз ўзгартирувчи кўшимчалар (алоқа муносабати воситалари) кўшилганда содир бўлади. Масалан, *бурун, кўнгил, ўрин, оғиз, ўгил* каби сўзларга эгалик кўшимчалари кўшилганда битта унли товуш тушиб қолади: *бурним, кўнглим, ўрним, оғзим, ўғлим* каби. Мен, сен олмошлариги *-ни, -нинг* кўшимчлари кўшилганда битта *н* тушиб қолади. *Мени, менинг*.

б) Сўзларга шакл ясовчи кўшимчалар кўшилганда юз беради. Масалан, *икки, олти, етти* соналарига *-ов, -ала* кўшимчаси кўшилганда *и* товуши тушиб қолади: *икков, олтов, еттов, иккаламиз*. Бу ҳодиса синкопа деб юритилади.

в) Сўзларни талаффуз қилиш жараёнида ҳам сўз охиридаги товуш тушиб қолади. *Дўст (дўс), гўшт (гўш), гишт (гиш)*. Товуш алмашилиши ва тушиши ҳодисалари тилда кўп учрайди.

3. Сўзларнинг боши ёки охирида кўш ундошлардан олдин, ёки кўш ундошлар орасида талаффузда битта товуш кўшилади: *стол-устал, стакан-истакан, меҳр-меҳир, зеҳн-зеҳин*.

Бу ҳодиса товуш орттирилиши яъни эпентезадир. Товуш орттирилишининг ушбу кўриниши оғзаки нутқ учун хосдир.

Шунингдек, айрим сўзларга кўшимчалар кўшилганида ҳам товуш орттирилиши юз беради. Масалан, кўрсатиш олмошлари *у, бу, шу, ўша* сўзларига *-га, -да, -дан, -дай, -даги, -ча* кўшимчалари кўшилганда битта *н* товуши орттирилади: *бунга, шунда, ундан, шундай, ундаги, ўшанча* каби. Бундай ўзгариш ёзма нутқда ҳам ўз ифодасини топади.

**Фонетикага хос атамалар:** *товуш, ҳарф, фонема, нутқ аъзолари, нутқ аппарати, унли, ундош, жарангли, жарангсиз, портловчи, сиргалувчи, қоришиқ, сонор, тил олди, тил ўрта, тил орқа, лаб, тиш, танглай, бўғиз, фраза, такт, бўғин, урғу, ассимиляция, диссимиляция, метатеза, протеза, эпентеза товуш алмашилиши, товуш тушиши, товуш кўшилиши.*

## ***Графика ва орфография***

**Графика** грекча «ёзув» маъносини англатади. Нутқ товушларининг шаклий белгилари графика дейилади. Товушларнинг ёзувдаги ифодаси ҳарфдир.

Ҳарфларнинг қатъий тартиб асосида жойлаштирилиши алфавит дейилади.

Ўзбек ёзуви товуш ёзуви бўлиб, лотин графикасига асосланган ҳозирги ўзбек ёзувида 26 ҳарф, 3 та ҳарф бирикмаси ва тутиқ белгиси мавжуд. Улардан 6 таси унли ҳарфлар бўлиб, бештаси учун шаклий белги мавжуд. Бир унли О` унлиси О ҳарфининг устига тутиқ белгисини қўйиш орқали ифодаланади. Ундошлар эса 23 та. Улардан 20 таси ҳарф, учтаси ҳарф бирикмасидир. Ј ҳарфида иккита (ҳам қоришиқ, ҳам сирғалувчи j) товуш ифодаланганлиги туфайли ўзбек тилида 30 та товуш мавжуд.

Лотин ёзувидаги ўзбек алфавитининг жойлашиш тартиби ва шаклий кўриниш куйидагича:

A a, B b, D d, E e, F f, H h, I i, J j, K k, L l, M m, N n, O o, P p, Q q, R r, S s, T t, U u, V v, X x, Z z, O` o`, G` g`, Sh sh, Ch ch, N n, ng

**Орфография.** Орфография грекча «тўғри ёзиш» маъносини англатади. Ўзбек орфографияси ўзбек тилидаги сўз ва қўшимчаларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар йиғиндисидир. Унда айрим ҳарфлар имлоси, қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси, ўзак, негиз ва қўшимчалар имлоси, қўшиб ёзиш чизиқча билан ёзиш, бош ҳарфлар имлоси, бўғин кўчириш қоидалари каби муҳим масалалар ёритилади.

Кирилл алифбосидаги ўзбек ёзувининг асосий имло қоидалари 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган бўлиб, 72 параграф, беш бобдан иборат бўлган.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувининг асосий имло қоидалари 1995 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, у 82 параграфдан иборат.

Ўзбек орфографиясининг бир қатор ёзув қоидалари мавжуд. Улардан асосийлари фонетик ёзув, морфологик ёзув, шаклий ёзув қоидаларидир.

### **Фонетик ёзув**

Бу ёзувга кўра сўз ва қўшимчалар қандай айтилса, шундай ёзилади. Фонетик ёзувда сўзнинг айтилиши ва ёзилиши бир-бирига мос келади. Қуйидаги сўзлар ва унинг қисмлари фонетик ёзув қоидаси асосида ёзилади.

1. Жўналиш келишиги қўшимчалари **-ка, -қа**, фонетик ёзув қоидаси асосида ёзилади. Чунки унинг ёзилиши айтилишига мос келади: **юракка, ўроққа, қишлоққа** каби.

Жўналиш келишигининг **-га** қўшимчаси **уйга, йўлга, акамга, бизга, юқорига, ёзга, таътилга** типдаги сўзларда фонетик ёзув қоидаси асосида ёзилади. Бу сўзларнинг ҳам айтилиши ва ёзилиши бир-бирига мос келади.

**-га** қўшимчаси **ишга, мактабга, чапга, ошга, бошга, ўқишга** типдаги сўзларда **-ка** тарзида талаффуз қилинади, ёзувда эса **-га** шаклида ёзилади. Бу ҳодиса фонетик ёзув қоидаларига тўғри келмайди, яъни бу сўзларнинг ёзилиши ва айтилиши бир-бирига мос эмас. Шунинг учун бу типдаги сўзларни ёзилишида морфологик ёзув қоидасига таянилади.

2. Сўзларга қўшимча қўшилганда сўз ўзагида турлича товуш ўзгаришлари бўлади, яъни ўзакдаги бирор товуш тушиши, товуш алмашилиши, товуш қўшилиши ҳодисаси юз беради. Бу типдаги сўзлар айтилиши ва ёзилиши жиҳатидан бир хил бўлса фонетик ёзув қоидаси асосида ёзилади. Масалан, **оғиз, бурун, сингил, кўнгил, ўгил** сўзларига эгалик қўшимчалари қўшилганда бир товуш тушиб қолади: **оғзим, синглим, бурним, кўнглим, ўглим**. Шунингдек, **сайла, ўйла, қишла, бўя**, сўра каби сўзларга **-в, -қ**, қўшимчалари қўшилганда **а (я)** товушлари **о (ё)** га айланади: **сайлов, ўйлов, қишлоқ, бўёқ, сўроқ** каби. Бу хилдаги сўзлар ҳам айтилиши ва ёзилиши бир хил бўлганлиги сабабли фонетик ёзув қоидаси асосида ёзилади.

**Морфологик ёзув.** Бу ёзув қоидаси сўзларни бир хилда, ягона тарзда ёзилишини тавсия этади. Сўз ўзаги ва қўшимчаларни айтилишига мувофиқ

эмас, балки имло қоидаларига мос ҳолда, ягона тарзда ёзиш морфологик ёзувдир. Морфологик ёзувда сўзнинг айтилиши ва ёзилиши бир-бирига мос келмайди. Масалан, ўрин-пайт келишиги қўшимчаси **-дан, қўндан, ишдан, чандан, матабдан** сўзларида **-тан** шаклида айтилади, бироқ ёзувда эса **-дан** шаклида ёзилади. Шунингдек, **-ди** қўшимчаси **ўқитди, эшитди, чопди** сўзларида **-ти** айтилади, бироқ умумий тарзда **-ди** ёзилади.

Морфологик ёзув асосий ёзув қоидаси бўлиб, адабий тилда имловий бир хилликни таъминлайди.

Ҳозирги орфография қоидаларига кўра жўналиш келишигининг **-га** қўшимчасини **-ка** эшитилган шакли ва бошқа қўшимчаларнинг ҳаммаси морфологик қоида асосида ёзилади.

**Шаклий ёзув.** Ўзбек тилида кўплаб бошқа тиллардан кириб ўзлашиб қолган сўзлар мавжуд. Кўпинча бундай сўзларнинг талаффузи билан имлоси мос келмайди.

Айниқса, бир қатор сўзларнинг боши ва охирида икки ундош товуш ёнма-ён келади, талаффузда эса улардан олдин, ёки улар орасида битта унли қўшиб айтилади: **стол** (устал), **зеҳн** (зеҳин), **фикр** (фикир), **мехр** (меҳир), **институт** (иниститут), **трамвай** (тирамвай) каби.

Бу типдаги сўзларнинг ёзилишида унинг айтилишига эмас, балки қайси тилдан ўзлашган бўлса, ўша шаклни сақлаб қолишга асосланилади. Бундай ёзув шаклий ёзувдир. **Зоология, брошюра, справка, телевизор, труба**, каби сўзлар ҳам шаклий ёзув асосида ёзилади.

Ўзбек имлосидаги амал қилиниши зарур бўлган муҳим қоидалар қуйидагилар.

#### Қўшимчалар имлоси

1. Кўпчилик сўзларда эгалик қўшимчалари қўшилганда товуш ўзгариши юз бермайди: **акам, онанг, укаси** каби. Аммо **парво, обрў**, мавқе, авзо сўзларига I, II шахс эгалик қўшимчалари қўшилганда, бир-й товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: **парвойим, обрўйим, мавқеим, авзойим** каби.

III шахс эгалик кўшимчаси бу сўзларда **йи** шаклида кўшилади: **парвойи, обрўйи, мавқейи, авзойи; худо, мазу, доҳий** сўзларида эса **-си** шаклида кўшилади: **худоси, мавзуси, доҳийси**.

2. **-бон, -боз** кўшимчалари **-вон, -воз** айтилсада, ҳамма вақт **-бон, -боз** ёзилади: **дарвозабон, дорбоз, каптарбоз, масхарабоз**.

-вачча кўшимчаси ҳамма вақт шундай айтилади ва ёзилади: холавачча, амакивачча.

3. -илла кўшимчаси **в** ва **у** товушларидан кейин **-улла** айтилади ва шундай ёзилади: **увулла, лавулла, шовулла, гурулла**.

4. Орттирма нисбат ясовчи **-дир** кўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (кел сўзи бундан мустасно), шунингдек, **-каз, -қаз** кўшимчали орттирма нисбат шаклидан кейин кўшилади: **юрдир, урдир, кулдир, ёндир, ёздир, чиздир, ўтказдир, ютқаздир**.

Қолган барча ҳолларда **-тир** айтилади ва шундай ёзилади: **кестир, келтир, юбортир, чоптир** каби.

5. Жўналиш келишиги кўшимчаси **-га**, чегара билдирувчи **-гача**, равишдош ясовчи **-гач, -гунча, -гани, -гудек** сифатдош ясовчи **-ган**, шунингдек, **-гина** кўшимчалари қуйидагича ёзилади:

а) к ундоши билан тугаган сўзларга бу кўшимчаларнинг биринчи товуши к айтилади ва шундай ёзилади: **элакка, тўккани, эkkунча, йўлаккача, эkkан**.

б) қ ундоши билан тугаган сўзларга бу кўшимчаларнинг биринчи товуши қ айтилади ва шундай ёзилади: **чопиққа, юмишоққина, чиққан, чиққунча, қишлоққача, чиққин** каби.

в) қолган барча ҳолатларда сўз қандай товуш билан тугаши ва бу кўшимчаларнинг биринчи товуши қандай айтилишидан қатъий назар г ёзилади: **баргга, педагогга, бугга, сиггунча, сиггудек**.

**Сўзларни кўшиб ёзиш.**

1. **хона, нома, поя, бон, хуш, ҳам, бахи, кам, умум, ранг, миждоз, сифат, талаб** каби сўзлар ёрдамида ҳосил бўлган кўшма от ва кўшма

- сифатлар кўшиб ёзилади: дарсхона, арпапоя, оммабоп, хушхулқ, хамфикр, оромбахш, камунум, умумхалқ, сутранг каби
2. **-ар, -мас** кўшимчалари билан тугайдиган кўшма от ва кўшма сифатлар кўшиб ёзилади: **ўринбосар, бўрибосар, чўлқувар, ишёқмас.**
  3. Такрор тақлид сўзларга кўшимча кўшиш билан ясалган сўзлар кўшиб ёзилади: **гиргирак, хуйхуйла, гижгижла, ҳиҳила.**
  4. Нарсани бошқа бирор нарчага ўхшатиш орқали билдирган кўшма от ва кўшма сифатлар кўшиб ёзилади: **кўзиқорин, девқомат, ошқулоқ, бодомқовоқ, кўйкўз, шерюрак, ойболта, ширинсўз, жигарранг.**
  5. Нарсани унинг ранги, мазаси ва бошқа бирор белгиси асосида билдирувчи сўзлар кўшиб ёзилади: **эртапишар, олашақшақ, қизилиштон, аччиқтош, мингоёқ, гўнғарга, кўллара, мирзатерак.**
  6. Нарсани бирор мақсадга ишлатилиши учун мўлжалланганлигини билдирувчи сўзлар кўшиб ёзилади: **тоққайчи, кирсовун, кўзойнак, белбоғ, носқовоқ, ошқовоқ, музёрар.**
  7. Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи сўзлар кўшиб ёзилади: **тоғолча, чўлялпиз, қашқаргул.**
  8. Маросим, афсона кабиларни билдирувчи сўзлар кўшиб ёзилади: **беточар, кирювди, келинсалом, уртўқмоқ, очилдастурхон.**
  9. Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланишидан ҳосил бўлган сўзлар кўшиб ёзилади: **мигбоши, сўзбоши, олмақоқи, ишбоши, ерёнгоқ, қўлқоп.**
  10. Иккинчи қисми турдош от бўлган ёки обод сўзи билан ифодаланган жой номлари кўшиб ёзилади: **Бекобод, Мирзачўл, Халқабод, Сирдарё, Қусқўргон, Косонсой, Янгиобод.** Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: **Марказий Осиё, Ўрта Чирчиқ, Кўҳна Урганч, Катта Фарғона канали** каби.
  11. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилинган сўзлар кўшиб ёзилади: **фотоаппарат, телекамера, телекўрсатув, сувости, байрамолди.**

12. Қисқартма сўзларнинг барча турлари ва уларга қўшиладиган қўшимчалар қўшиб ёзилади: *ТошДУ, ТошПИ, ЎзФА, Мкнинг.*
13. Мустақил сўзлар билан ёрдамчи сўзлар орасида товуш ўзгариши юз берса бундай қисмлар қўшиб ёзилади: *боролди, ёзолди, келаркан, айтолади* каби.
14. *Қай* сўзи *ёқ, ер* сўзлари билан ишлатилганда й товуши тушса, бундай сўзлар қўшиб ёзилади: *қайёққа, қаерда.*

***Чизиқча билан ёзиш.***

1. Жуфт ва такрор сўз қисмлари чизиқча билан ёзилади. *Эл-юрт, уй-жой, бахт-саодат, меҳр-муҳаббат, катта-катта, юра-юра.*
2. Жуфт сўздан қўшимча ёрдамида ясалган сўзлар ҳам чизиқча билан ёзилади: *бахт-саодатли, уй-жойли, меҳр-муҳаббатли.*
3. Жуфт сўз қисмлари орасида *-у, -ю* юкламалари келса, ундан олдин чизиқча қўйилиб, кейинги сўз ажратиб ёзилади: *kechayu-kunduz, kunduz, baxt-u, saodat, ob-u havo.*
4. Етакчи ва қўмакчи феъл бир хил шаклда келса чизиқча билан ёзилади: *қўйди-чиқди, олди-берди, борасан-келасан.*
5. Белгини кучайтирувчи *қип-қизил, сап-сарик, қоп-қора* сифатлари чизиқча билан ёзилади, (*опноқ* сўзи қўшиб ёзилади).
6. Сўзларнинг *-ма, -ба* қўшимчалари ёрдамида бириккан қисмлари чизиқча билан ёзилади: *уйма-уй, кўчама-кўча, дам-бадам, ранг-баранг.*
7. Рус тилидан айнан ёки сўзма сўз таржима қилинган сўзлар аслидагидек, чизиқча билан ёзилади: *унтер-офицер, киловатт-соат.*
8. *-чи, -а, (-я), -ку, -у (-ю), да, э, й* юкламалари чизиқча билан ёзилади: *сен-чи, мен-а, шу-я, келди-ку, яхши-ю, бўлса-да, бор-э, кел-эй, отам-эй.*

*-ми, -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина)* юкламалари сўзларга қўшиб ёзилади: *бордим, келдим, бугуноқ, эртагаёқ, яхшигина.*

9. Тартиб сонлар араб рақамлари билан ёзилса, -нчи қўшимчаси ўрнида чизиқча қўйилади: *5-синф, 6-уй, 1-сентябрь, 2008-йил.*

Тартиб сонни кўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизиқча қўйилмайди: *XXI аср, V синф.*

### *Ажратиб ёзиш*

1. Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: *сарф қил, таъсир эт, тамом бўл, ёзиб ол.*
2. Кўмакчи ва тўлиқсиз феъллар мустақил феълдан ажратиб ёзилади: *айтиб бер, олиб кел, ёзиб ол, борган эди, ёзган экан, айтган эмиш.*
3. Кўмакчилар ўзидан олдинги сўздан ажратиб ёзилади: *шу билан, соат сайин, сен каби, кун бўйи, шу ҳақда.* Лекин билан ва учун кўмакчиларининг қисқарган *-ла, -чун* шакллари чизиқча билан ёзилади: *сен-ла, сен-чун.*
4. *Ҳамма, ҳар, ҳеч, бир, ҳай, у, бу, шу,* ўша сўзлари ўзидан кейинги ва олдинги сўздан ажратиб ёзилади: *ҳамма вақт, ҳар ким, ҳеч нима, қай бири, бир нафас, у ер, бу ёққа, шу ерда, ўша ёққа* каби. Аммо *бирпас, бироз, бирмунча, биратўла, буён* сўзлари қўшиб ёзилади.
5. Сифат олдидан келиб, белгининг ортиқ ёки камлигини билдирувчи *тўқ, жиққа, тим, лиқ, ранг, оч* каби сўзлар ажратиб ёзилади: *тўқ қизил, жиққа ҳўл, тим қора, лиқ тўла, ланг очик, оч сариқ.*
6. Мураккаб сон қисмлари ажратиб ёзилади: *ўн беш, бир юз эллик* каби.
7. Биринчи қисми чиқиш келишиги, иккинчи қисми жўналиш келишиги шаклида келган бирикмалар ажратиб ёзилади: *йилдан йилга, кундан кунга.*
8. Белгининг ортиқ даражасини билдирувчи *кўндан кўп, янгидан янги, очикдан очик* каби бирикмалар ажратиб ёзилади.
9. Изофали бирикмалар (*-и(-ю)* қўшимчали) сўзлар ажратиб ёзилади: *дарди бедаво, нуқтаи назар, таржимаи ҳол, гули беор.*



Бу сўзлар таркибида изофа ёзилмаса ёки унинг таркибдаги бирор сўз мустақил ишлатилмаса улар қўшиб ёзилади: *гул беор, дардисар*.

### ***Бош ҳарфлар имлоси***

1. Киши исмлари, фамилиялари, тахаллуслар, бош ҳарф билан ёзилади: *Ўктам, Ҳалима Алиқулова, Ойбек*.
2. Жой номлари бош ҳарф билан ёзилади: *Тошкент, Музработ, Оқтош, Зарафшон, Шимолий Кавказ*.
3. Юлдуз ва сайёралар, бошқа осмон жисмларининг атоқли отлари бош ҳарф билан ёзилади: *Хулкар, Мирриҳ, Марс, Ер, Қуёш, Ой* (сайёра номи бўлиб келса)
4. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига транспорт воситалари ва сув иншоатлариги қўйилган номлар бош ҳарф билан ёзилади: «*Сурхон*» (меҳмонхона), «*Наврўз*» (жамғармаси), «*унча*» (болалар боғчаси), «*Ўтган кунлар*» (романи), «*Марс*» (шоколади), «*Дамас*» (автомашинаси), «*Пахтакор*» (стадиони).
5. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибдаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Мустақиллик куни, Хотира куни, Наврўз байрами, Биринчи сентябрь*.
6. Давлатларнинг давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Раиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши*.

Бошқа таркибли номларда жумладан Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номидаги мансабларни билдирувчи биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Бош вазирнинг ўринбосари, Мудофаа вазири, Ёзувчилар уюшмаси. Фанлар академияси, Шарқшунослик институти, Фан ва техника давлат қўмитаси*.

7. Давлатнинг олий даражадаги мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: *«Ўзбекистон Қаҳрамони»* (унвон), *«Олтин Юлдуз»* (медал). Бошқа мукофотлар фахрий унвонлар нишонлар номидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: *«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»*, *«Соғлом авлод учун»* (орден), *«Матбаа аълочиси»* (нишон).
8. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *Четларига* жийдалар, мажнунтоллар ўсган анҳорга ҳавас билан қаради (А.Қаҳҳор).
9. Шеъринг асарларнинг ҳар бир мисраси бош ҳарф билан ёзилади:
 

*Ўзбекистон дея аталур,*  
*Уни севиб эл тилган олур.*
10. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар бош ҳарф билан ёзилади: *ВМТ, ДАН, АҚШ*.  
Қисқартма таркибидаги бўғинга тенг бўлган қисмларнинг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади: *ТошДУ, СамДУ, ЎзФА* каби.
11. Гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар кичик ҳарф билан ёзилади. Масалан, сонлар иккига бўлинади: *а) бутун сон. б) каср сон.* (У.Турсунов ва б. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги).

#### *Бўгин кўчириш*

1. Сўзнинг боши ва охириги бўғини бир ҳарфдан иборат бўлса, у биринчи сатрга ҳам қолдирилмайди, иккинчи сатрга ҳам ўтказилмайди: *а-бадий эмас, абадий мутола-а эмас, мутола-а, мат-баа, мудофаа.*
2. Ўзлашма сўзларнинг бўғини чегарасида келган икки ёки ундан ортиқ ундош ёнма-ён келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади.  
а) икки ундош ёнма-ён келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади: *диа-грамма, моно-графия.*

- б) уч ундош келса, биринчи ундош олдинги сатрда қолдирилиб, қолган икки ундош кейинги сатрга ўтказилади: *слин-дрик*.
3. Бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар бирикмаси (sh, ch, ng) биргаликда кўчирилади: *pe-shana, mai-shat, pi-choq, si-ngil, dengiz*.
  4. Бош ҳарфлардан бўғинга тенг қисм ва бош ҳарфдан иборат қисмлардан, хонали рақамлар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди: *БМИ, СамДУ, 155, 2008, XXI* каби.
  5. Ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли рақамдан ажратиб кўчирилмайди: *«Наврўз-92», «Термиз-16», «Як-40»*.
  6. А.Навоий, О.Ёқубов каби қисқартмалар таҳаллус ёки фамилиялардан ажратиб кўчирилмайди.
  7. в.б (ва бошқалар), ш.к (шу каби) сингари қисқартмалар олдинги сўздан ажратиб кўчирилмайди.

#### *Тутуқ белгиси*

1. a'lo, ba'zan, ma'yus, ta'zim, ra'y, ta'b, e'lon, e'tibor, e'tiqod, me'mor, ne'mat, she'r, fe'l; No`mon, shu'la каби ўзлашма сўзларда унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ифодалаш учун кўйилади; mo`jiza, mo`tadil, mo`tabar каби сўзларда о` унлиси чўзиқ айтилса ҳам тутуқ белгиси кўйилмайди.
2. in'om, san'at, qat'iy, ma'sul каби ўзлашма сўзларда унлини олдинги ундош товушдан ажратиб айтилишини ифодалаш учун кўйилади.

#### *Лексикология*

Лексикология-грекча «сўз ҳақида таълимот» демакдир. Лексикология тилнинг луғат бойлиги (сўз ва иборалар), уларнинг маъноси, маънонинг ўзгариши, маънонинг кўчиши, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари, сўзларнинг бир маънолиги ва кўпмаънолиги, тилнинг луғат таркиби каби луғавий birlikлар билан боғлиқ хусусиятларини ўрганади.

Лексикологиянинг семасиология (сўз ва ибораларнинг маъно хусусиятларини текширувчи) ва этимология (сўзларнинг келиб чиқишини текширувчи) соҳалари мавжуд.

Тилнинг луғат таркиби (сўз ва иборалар) тил воситаси сифатида маълум маъно англатувчи бирлик, нутқ воситаси сифатида у нутқнинг маъно англатувчи энг кичик қисмини ташкил этади.

Сўз ва иборалар мураккаб тил ҳодисаси ҳисобланиб, ўзига хос кўпгина хусусиятларга эга. Чунончи, ижтимоий ҳаётда юз берадиган ўзгаришлар энг аввал тилнинг луғат таркибида ўз ифодасини топади.

### ***Сўз ва унинг маънолари***

Сўз гапнинг маъно ва грамматик хусусиятга эга бўлган энг кичк қисмидир. Тил элементи сифатида сўз маъно англатувчи бирликдир. Сўзнинг борлиқдаги нарса, предмет ёки ҳодисани ифодалаши унинг маъносидир. Масалан, ***китоб, тош гул*** маълум предметларни англатса; ***яхши, катта***, белгини; ***ўқимоқ, юрмоқ, ишламоқ*** ҳаракат маъноларини англатади.

Сўз луғавий маънодан ташқари нарса ёки шахсга кишининг ижобий ёки салбий маносабатларини ҳам билдиради. Бундай сўзлар услубий бўёқдор сўзлар дейилади. Масалан, ***чехрасидан нур ёгилади*** гапидаги чехра сўзи ижобий маъноли, ***одамнинг турқи шунча совуқ бўладими?*** Гапидаги турк сўзи салбий маъноли сўздир.

Кўринадики, қандай муносабатларни ифодалашига кўра сўзлар икки хил:

1. Ижобий маъноли сўзлар: ***чехра, жамол, порлоқ, доно, мард, сахий, билимдон, кучли, жилмаймоқ, меҳнаткаш*** ва бошқалар.
2. Салбий маъноли сўзлар: ***афт, турқ, хира, нодон, номард, бахил, билимсиз, иржаймоқ, дангаса*** ва бошқалар.

Ижобий ва салбий маъноли сўзлар асоан синоним (маънодош) сўзлар доирасида бўлади. Масалан, «кулмоқ» тушунчасини ифодаловчи ***кулди, жилмайди, табассум қилди***-ижобий; ***иржайди, тиржайди, ишшайди*** салбий маъноли сўзлардир.

Ижобий ва салбий маънолар иборалар доирасида ҳам мавжуд. Масалан, «емоқ» тушунчасини ифодаловчи **танавул қилмоқ, татиб кўрмоқ** бирикмалари ижобий муносабатни, **паққос тушуурмоқ, уриб олмоқ** бирикмалари салбий муносабатларни билдиради.

Шунингдек, тилда синоними мавжуд бўлмаган сўзлар орқали ҳам ижобий ва салбий муносабатлар ифодаланади. Масалан, **хурматли, доно, қадрли, ширин, устоз, жиддий, заҳматкаш, ишчан** сўзлари ижобий маънони **англатса, хурматсиз, нодон, аччиқ, енгилтак, иш ёқмас, кўрқоқ, ландавур** кабилар салбий муносабатларни англатади.

Сўзлардаги услубий бўёқдорликнинг ҳосил бўлиши куйидагича:

1. Сўз ифода хусусиятига кўра услубий бўёқдор бўлади. Масалан, **бўйчан-ижобий, дароз-салбий; билимли** ижобий, **кўрсавод-салбий**. Шунингдек, **чиройли, хушбичим, бежирим, нозанин, ёқимли-ижобий, бадбуриш, найнов, қилтириқ, сатанг-салбий** бўёқдор сўзлардир.
2. Сўзларга турли кўшимчалар кўшилиши орқали услубий бўёқдорлик ҳосил бўлади. Масалан, **бола, қиз, келин, қуш-услубий** бўёқсиз; **болача, қизгина, келинчак, қушча-услубий** бўёқдор. Бу сўзлардаги услубий бўёқдорлик ушбу сўзлардаги кўшимчанинг кичрайтириш-эркалаш маъноларини ифодаланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, қариндошлик билдирувчи сўзларга, киши исмларига **жон, бек, хон, бой** сўзлари кўшилганда ҳам услубий бўёқдорлик вужудга келади: **Амакижон, Азизбек, Нафисахон** каби.

3. Сўзларни кўчма маъноларда ишлатиш натижасида ҳам услубий бўёқдорлик вужудга келади. Масалан, -Хўш, **хўрозлар**-маъсуд чапаниларни исканжага тобора қаттиқроқ ола бошлади (Х./улом). Комиланинг кўнглига ҳеч нарса сиғмаган шундай кунларда анови **елим** ҳам жонига тегди келавериб (А.Мухтор). Ушбу гаплардаги **хўрозлар, елим** сўзлари кўчма маъно орқали услубий бўёққа эга бўлган.

Сўзлар фақат луғавий маъносига кўра услубий бўёқдор бўлмасдан, нутқ кўринишларига хосланганлигига кўра ҳам услубий бўёқдор бўлади.

Нутқ кўринишларига хосланган ёки хосланганлигига кўра сўзлар икки хил: а) умумистеъмол сўзлар; б) услубий сўзлар.

Умумистеъмол сўзлари нутқнинг барча турларида қўлланиладиган, шунингдек, кенг халқ оммаси томонидан кундалик турмушда кенг қўлланиладиган сўзлардир. Бундай сўзлар кенг истеъмол сўзлари, нейтрал сўзлар, фаол сўзлар деб ҳам юритилади. Масалан, *ота, она, бор, кел, тур, емоқ, ичмоқ, бормоқ, нон, туз, сув, ер, тош, кўз, бош, қош, бир, беш, оқ, қора, яхши, ёмон, тез, секин, мен* ва бошқалар.

Умумистеъмол сўзлари барча нутқ услубларида ишлатилади, шунинг учун услубий чегараланмаган сўзлар ҳам дейилади.

Услубий сўзлар нутқнинг баъзи турлари учун хос. Масалан, *айём, башар, осуда, васл, висол, диёр, ёноқ, дудоқ, ўлка, мужда, маскан, буткул каби сўзлар бадиий нутққа хос бўлса дароз, найнов, сўққабош, шилқим, тирмизак, қойилмақом, дўндирмоқ, вайсамоқ* каби сўзлар оғзаки нутққа хосдир.

Шунингдек, *газал, рубойи, туюқ, шеър, достон* (адабиётшуносликка оид), *товуш, ҳарф, сўз, қўшимча, эга, кесим* (тилшуносликка оид), *призма, конус, пирамида* (геометрияга оид) *жисм, фазо, мувозанат, текислик, тебраниш, масса* (физикага оид) атамалар-илмий нутққа хос сўзлардир.

### **Сўз маъносининг ўзгариши**

Сўзлар бир маъноли ва бирдан ортиқ маъноларни англатиши мумкин. Бир маънони англатган сўзлар бир маъноли (моносемантик), бир неча маънони англатадиган сўзлар кўп маъноли (полисемантик) сўзлар дейилади.

Бир маъноли сўзларга қуйидагилар киради:

1. Неологизм (янги пайтда бўлган сўзлар). Бундай сўзлар кундалик турмушда янгидан пайдо бўлган нарса, тушунчаларни ифодалайди. Улар янгилик бўёғига эга бўлганлиги учун ҳам бир маънода ишлатилади: *тадбиркорлик, бизнес, фермер, менежмент, акция, сармоя, инвестиция* каби. Неологизмлар фаоллашиб ўзининг

янгилик бўёғини йўқотиши ва тилдаги сўзлар қаторига ўтиши мумкин.

2. Касб-хунарга оид сўзлар (профессионализмлар). Маълум касб-хунарга: деҳқончилик, чорвачилик, темирчилик, кулолчилик ва бошқа соҳаларга оид сўзлар: *эриш, арқов* (тўқувчиликка) *қирқим, тўл* (чорвачиликка), *шудгор, молалаш* (деҳқончиликка) оид сўзлардир.
3. Атамалар (терминлар). Фан ва техника соҳасидаги аниқ тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар атамалар дейилади: *қўшиш, айириш, илдиз, синус* (математик атамалар), *кислород, азод, водород* (кимё атамалари) каби.

Атамаларни ўрганадиган соҳа атамашунослик (терминология) дейилади. Атамалар аниқ тушунчаларни ифодалаганлиги учун бир маънода қўлланилади. Сўзнинг бир маъноли ёки кўпмаънолилигини нутқ белгилайди. Сўз гапдан ташқарида қайси маънони англатса, гап ичида ҳам шу маънони ифодаласа, бу сўзнинг бош маъноси ҳисобланади. Масалан, юлдуз сўзининг осмон жисмини ифодалашини унинг бош маъноси «футбол юлдузи» маъносида қўлланилиши унинг ясама маъносидир.

Ясама маъно бош маънонинг тараққиёти билан ҳосил бўладиан маънодир. Масалан, *эшикни очмоқ* бирикмасида очди сўзининг бош маъноси ифодаланан бўлса, *кўнглини очди, китобни очди* бирикмаларида ясама маъно ифодаланган.

Тилдаги сўзларнинг катта қисми кўп маъноли сўзлар ҳисобланади.

Кўп маънолилиқ асосан сўзнинг янги маъно ифодалашини натижасида пайдо бўлади. Масалан, *кўз, бош, қулоқ, оғиз* ўз маъносида инсон аъзоларини билдирса, ясама маъносига кўра *узукнинг кўзи, бош ҳисобчи, шишанинг оғзи* каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Кўп маъноли сўзлар қанча маънога эга бўлса ҳам, бу маънолар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлади. Чунончи, *кўз* сўзининг *одамнинг кўзи, узукнинг кўзи, дарахтнинг кўзи* маънолари ўхшашлик хусусиятларига кўра

бир-бири билан боғлиқ. Шу хусусияти билан кўп маъноли сўзлар омонимлардан фарқланади.

Сўзнинг бош маънодан ташқари бошқа маъноларда қўлланилиши сўздаги маъно тараққиёти билан боғлиқ. Бундай маъно тараққиётига олиб келувчи воситалардан бири-сўз маъносининг кўчишидир. Ўзбек тилида сўз маъноси кўчишининг қуйидаги усуллари мавжуд: **метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя.**

**Метафора.** Метафора-грекча «кўчириш» демакдир. Бирор предмет, белги, ҳаракат, ҳодисанинг номини нисбий ўхшашлиги асосида бошқасига кўчиши метафора дейилади. Метафора йўли билан маъно кўчишида предмет, нарсаси, ҳодисаси учун умумий бўлган бир белги (ранги, шакли, кўриниши) мавжуд бўлиб, шу белгининг ташқи ўхшашлиги асосида маъно кўчади. Масалан, **бурун** сўзининг **одамнинг бурни, кеманинг бурни, чойнакнинг бурни** каби маъно кўчишларида ташқи ўхшашлик, юз қисмидан олдинга бўртиб чиқиб турганлик асос бўлган. Кўз сўзининг **одамнинг кўзи, узукнинг кўзи, ёғочнинг кўзи** каби маъно кўчишлари учун шаклий ўхшашлик асос бўлган.

Метафора йўли билан маъно кўчишида баъзан предметлар ўртасида ўхшашлик мавжуд бўлмайди. Масалан, **аччиқ пиёз, аччиқ ҳақиқат; совуқ ҳаво, совуқ гап; қизил китоб, қизил гул; пишмаган овқат, пишмаган одам** каби. Бу хилдаги маъно кўчиши мантиқий мувофиқликка асосланган бўлади.

Метафора асосан инсон тана аъзоларини ифодаловчи: **қўл, бет, бурун, кўз, оғиз, қулоқ, тиш, оёқ** каби сўзлар, шунингдек, ҳайвон ёки парандаларнинг бирор аъзоси номи: **дум, қанот, тумшук**; ўсимликларнинг бирор қисми: **илдиз, томир**; **кийим-кечак ва уларнинг бирор қисми номи: ёқа, этак, жияк; турли ҳаракат, белги номлари; чиқмоқ, олмоқ, чўкмоқ, саваламоқ, йиқилмоқ, тушмоқ**; кўмакчилар: **ост, уст, орқа, ўнг, чап, томон** каби сўзлар орқали вужудга келади.



**Метонимия.** Метонимия-грекча «қайта номлаш», «алмаштирмоқ» демакдир.

Предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро макон ва замонда боғлиқлиги асосида бирининг номини иккинчисига кўчиши метонимия дейилади. Маъно кўчишининг бу усулида предметлар ўртасида ташқи ва ички ўхшашлик бўлмайди. Бироқ предметлар орасида алоқадорлик, бир-бири билан боғлиқлик мавжуд бўлади. Масалан, *бир пиёла ичдим* гапида *пиёла билан чой* ўртасидаги боғлиқлик-чойни пиёлага қуйилиши асосида чой сўзи ўрнида пиёла сўзи қўлланилган. Маъно кўчишининг бу усулида нутқда битта сўз туширилади: Фузулийни олдим кўлимга (Фузулийнинг асарини), бир коса едим (бир коса овқат), зал оёққа турди (залдаги одамлар), Йигирма бешга кирди (йигирма беш ёшга) кабилар метонимия йўли билан маъно кўчишидир.

Метонимия асосида маъно кўчиши предметлар ўртасидаги қуйидаги боғлиқликлар асосида бўлади:

1. Муаллиф ва унинг асари, асарлар ва унинг жанри ўртасидаги боғлиқликка: *Навоийни ўқидим*, «*Ўтган кунлар*» ни (романи) *ўқидим*.
2. Ўрин-жой боғлиқлиги асосида: *қишлоқ кўчиб кетган, хона жим-жит*.
3. Идиш ва унга алоқадор предметлар боғлиқлигига: *бир қозон пиширмоқ (овқат), бир чойнак ичмоқ (чой), бир сатил келтирмоқ (сув), бир тандир ёпмоқ (нон)*.
4. Ўрин-жой номи билан, ўрин-жой сўзи ўртасидаги боғлиқликка: «*Баҳор*»га *бормоқ (кинотеатрга), «Ўзбекистон»да тунадим (меҳмонхона), Тошкентга кетмоқ (Тошкент шаҳрига)* каби.
5. Замон муносабатига кўра: Беш йилликни уч йилда бажармоқ (*беш йиллик режаларни*), етмишга кирмоқ (*ёшга*) каби.

**Синекдоха.** Синекдоха-грекча «бирга англамоқ» демакдир. Қисм орқали бутунни ёки аксинча бутун орқали қисмнинг ифодаланиши синекдоха дейилади. Масалан, *тирноқ* сўзининг «бола» маъносида *бош, туёқ*

сўзларининг «қўй», «сигир» маъносида ишлатилиши қисм орқали бутунни ифодалашдир. Қўл сўзининг бармоқ (қўлидаги узугим), **қўй** сўзининг (қўйнинг териси-қўй телпак) маъноларида қўлланилиши бутун билан қисмнинг ифодаланишидир. **Олма, ўрик, нок, беҳи, жийда, узум** каби мева номлари орқали дарахтни ифодалаш, шунингдек, самовар (чойхона), **эшик** (уй) кабилар ҳам синекдоха орқали маъно кўчишидир.

**Вазифадошлик.** Бир предмет вазифасини иккинчи бир предмет бажариши асосида ном кўчиш вазифадошлик дейилади. Маънонинг бу усулда кўчиши метафорага ўхшаб кетади. Бироқ бу усулдаги маъно кўчиши предметлар орасидаги ташқи ва ички ўхшашликка эмас, балки вазифавий ўхшашликка асосланади. Масалан, қанот (қушнинг қаноти, самолётнинг қаноти), ўқ (ёй ўқи, замбарак ўқи) каби. Вазифадошлик фақат от туркумига хос ҳодисадир.

**Киноя.** Сўзни тескари маънода қўллаш киноя дейилади. Киноя билан айтилган сўзлар қўштирноққа олинади.

### ***Сўзнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари***

Тилдаги сўзлар маъноси ёки шаклига кўра бир-бирига алоқадор бўлади.

Маъно муносабатига кўра сўзлар: **маънодош**, (**синоним**), **зид маъноли** (антоним), шакл муносабатига кўра эса: **шаклдош** ва **талаффуздош** (пароним) сўзларга бўлинади.

**Маънодош сўзлар** (синоним). Синоним грекча-«бир ном» демакдир. Бирдан ортиқ сўзларнинг бир маънони англатишидан синонимлар ҳосил бўлади.

Шакли ҳар хил бўлиб, бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлган сўзлар синонимлар дейилади. Бундай сўзлар айнан бир маънони ифодаласа-да, турли маъно нозикликларига ҳам эга бўлади. Масалан, **бет, афт, башара, чехра, жамол** синонимлари учун «юз» маъносининг ифодаланиши бирлаштирувчи маъно.

Ушбу сўзлардан *бет, афт, башара* «юз» маъносининг салбий, *чехра, жамол* ижобий ҳолда ифодаланиши шу сўзлардаги маъно нозикликларидир. Синонимларнинг кетма-кет қўйилиши синонимик қатор (синонимик уя) дейилади. Синонимик қатор камида иккита сўздан ташкил топади. Масалан, *одам, киши, инсон; чиройли, зебо, барно, юрт, ватан, ўлка, диёр*.

Синонимик қатордаги бир сўз бошқаларига кўра кўп ишлатилади. Масалан, *юрт, ватан, ўлка, диёр* сўзларидан *ватан* сўзи бошқаларига нисбатан кўп қўлланилади. Синонимик қатордаги бундай сўз доминанта (бош сўз) дейилади.

Синонимик қатордаги сўзлар қуйидаги хусусиятлари билан ўзаро фарқланади:

1. Эмоционал бўёқдорлиги билан. Сўзлардаги эмоционал бўёқдорлик икки хил: ижобий бўёқ: *жилмайди, танавул қилди, бўйчан, одобли, билимли*.
2. Бирор нутқ услубига хослиги билан. Масалан, *осмон*-умумнутққа хос, *само*-бадий нутққа хос, *фалак*-сўзлашув нутқига хос.
3. Адабий тилда қўлланилиши ёки қўлланмаслиги билан. Масалан, *одам, инсон, башар* синонимларидан *башар*; *куёш, шамс* синонимларидан *шамс* адабий тилда қўлланилмайди.

Нутқда фақат бир маъноли сўзлар эмас кўп маъноли сўзлар ҳам бошқа сўзлар билан бир неча маънода синоним бўла олади.

Синонимларнинг нутқий вазифалари қуйидагилар:

1. Синонимлар нутқда фикрни аниқ ва мақсадга мос ифодалаш вазифасини бажаради.
2. Фикрда ортиқча сўз такрорини олдини олади.
3. Адабий тилни бойитади.

Ўзбек тили синонимларга бой тилдир. Синонимларнинг кўплиги тилнинг бойлиги бўлиб, бир маънони турли даражаларда ифодалаш имконини беради. Масалан, «*қарамоқ*» тушунчасини ифодаловчи *тикилиб*

*қолди «узоқ қарамоқ», қиё боқди «бир қараб қўймоқ», зимдан қузатди «яширинча қарамоқ»* каби маъноларни ифодалаган.

Синонимлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Луғавий синонимлар.
2. Грамматик синонимлар.
3. Луғавий-фразеологик синонимлар.
4. Услужий синонимлар.

1. *Луғавий синонимлар.* Сўз ва ибораларнинг ўзаро синоним бўлиши луғавий синонимлар дейилади. Луғавий синонимлар доирасида сўзлар: *мард, жасур, ботир; якка, ёлғиз, танҳо; иборалар: ҳафсаласи пир бўлди, қўлини қўлтигига урди* ўзаро синоним бўлади.

Луғавий синонимлар 2 хил бўлади:

1. Тўлиқ синонимлар.
2. Маънавий синонимлар.

Синоним сўзлар маъноси ва ишлатилиши жиҳатидан фарқланмаса тўлиқ синоним дейилади. Масалан, *тилушнос-лингвист; жуда-гоят-гоятда*.

Синонимлар ўзаро маъно қирраси билан фарқланса, маънавий синоним дейилади. Масалан, катта, йирик сўзлари «катталиқни» ифодалайди. Бироқ катта сўзи катта нарсаларнинг катталигини (катта бино), йирик сўзи эса кичик нарсаларнинг катталигини (узумнинг доналари йирик-йирик) билдиради. Шунингдек, *хўл, шалаббо; нотўғри, хато; юрак, қалб* каби.

2. Грамматик бирликларнинг (қўшимчалар, гапларнинг) синоним бўлиши грамматик синонимлар дейилади. Масалан, *-яп, -ётир, моқда* қўшимчали сўзлар *келаяпти, келётир, келмоқда* қўшимчалар синонимлигидир.

*Бу китобни ўқишим керак, Бу китобни ўқимасам бўлмайди* содда гаплар доирасида синоним бўлса, *Тонг отди ва йўловчилар йўлга тушдилар. Тонг отгани учун йўловчилар йўлга тушдилар* гаплари қўшма гаплар доирасидаги синонимлардир.

3. Сўз билан сўз бирикмалари ўзаро синоним бўлса, луғавий-фразеологик синоним дейилади: *айёр-илонни ёгини ялаган, хурсанд-оғзи қулоғида, аччиқланди-мена сочи тикка бўлди*.
4. Синонимлар услубий бўёқ жиҳатдан фарқланса услубий синонимлар дейилади: *кулмоқ, жилмаймоқ, тиржаймоқ, бош калла, юз, башара, чехра* каби.

Синонимик муносабатлар бир сўз туркуми доирасида бўлади.

Синонимлар асосан тилнинг ички имконияти асосида, шунингдек бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида вужудга келади.

**Антонимлар.** Қарама-қарши (зид) маъноларни билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади. Масалан, *катта-кичик, яхши-ёмон*. Антонимлик муносабатлари асосан белги билдирувчи сўзларда бўлади. Шу боисдан антонимлар асосан сифат: *оқ-қора, яхши-ёмон, узун-қисқа* ҳамда равиш: эрта-кеч, яқин-йироқ туркумларига хосдир. Антонимлар қисман от туркумида ҳам учрайди. Масалан, *уруш-тинчлик, дўст-душман*. Тилдаги барча сўзларнинг антоними бўлавермайди. Чунончи, *сон, олмош, модал сўз, ёрдамчи* сўзларда антонимик муносабатлар мавжуд эмас.

Сўзлар асл маъносига кўра, шунингдек кўчма маъносига кўра антоним бўлиши мумкин. Масалан, *иссиқ-совуқ* (асл маъносига кўра), *иссиқ* (ёқимли-истараси иссиқ), *совуқ* (ёқимсиз турқи совуқ) кўчма маъноларига кўра ҳам антонимдир.

Кўп маъноли сўзлар ҳам ҳар бир маъноси билан бошқа сўзларга антоним бўлиши мумкин. Масалан, *оғир* сўзи бир маъноси билан енгил сўзига, бошқа маъноси билан эса *қийин* сўзига (унга оғир бўлди) антоним бўла олади.

Антонимлар жуфт ҳолда қўлланилади. Антонимлар ёрдамида бадиий адабиётда тазод санъати ҳосил бўлади.

Чархи кажрафторининг бир шевасидан доғман

Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.

(Фурқат)

Байтдаги *нодон-доно* антонимлари ёрдамида тазод санъати яратилган.

**Омонимлар.** Талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар дейилади. Масалан, *олма* (мева) *олма* (бирор нарсани олмаслик); *от* (хайвон), *от* (ташла); *суз* (овқатни), *суз* (сувда).

Омонимлар асосан бир хил туркумдаги сўзлардан ҳосил бўлади. Масалан, *сузди* (сувда), *сузди* (овқатни)-феъл туркуми.

Баъзан омонимлар ҳар хил туркумдаги сўзлардан ҳам ҳосил бўлади: *от* (исм), *от* (хайвон)-от туркуми, *от* (ташла)-феъл туркуми.

Омоним сўзларда кўшимчалар қўшилганда уларнинг бир қисми (бир туркумдаги сўзлар) омонимлик хусусиятини сақлайди. Аммо баъзиларида (бошқа туркумдаги сўзларда) омонимлик хусусият йўқолади. Масалан, *отим* (исмим), *отим* (хайвоним) омонимлик хусусият сақланган, *от* (ҳаракат) бу кўшимчани қабул қилмайди ва омонимлик хусусият йўқолади.

Шунингдек омоним сўзлар асосида ҳам омонимлар ҳосил бўлади: *суз* (сувда), *суз* (овқатни)-*сузма* (қатиқ), *сузма* (ҳаракат); *ол* (қизил), *ол* (олмоқ)-*олма* (мева), *олма* (ҳаракат).

Омонимлар ва кўп маъноли сўзлар бир-бирига ўхшаш. Чунки уларда кўринишда битта шакл бўлади. Бироқ омонимлар *ҳар бир маъносига кўра битта сўзни* ташкил қилса, *кўп маъноли сўзлар эса ҳамма маъноларига кўра* битта сўзни ташкил қилади. Масалан, бош сўзи нечта маъноси бўлса ҳам бир сўз. *Ўт* ўзи эса ҳар бир маъносига кўра бир сўздир. Шунга кўра омонимлар кўп маъноли сўзлардан асосан қуйидагича фарқланади. Кўп маъноли сўзларнинг маънолари ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Масалан, бош сўзидаги *тоғнинг боши*, *одамнинг боши*, йўлнинг боши каби маъноларнинг боғлиқлиги бош қисмининг (битта нуқтанинг) ифодаланишидир.

Омонимларда эса маъно ўзаро боғлиқ бўлмайди. Масалан, *ўт* сўзидаги «олов», «майса», «ўтмоқ», бошқа-бошқа маънолардир. Шунга кўра бу маъноларнинг ҳар бири учун *ўт* сўзи алоҳида сўздир.

Омонимлар бадий адабиётда *туюқ жанрини* вужудга келтиради.

Шам янглиғ ёнадур бошимда ўт

Кўз ёшимдан ер юзида унди ўт  
Қон ёшим қилди йўлингни лолазор  
Мунча тақсир айладим, қонимдан ўт

(А.Навоий)

Омонимлардан бадиий адабиётларда, айниқса аскиячиликда сўз ўйини сифатида фойдаланилади. Бадиий асарлада тажнис санъати омонимлар ёрдамида яратилади.

**Паронимлар.** Талаффузи бир-бирига ўхшаш, шакли ва маъноси бошқа-бошқа бўлган сўзлар паронимлар дейилади. Паронимларда сўз маъносини ўзгаришда бир ҳарф асос бўлади. Масалан, *аср-асир, азм-азим, шох-шоҳ, ёд-ёт, ёндош-ёндаш, абзал-афзал, хол-ҳол, амр-амир.*

### ***Тилнинг луғавий бирликлари***

Тилнинг луғавий бирликлари турли-туман хусусиятларга эга бўлиб, муайян хусусиятларига кўра турлича тасниф қилинади.

Нутқда кўп ёки кам қўлланилишига кўра сўзлар икки хил: ***фаол*** ва ***нофаол.***

Кундалик турмушда доимий қўлланиладиган сўзлар фаол сўзлар дейилади. Масалан, ***бор, кел, юр, тур, мен, сен, ким, нима, қанча, қандай, одам, дарахт*** ва б.

Бундай сўзлар нутқнинг ҳамма турида, шунингдек барча тоифадаги кишилар нутқида қўлланилади. Шунинг учун бу сўзлар қўлланиш доираси чегараланмаган ёки умумистеъмол сўзлари ҳам деб юритилади.

Кундалик турмушда кам ишлатиладиган ёки нутқнинг бирор тури учун хос бўлган сўзлар нофаол сўзлар дейилади. Масалан, ***само, башар, туг, подшоҳ, қул, тахт.*** Бу турдаги сўзлар нутқнинг барча турларида ва ҳамма кишилар нутқида ишлатилмайди. Шунинг учун улар қўлланиш доираси чегараланган ёки услубий сўзлар ҳам деб юритилади.

Нофаол сўзларга қуйидагилар киради. ***Эскириб қолган сўзлар, шевага хос сўзлар, атамалар, касб-ҳунарга оид сўзлар, неологизмлар*** (янги сўзлар).

**Эскириб қолган сўзлар.** Кенг истеъмолда қўлланилмайди, бадий асарларда, луғатларда учрайдиган сўзлар эскирган сўзлар дейилади.

Эскирган сўзлар икки хил:

- а) архаик сўзлар;
- б) тарихий сўзлар;

Тилда синоними мавжуд бўлиб, ўзи эскириб қолган сўзлар архаик сўзлар дейилади. Архаик сўзлар бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган нарсани англатади: **ёноқ** (юз), **ол** (қизил), **чечак** (гул), **само** (осмон), **битмоқ** (ёзмоқ).

Архаик сўзлар бадий асарларда ўтмишга хосликни ифодалаш учун қўлланилади ва нутққа кўтаринки рух беради.

Ўтмишдаги нарса ва тушунчаларнинг номи бўлиб, ҳозирги кунда эскириб қолган сўзлар яқин ўтмишга хос бўлади: **тахт, каниз, қози, ясовул, қаландар, доруза, қалқон, булбулга, ёргучоқ, чарх** каби.

Тарихий сўзлар ҳам бадий асарларда тарихий воқеа-ҳодисаларни аниқ ёритиб бериш учун қўлланилади.

**Шевага хос сўзлар** (диалектизмлар). Қўлланиш доираси чегараланган, яъни айрим маҳаллий шеваларда ишлатиладиган сўзлар шевага хос сўзлардир. Шевага хос сўзлар тилнинг маҳаллий кўринишидир. Масалан, **ул** (ўғил), **хўжак, гўсала** (бузоқ), **мўрча** (чумоли, ҳаммом), **занги, шоти** (норвон), **такия** (ёстик), **довучча** (ғўра, ўрик), **санча** (пишмаган қовун).

Шевага хос сўзларни шевашунослик ўрганади. Ўзбек тили шевалари 3 га бўлинади.

1. Қорлуқ-чигил-уйғур шевалари. Бу гуруҳга шаҳар шевалари (Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган) киради.
2. Ўғиз шевалари. Хоразм, Қорақалпоғистон ва Туркманистон ўзбеклари шу гуруҳга мансуб.
3. Қипчоқ шевалари. Бу шевага мансублар й товушини ж тарзида айтишади. Шунинг учун ж ловчилар деб юритилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили Тошкент, Фарғона шеваларига асосланган.



Шевага хос сўзлар бадий асарларда маълум жойга хосликни ифодалаш, асар персонажларининг ўзига хос нутқини бериш мақсадида қўлланилади. Улар бадий асарлар орқали адабий тилга ўтиб, кенг истемол сўзига айланиши мумкин.

**Ўзлашма сўзлар.** Сўзлар тилнинг ўзига хослиги ва бошқа тиллардан кирганлигига кўра иккига бўлинади: а) ўз қатлам; б) ўзлашма қатлам.

Асли шу тилнинг сўзи бўлган сўзлар ўз қатлам сўзларидир: **бош, қош, кўз, ол, бер, қўй, кел, кет, бек** каби. Ўз қатлам сўзлари қуйидаги хусусиятларга эга: кўп маънолик ўз қатламга хос бўлади, мавҳум тушунчаларни билдирмайди, бир, икки, қисман уч бўғинли сўзлардан иборат бўлади, икки ва ундан ортиқ унли ва ундош ёнма-ён келмайди, сўз ўзаги талаффуз қилинганда товуш ўзгариши юз бермайди. Масалан, **Самарқанд, гишт** сўзлари талаффуз қилинганда товуш тушади, **мактаб** сўзи талаффуз қилинганда б товуши п га айланади. Демак булар ўзлашма сўзлардир. Тилдаги феъллар, сонлар, тақлид сўзлар ўз қатламга хос бўлади.

Бошқа тиллардан кирган сўзлар ўзлашма сўзлар дейилади. Масалан, **парта, перо, бокс, солдат-рус тилидан, каптар, гўшт, гишт, гул, пешона-форс-тожик тилидан, кимё, таълим, муаллим, китоб-араб тилидан ўзлашган** сўзлардир.

### **Иборалар**

Иборалар (турғун бирикма) тилда бир қолипга тушиб, қотиб қолган луғавий birlikлардир. Иборалар камида иккита мустақил сўзнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, **огзи қулоғида, дўпписи яримта, жаҳли чиқди, тена сочи тикка бўлди** каби.

Иборалар таркибидаги сўзларни алмаштириш, тушириб қолдириш мумкин эмас.

Иборалар таркибидаги сўзлар ўз мустақил маъносини йўқотиб, бир бутун ҳолда кўчма маъно ифодалайди. Масалан, **тена сочи тикка бўлди** (аччиқланди), **капалаги учди** (кўрқди), **огзининг таноби қочди** (хурсанд).

Иборалар оддий бирикмадаги сўзларга шаклан ўхшаб қолиши юмумкин. Масалан, *оёгини тиради-ўз* маъносида эркин бирикма, *оёгини тиради «кўнмади»* маъносида турғун бирикма. Шунингдек, *қўли очик* «сахий» (турғун бирикма) *қўли очик* «панжалари ёйилган» (эркин бирикма), *тарвузи қўлтигидан тушиди* бирикмаси ҳам турғун ва эркин бирикма маъноларини ифода этади.

Иборалар сўз бирикмаси шаклида: *бўзчинг моқисидай, қўл кўтармоқ, ўзига келмоқ*. Гап шаклида: *кўнгли ёришиди, иши ўнгидан келди* каби ифодаланади.

Иборалар қуйидаги хусусиятларга эга.

1. Иборалар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган луғавий бирликлардир.
2. Иборалар гапда бир гап бўлаги бўлади.
3. Иборалар кўчма маъно ифодалагани учун образлиликка бой. Шу сабабдан нутқни ифодалаш ва таъсирчан қилади.
4. Иборалар бадий ва сўзлашув услубларида қўлланилади.

Тилда худди иборалардек тайёр ҳолда қўлланиладиган, бир қолипга тушиб қолган бошқа бирликлар ҳам мавжуд. Улар мақолалар ва маталлар. Иборалар, мақол ва маталлар бирикма ҳолида бўлиб, ўзгартириш мумкин бўлмаганлиги учун *барқарор бирикмалар* дейилади.

### ***Тасвирий ифода***

Предмет, нарса-ҳодисанинг муҳим хусусиятлари орқали ифодаланиши тасвирий ифода дейилади. Масалан, *оқ олтин-пахта, дала маликаси-маккажўхори, бунёдкор-қурувчи*.

Тасвирий ифода нарса-ҳодисани образли ифодалаш асосида вужудга келади.

Бундай ифодалар нутқий таъсирчанликни таъминлаш, нутқ жараёнида сўзларни такрорламаслик имконини яратади. Тасвирий ифода асосан от ва сифат туркумидаги сўзлардан ташкил топади.

## *Лексикологияга хос атамалар;*

*Сўз, ибора, сўз маъноси, синоним, омоним, антоним, пароним, маъно, кўчма маъно, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, атама, неологизм, диалектизм, фаол сўз, ўзлашма сўз, барқарор бирикма (ибора), тасвирий ифода ва бошқалар.*

## *Лексикография*

Луғат тузиш билан шуғулланадиган соҳа лексикография дейилади. Луғат сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш демакдир.

Луғатлар икки хил бўлади:

1. Энциклопедик луғатлар
2. Лингвистик (филологик) луғатлар.

Энциклопедик луғатларда бирор шахс, жой ёки бирор давр ҳақида, атрофлича маълумот берилади. Масалан, «Ўзбек энциклопедияси»да Амударё ҳақида қуйидагича маълумот берилган. Ўрта Осиёдаги энг серсув, катта дарё. Амударёни юнон ва римликлар Окус ёки Оксос, араблар Жайхун, ерли халқлар дастлаб Укус, Вахш сўнгра Омул деб атаганлар (327-бет). Шундан кейин Амударёнинг қаердан бошланиши, узунлиги, ҳавзаси ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

Лингвистик луғатлар бир тилли ёки икки тилли луғатларга бўлинади. Бир тилли луғатларда бирор муайян тилнинг сўз бойлиги акс эттирилади.

Ўзбек тилининг қуйидаги лингвистик луғатлари мавжуд:

1. Ўзбек тилининг имло луғати. Бу луғат 60000 дан ортиқ сўз ва сўз шаклларида иборат бўлиб, унда сўзларнинг тўғри ёзилиши берилган.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бу луғатда 80000 дан ортиқ сўзларнинг маънолари берилган.

Шунингдек, ўзбек тилининг синонимлар, антонимлар, омонимлар, паронимлар луғати, фразеологик луғат, морфем луғат, киши исмлари, жой

номлари луғати, терс луғат, этимологик луғат, Алишер Навоий асарларини луғати каби. Кўплаб лингвистик луғатлар тузилган.

Икки тиллик луғатларда икки тил сўзларининг таржимаси берилади. Масалан, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғат.

Бу луғатларнинг ҳар бирида 80000 дан ортиқ сўзлар жамланган ва таржималари берилган.

Луғатлар жуда муҳим маданий бойликдир. Уларнинг амалий аҳамияти қуйидагича:

1. Сўзларни тўғри ёзишга ўргатади (имло луғати).
2. Сўз маъноларини тушунтиради (изоҳли луғат).
3. Сўзларни бир-бирига солиштириб, тил ўрганишда фойдаланилади (икки тилли луғат).

### ***Адабий тил ва услубият***

Адабий тил умумхалқ тилининг товушлари, сўзлари ва грамматик шакллари жиҳатидан маълум меъёрга келтирилган кўринишидир. Шунга кўра адабий тил сўз санъаткорлари томонидан ишланган тил ҳисобланади. Адабий тилни маълум меъёрга келтирувчи сўз санъаткорлари: ёзувчилар ва олимлардир. Адабий тилни вужудга келтиришдан мақсад умумхалқ оммавий алоқа воситасини яратишдир.

Адабий тилни икки шакли: ёзма ва оғзаки шакли мавжуд.

Ёзма адабий тил-китобий тил бўлиб, адабий тилнинг асосий шакли ҳисобланади. Ёзма адабий тил учун хос бўлган меъёр-орфография ва пунктуация (тиниш белгилар). Оғзаки адабий тил учун меъёр-талаффуздир.

Адабий тилнинг маълум соҳаларда қўлланиладиган кўриниши адабий тил услублари дейилади. Тилнинг маълум нутқ шаклларида қўлланилиши асосида нутқ услублари вужудга келади. Нутқ услубларини ўрганадиган соҳа услубиятдир. Услубият қуйидагиларни ўрганади.

1. Тил ҳодисаларининг мақсадга мос қўлланилиши.

2. Ёзма ва оғзаки нутқнинг хусусиятларини.
3. Бадиий асар ҳамда ёзувчилар тили ва услубини.

Ўзбек тилининг нутқ услублари 5 та: **сўзлашув услуби, илмий услуб, расмий-идоравий услуб, оммабон** (публицистик) услуб, бадиий услуб.

Сўзлашув услуби-оғзаки нутқ услуби, қолган услублар-ёзма нутқ услубларидир.

**Сўзлашув услуби.** Сўзлашув услуби вазиятга кўра, ҳозиржавоблик асосида вужудга келиб, оҳанг, мимика ёрдамида шаклланади. Вазифа жиҳатидан бу услуб адабий тилга мос: алоқа-аралашув вазифасини бажаради.

Сўзлашув услуби кенг қўлланиладиган услуб бўлиб, унда нутқ диалог шаклида бўлади.

Сўзлашув услуби эркин муомила асосида қурилади. Шунинг учун қисқа, содда бўлиб, товуш тушиб қолиши: **гўшт-гўш, тўрт-тўр, гишт-гиш, бўлса-бўса**, товуш орттирилши; **ечмоқ-чечмоқ, шкаф-ишкаф, отпуск-отпуска** асосан шу услубга хосдир.

Сўзлашув услубининг луғавий-грамматик хусусиятлари қуйидагилар.

1. Сўзлашув услубида китобий услубга хос: **имзо чекмоқ, таваллуд топмоқ, ташириф буюрмоқ** каби луғавий воситалар қўлланилмайди.
2. Сўзлашув услуби умумистеъмол: **ота, она, қўл, оёқ, тез, бормоқ, емоқ, яхши, ой, юлдуз** каби барча учун бир хил қўлланиладиган сўзлар асосида шаклланади.
3. Сўзлашув услуби услубий бўёқдор бўлган: **дўндирмоқ, қойиллатмоқ** (ишни), **гунпилаяпти** (қор), **боласи тушмагур, шўр пешона, барака топқур, садағанг кетай, елим, хира пашиша, тулки** каби образли сўзларга, ибораларга, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларга бой. Бундай воситалар сўзлашув услубининг образлилигини таъминлайди.

Сўзлашув услубида гаплар асосан содда гап шаклида тузилади ва унда сўзларнинг жойлашиш тартиби анча эркин бўлади.

**Илмий услуб.** Фан ва техникага оид асарлар, дарслик ва қўлланмалар илмий услуб намуналаридир. Илмий услуб аниқ маълумотлар, умумлашмалар, таърифлар, тушунчалар билан иш кўради.

Илмий услубнинг таянч сўзлари ҳар бир фаннинг ўзига хос бўлган атамаларидир. Масалан, *товуш, урғу, бўғин, гап* (тилшунослик) *учбурчак, параллел, синус, косинус* (математика) атамаларидир.

Илмий услуб формулаларга, таблица ва схемаларга, шартли белгиларга (Н-водород, Н<sub>2</sub>О-сув, Х-икс,) таянади.

Илмий услубда умумистеъмол сўзларидан, кўмакчилар (учун, каби, сингари), боғловчилар (ва, аммо), кириш сўзлар кўп қўлланилади. Бу услубда сўзлар кўчма маъноларда ишлатилмайди.

Илмий услубнинг грамматик қурилиши изчил, мантиқан боғланган, фикр аниқ ифодаланган бўлади.

Қуйидаги матн илмий услуб намунасида. *Тог ва адирларда тўппигул деган ўсимлик бўлади. Май, июнь ойларида гуллаб етилади: ҳиди йўқ, гули тўқ ҳаворанг бўлиб, устки қатлами жигаранг.*

**Расмий-идоравий услуб.** Бу услубнинг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хилдир. Қарорлар, давлат идоралари, суд-прократура ҳужжатлари, шартномалар, расмий эълонлар, шуниндек иш қоғозлари (ариза, тилхат, маълумотнома) расмий услуб намуналаридир. Расмий услуб ҳужжатларга таянувчи услуб.

Расмий услуб нутқнинг қисқа ва аниқ тузилиши билан фарқланади. Бу услубнинг асосий хусусияти жумлаларнинг белгиланган тартибдаги бир хилликда бўлишидир.

Расмий услубда жумлалар маълум қолипда ва изчил бўлади. Масалан, ариза ёзиш лозим бўлса, биринчи қаерга, кимга, ариза ёзувчининг адреси, лавозими, кимлиги кўрсатилиб, матн берилади. Бу тартиб барча ариза ёзувчилар учун бир хил.

Расмий услуб тез-тез такрорланиб турувчи бир хилдаги жумлаларга бой. Бу услубда синонимлар, кўчма ва кўп маъноли сўзлар, образли воситалар

қўлланилмайди. Кўпинча, дарак, буйруқ гаплардан фойдаланилади, гап бўлақларининг одатдаги тартибига амал қилинади.

**Оммабоп услуб.** Бу услуб кундалик ҳаёт кўзгуси ҳисобланади. Публицистика «халқ» сўзидан келиб чиққан бўлиб, халқчил деган маънони беради. Матбуот (газета, журнал), радио-телевидение, нотиклар нутқи оммабоп услубни ташкил этади.

Бу услуб кундалик расмий ва долзарб воқеаларни ҳаётдаги ижтимоий масалаларни акс эттиради.

Оммабоп услубда фикр изчил ифодаланади, луғавий жиҳатдан ижтимоий-сиёсий: **сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол, ҳукумат, давлатлараро муносабат** каби сўзлар газета расмий хабарларига хос: **хабар, долзарб, мухбир, лавҳа, очерк, репортаж** каби сўзларга таянилади.

Оммабоп услуб бадиий услубга яқин бўлганлиги, бадиий матнларга алоҳида эътибор берилганлиги учун унда образли воситалар, таъсирчан сўзлардан (**заршунос, дала маликаси, оқ олтин, зангори экран**) кенг фойдаланилади.

**Бадиий услуб.** Бадиий асарлар бадиий услубни ташкил қилади. Бадиий услуб адабий тилнинг ривожланиши учун муҳимдир.

Бадиий услуб тилнинг тасвирий воситалари (метафора, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш) ёрдамида бадиий-образлилик ҳосил қилади ва кишига эстетик таъсир этади.

Шу боисдан бадиий услубнинг асосий вазифаси бадиий (эстетик) таъсир этишдир. Бадиий услубнинг асоси бадиий асарлар бўлиб, бадиий асар тилини тилшунослик фани ўрганади.

Бадиий услуб луғавий жиҳатдан кўпмаънолилик ва кўчма маънолиликка таянади.

Бадиий услубнинг таянч сўзлари: **борлиқ, беғубор, эзгу, мангу, мунис, мусавффо, диёр, ёрқин, сукунат, ҳазин, маюс** каби бадиий-китобий сўзлардир. Бу услубда **гардун, очун, кишвар, забун, ялов, азёр, ганим,**

*сарбаст, дудоқ каби архаик; ясовул, доруза, миршаб* каби тарихий сўзлар ҳам кўп қўлланилади.

Бадий услуб кўпинча адабий тил нормаларига бўйсунмайди. Бу услубда гапда сўзларнинг ўрин алмашиши (инверсия) кўп учрайди. Масалан, Сўйлаб берай, Зайнаб ва Омон, Севгисидан бир янги дoston (Х.О).

Қуйидаги матн бадий матндир. Сокин тун. Осмон тўла юлдуз лекин ёруғи йўқ. Йўл бошидаги дарахтлар хурпайган товукқа ўхшаб кўринади, қоп-қора (Шухрат).

### ***Нутқ маданияти***

Нутқнинг тўғрилиги, аниқ ва мазмундорлиги, ихчам ва қисқалиги, таъсирчанлигини ўрганадиган соҳа нутқ маданиятидир.

Нутқ маданияти адабий тилга хос бўлиб, адабий тил нормаларига (меъёрларига) таянади.

Нутқ маданияти сўзнинг маъноси ва маъно бўёқдорлигини тушунган ҳолда қўллаш, ортиқча сўз такрорига йўл қўймаслик, гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, фикрда мантиқий изчилликка эришиш натижасида вужудга келади. Шунга кўра нутқ маданияти «нутқнинг тўғрилиги» ҳақидаги таълимотдир.

Нутқ маданияти нутқий нуқсонларни аниқлайди ва уни тузатади.

Гапларда ноўрин ишлатиладиган сўзлар, диалект ва шевага хос сўзлар нутқ маданиятини бузади.

### ***Грамматика***

Грамматика гапда сўзларнинг ўзгариши ҳамда бирикишини ўргатувчи соҳа. Грамматиканинг вазифаси гапда сўзларнинг бирикишини таъминлаш, уларни фикр аниқлатувчи воситага айлантиришдир. Шунга уўра грамматика икки қисмдан-***морфология*** ва ***синтаксисдан*** иборат.

***Морфология***-грекча-шакл ҳақида таълимот маъносини аниқлатади.

Морфология-сўзларнинг тузилиши (ўзак ва қўшимча морфемалар), ўзгариши (алоқа муносабат шакллари қўлланилиши) ва сўз туркумларини ўрганади.



Морфологиянинг муҳим вазифаларидан бири сўзнинг таркибий қисмларга бўлинишини ўрганишдир. Сўзнинг таркибий қисмлари морфемадир.

Сўзнинг энг кичик маъноли, бошқа маъноларга бўлинмайдиган қисми **морфема** дейилади.

Морфема-грекча «шакл» демакдир. Сўзнинг ҳар бир таркибий қисми маъноли қисмлардир. Маъноли қисмлар ўзак ва унга қўшиладиган қўшимчалардан иборат. Сўзлар ўзакдан бошланиб, қўшимчалар ўзакка қўшилади. Сўзларга қўшимчаларнинг қўшилиши фақат мустақил сўз туркумларига хос ҳодиса. Ўзак ва қўшимчалар сўзнинг таркибий қисмларидир.

Мустақил сўзлар таркиби жиҳатидан маъно англатувчи қисм ва грамматик қисмдан иборат бўлади. Масалан, мактабимиз сўзидаги мактаб-шу сўзнинг маъно англатувчи қисми, -имиз-грамматик қисмидир. Сўзнинг маъно англатувчи қисмида луғавий маъно мавжуд бўлиб, қўшимчалар ёрдамида ифодаланадиган маънолар, луғавий маънога боғлиқ ҳолда вужудга келадиган грамматик маънолардир. Масалан, китобхонлар сўзидаги сўз ясовчи **-хон** ва шакл ясовчи **-лар** қўшимчалари орқали ифодаланган маънолар, луғавий «китоб» маъноси билан боғлиқ.

Сўзнинг луғавий маъно англатувчи қисми ҳам, грамматик маъно англатувчи қисми ҳам, морфема ҳисобланади.

Морфемалар тузилиши ва вазифасига кўра икки хил: 1. Ўзак морфема, 2. Қўшимча морфема (аффикс морфема).

Ўзак морфема сўзнинг асл (луғавий) маъносини билдирувчи асосий қисмидир. У бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди. Шунинг учун у сўзнинг ўзаги дейилади. Ўзак морфема **лексема** деб ҳам юритилади. Ўзак сўзнинг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгармас қисми бўлиб, унга турли қўшимчалар қўшилганда ҳам маъноси йўқолмайди. Масалан, **китобхон**, **китоблар** сўзлари турли грамматик маъноларни ифодаласа-да, унинг ўзаги китоб шакл

ва маъно жиҳатидан ўзгармаган. Ўзак морфема сўз ясалиши, шакл ясалиши, сўз ўзгариши учун ҳам асосдир.

Тилдаги кўпгина сўзлар икки ёки ундан ортиқ морфемалардан иборат бўлади. Масалан, *ишсиз, ишчанлик*. Сўз ҳеч қандай қўшимча олмаган ҳолда қўлланилса, у битта морфема-ўзак морфемадангина иборат бўлади. Ўзак морфемани англаш сўзни морфемаларга ажратиш учун муҳимдир. Масалан, *улғаймоқ* сўзи шу сўз шаклига асосланган ҳолда улғайҚмоқ тарзида морфемага бўлинмайди. Сўзнинг ўзак морфемаси улуғ сўзидир. Ёки атамоқ сўзи ҳам *атаҚмоқ* қисмлардан эмас *отҚаҚмоқ* каби морфемалардан ташкил топган. Бу сўзларга ясовчи *-ай, -а* қўшимчалари қўшилганда ўзакда товуш ўзгариши юз берган. Бундай сўзлардаги товуш ўзгаришларини фаҳмлаш, сўзнинг морфемик таркибини аниқ изоҳлаш учун имкон яратади. *Сайлов, қишлоқ, ишлов, яйлов, сувоқ, тароқ, тузоқ, қуроқ* типдаги сўзларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин.

Бир ўзакдан ташкил топган сўзлар ўзакдош сўзлар дейилади. Масалан, *юзсиз, юзаки, юзлашмоқ; тинч, нотинч, тиним, бетиним, тинмоқ, тинчлик; беақл, ақлсиз, ақлли, ақлий* (меҳнат).

Сўздаги ҳар бир қисм ўз маъносига эга. Масалан, теримчиларнинг сўзидаги *тер*-ўзак, *им*-сўз ясовчи, *-чи*-сўз ясаш, *-лар*-шакл ясаш, *нинг*-сўз ўзгартириш каби маъноларга эга. Шунга кўра *теримчиларнинг* сўзида бешта маъноли қисм бор. Кўринадикки, сўзнинг таркиби ўзак ва турли қўшимчалардан иборат. Чунончи, *билимдонликдан* сўзи ўзак, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчалардан иборат.

Сўзларга қўшимчалар қўшилишининг муайян қоидалари мавжуд. Чунончи, ўзбек тилида ўзакдан кейин сўз ясовчи, ундан кейин шакл ясовчи, сўнг сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қўшилиши меъёр ҳисобланади. Масалан, *суҳбатдошларимиз* сўзи таркибига кўра *суҳбат*-ўзак, *-дош*-сўз ясовчи, *-лар*-шакл ясовчи, *имиз*-сўз ўзгартирувчи қисмлардан ташкил топган.

## Сўз таркиби

Тилдаги барча сўзлар ҳам сўз таркиби маъноли қисмларга ажралавермайди. Сўзларни маъноли қисмларга ажралиши ўзак ва кўшимчаларнинг шаклланганлиги билан белгиланади. Масалан, *қиш-ки, юзлаш-моқ, бе-ақл, уй-дан, кемт-ик* типдаги сўзларнинг маъноли қисмлари мавжуд бўлиб, уларга қўшилган кўшимчалар янги маъноли қисмларни вужудга келтирган, бироқ, *беғона, тирик, айнан, туршак, обдан, дастлаб* каби сўзларда аффикс шаклидаги *-бе, к, (-ки), -н, -к (-ак), -дан, -лаб* мавжуд бўлса-да, қолган қисмлар ўзак вазифасини бажармайди, яъни маъно ифодаламайди. Шунинг учун бу типдаги сўзлар маъноли қисмларга ажратилмайди. Шунингдек, *сўзсиз, шубҳасиз* типдаги модал сўзлар ҳам морфемаларга ажратилмайди.

**Кўшимча** (аффикс)-лотинча «боғланган», «бириктирилган» маъносини ифодалаб, кўшимча морфемаларнинг вужудга келиши учун асос бўлади. Кўшимча морфемалар сўзнинг маъносига турли кўшимча маъно қўшувчи қисмидир. Масалан, *китобларим* сўзидаги *китоб-ўзак, -лар, -им*, шу сўзга кўплик ва эгалик маъноларини қўшувчи морфемалардир. Кўшимчалар маъно ва вазифасига кўра уч хил: *сўз ясовчилар; шакл ясовчилар; сўз ўзгартирувчилар*.

**Сўз ясовчи кўшимчалар.** Сўзларга қўшилиб, унинг маъноси билан боғлиқ, янги маъноли сўз ясайдиган кўшимчалар сўз ясовчи кўшимчалар дейилади. Сўз ясовчи кўшимчалар луғавий маънони ўзгартиради. Масалан, *теримчи* сўзида иккита сўз ясовчи кўшимча мавжуд бўлиб, *тер-фёъл, терим-от, теримчи-от-икки* марта луғавий маъно ўзгарган, *тер-ҳаракат, терим-жараён, теримчи* шахс.

Сўз ясовчи кўшимчалар тилнинг луғавий бойлигини оширувчи асосий манбадир. Улар, диалект ва шевалардан олинган сўзлар билан биргаликда тилни бойитувчи ички манба ҳисобланади.

Сўз ясалиши барча сўз туркумлари учун хос эмас. Ўзбек тилида мустақил сўз туркумларида *от, сифат, фёъл равиш* туркумларида сўз

ясашиши мавжуд. Сон, олмош ва ёрдамчи сўзлар бошқа туркумлардан ясалмайди.

Сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида бир сўз туркумидан шу туркумга хос сўз ясади: *иш-чи, сув-чи, синф-дош, китоб-хон, ўт-лоқ, анор-зор*. Бундай ясашиш ички ясашиш дейилади.

Сўз ясовчи қўшимчалар орқали бир сўз туркумидан бошқа туркумга хос сўзлар ясади: *ўр-оқ, қиш-ки, тер-им, сунур-ги, сув-сиз, гул-ли*. Бундай ясашиш ташқи ясашиш дейилади. Сўз ясовчи қўшимчалар луғавий негиз ҳосил қилади.

Сўз ясовчи қўшимчалар сўз ясашда иштирокига кўра уч хил.

1. Унумли қўшимчалар
  2. Кам унум қўшимчалар
  3. Унумсиз қўшимчалар
1. Кўплаб янги сўзлар ясаш учун иштирок этадиган: *-чи, -ли, -ма, -лик, -ги, -ки* унумли қўшимчалардир.
  2. Кам унум қўшимчалар ёрдамида кам миқдордаги сўзлар ясади: *-к, -қ (-оқ), -каш, -гич, -им, -лоқ, -ин (-ун), -қин, (-гин), -гич (-қич)* кам унум қўшимчалардир.
  3. Унумсиз қўшимчалар ҳозирги кунда янги сўз ясашда иштирок этмайди. *-чил, -чан, -агон, -гир (-гир), -сира, -чоқ, -дақ, -луқ, -а, -кин* унумсиз қўшимчалардир.

Сўз ясовчи қўшимчалар асосан тилнинг ўзига хос бўлади. Шу билан биргаликда бошқа тиллардан ўзлашган қўшимчалар ҳам мавжуд. Жумладан, *-боз, -бон, -паз, -дўз, -кор, -дон, -сер, -шунос* каби қўшимчалар тожик тилидан ўзлашган.

Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшимчалар асосан ўзакдан кейин қўшилади.

Сифат туркумига хос бўлган: *-бе, -ба, -но, -сер* каби қўшимчалар ўзакдан олдин қўшилиб сўз ясайди. Бундай қўшимчалар олд қўшимча (перфекс) дейилади: *ноинсоф, беақл, сердаромад*.

**Шакл ясовчи кўшимчалар.** Сўзнинг луғавий маъносини ўзгартирмай, сўз маъносига турли кўшимча маъно қўшадиган кўшимчалар шакл ясовчи кўшимчалар дейилади. Шакл ясовчилар сўзнинг луғавий маъноли қисмига мансуб бўлмай, шаклий қисмига мансубдир. Масалан, **қушча** сўзидаги қуш луғавий маъно ифодаласа **-ча** кўшимчаси унинг шаклий маъносини, яъни «кичик қуш»лигини билдирадиган маънодир. Шакл ясовчи кўшимчалар морфологик негиз ҳосил қилади.

Шакл ясовчи кўшимчалар от, сифат, сон ва феъл туркумларида мавжуд:

- 1) Отлардаги кўплик кўшимчаси: **-лар**.
- 2) Отлардаги кичрайтириш – эркалаш кўшимчалари: **-ча, -чак, -лоқ, -гина, -кина, -қина**. (отагинам, онагинам).
- 3) Сифат даражаларини ҳосил қилувчи: **-роқ, -мтир, -имтир, -ғиш, -ғимтир, -ш, -иш, -гина** (яхшигина, каттагина).
- 4) Сон турларини ҳосил қилувчи: **-нчи (-инчи), -та, -лаб, -ларча, -тача, -ов, -овлон, -ала, -тадан**.
- 5) феълнинг хосланган шакллари (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) кўшимчалари, нисбат ва феълнинг модал шаклларини ҳосил қилувчи кўшимчалар шакл ясовчи кўшимчалардир.

**Сўз ўзгартирувчи кўшимчалар.** Сўзнинг нутқдаги бошқа бир сўзга муносабатини (бошқа сўз билан боғланишини) билдирадиган кўшимчалар сўз ўзгартирувчи кўшимчалар дейилади. Сўз ўзгартирувчи кўшимчалар ҳам грамматик маъно ифодалайди, синтактик негиз ҳосил қилади. Масалан, уйдан сўзида келишик уй-им сўзида эгалик, борди-м сўзида шахс-сон маъноси мавжуд.

Сўз ўзгартирувчи кўшимчаларга отлардаги эгалик ва келишик, феъллардаги шахс-сон кўшимчалари киради. Шунга кўра сўз ўзгартирувчилар икки хил: турловчилар ва тусловчилар.

Тусловчиларга от ва отлашган сўзларга қўшилиб келадиган эгалик ва келишик кўшимчалари киради. Шахс-сон кўшимчалари эса тусловчилардир.

Айрим манбаларда сўз ўзгартирувчи қўшимчалар алоҳида ажратилмасдан от ёки феълнинг маълум шаклини ясаганлиги учун шакл ясовчи қўшимчалар таркибига киритилади.

### ***Қўшимчалардаги шакл ва маъно муносабатлар***

Қўшимчаларда ҳам худди сўзлардагидек кўп маънолилиқ, шаклдошлиқ зид маънолилиқ ва маънодошлиқ хусусиятлари мавжуд. Бу ҳолат бир қўшимча билан ҳар хил маъноли сўзлар ясалишида: ***терим-чи (шахс оти), қизиқ-чи (белги оти), нина-чи (ҳашарот)***. Бир хил шаклдаги қўшимчанинг сўзларга қўшилиб, турли туркумдаги сўз ясаши натижасида: ***тин-ч (сифат), согин-ч (от), ўр-оқ (от), қўқр-оқ (сифат)***. Шунингдек, шаклан ҳар хил бўлган қўшимчаларнинг бир хил маъноли сўзлар ясаши асосида юзага келади: ***унум-ли, унум-дор, билим-ли, билим-дон*** каби.

***Қўшимчалар кўп маънолилиги.*** Бир туркумга мансуб бўлган ҳар хил маъноли сўзлар ясайдиган қўшимчалар кўп маъноли қўшимчалар дейилади.

Қуйидаги қўшимчалар кўп маънолидир:

От туркуми ясовчилари:

***-чи:*** а) ***чойхона-чи, сув-чи*** – касб ҳунар оти;

б) ***тил-чи, бўёқ-чи, трактор-чи*** – мутахассисликни билдиради;

в) ***кетмон-чи, ўроқ-чи*** – шу қурол билан ишловчи шахс отини билдиради;

***-ги (-ки, -қи):*** а) ***супур-ги, чоп-қи*** – нарса қурол оти;

б) ***сев-ги, турт-ки*** – мавҳум от.

***-дош;*** а) ***синф-дош, ватан-дош*** – жойга нисбатан бирлик;

б) ***замон-дош, тенг-дош*** – вақтга нисбатан бирлик.

***-чилик:*** а) ***деҳқон-чилик, сувоқ-чилик, боғдор-чилик*** - касб ҳунар оти;

б) ***тирик-чилик, хурсанд-чилик*** ҳолат оти.

***-лик:*** а) ***йигит-лик, бой-лик*** - ҳолат оти;

б) ***овчи-лик, темирчи-лик*** - касб ҳунар оти;

в) ***тоза-лик, яхши-лик*** - белги хусусият оти.

**-ма:** а) *туз-ма, сур-ма* - нарса оти;

б) *ботир-ма, пистир-ма* - ўрин-жой оти;

в) *қий-ма, қатла-ма, қовур-ма* - таом оти.

**-к, -қ (-ик, -ак, -иқ, -оқ):** а) *кура-к, таро-қ*-нарса оти;

б) *ўтло-қ, қишло-қ, тошло-қ* - ўрин жой оти.

### ***Сифат туркуми ясовчилар:***

**-ли:** а) *билим-ли, пул-ли, ақ-ли*-эгаллик, мавжудликни билдиради;

б) *куч-ли, сув-ли*-ортиқликни билдиради.

**-дор:** а) *мулк-дор, пул-дор*-ортиқликни билдиради;

б) *яра-дор, айб-дор*-нарсанинг мавжудлигини билдиради.

**-но:** а) *но-инсоф, но-ҳақ*-эга эмасликни билдиради;

б) *но-тўғри, но-маълум*-қарама-қаршиликни билдиради.

**-сиз:** а) *сув-сиз, иш-сиз*-эга эмасликни билдиради;

б) *куч-сиз, кўрим-сиз*-белгининг паст даражада эканлигини билдиради.

### ***Феъл туркуми ясовчиси:***

**-ла:** а) *туз-ла, гул-ла, -мой-ла*-бирор ишни бажаришни билдиради;

б) *метр-ла, кило-ла*-ўлчашни билиради;

в) *арра-ла, эгов-ла*-шу қурол воситасида ишлашни билдиради.

***Кўшимчалар шаклдошлиги.*** Шаклан бир хил бўлиб турли маъноларни ифодаловчи кўшимчалар шаклдош кўшимчалар ***дейилади.***

Кўшимчалар шаклдошлиги бир хил (сўз ясовчилар) ва турли хил (сўз ясовчи ва шакл ясовчи) лар ўртасида ҳам бўлади.

1. Сўз ясовчи кўшимчалар шаклдошлиги:

**-ма:** тума, бостирма-от; қайнатма (шўрва), ағдарма (этик)-сифат;

Бу кўшимча шакл ясовчи-ма (ўқима, борма) кўшимчаси билан ҳам шаклдош.

**-ги, -ки:** супур -ги, теп-ки-от; ёз-ги-равиш, ич-ки(сифат);

**-ч:** тин-ч (сифат), қувонч (от);

**-оқ, -к, -ак:** ўр-оқ, эла-к(от); кўрқ-оқ, хурк-ак (сифат);

**-лик:** бой -лик (мавхум от); Тошкент-лик (нисбий сифат).

2. Сўз ясовчи, шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи шаклдошлиги:

**-моқ:** ўй-моқ, сирт-моқ(от ясовчи); юр-моқ, ўқи-моқ(ҳаракат номи)  
ҳасил қилувчи.

**-сиз:** сув-сиз, иш-сиз(сифат ясовчи); бора-сиз, кела-сиз (шахс-сон) ҳосил қилувчи.

**-м,-нг,-миз,-нгиз:** ака-м, ака-нг, ака-миз, ака-нгиз(эгалик);

борди-м, борди-нг, бора-миз, ўқи-нгиз(шахс-сон).

**-ш-иш:** сузиш, териш (ҳаракат номи); кўк-иш, оқ-иш (сифатнинг озайтирма шакли); бор-иш-ди, чоп-иш-ди (биргалик нисбати).

**-им:** бил-им-от ясовчи; уй-им-сўз ўзгартирувчи.

**-ча:** ўзбек-ча-равиш ясовчи; уй-ча-кичрайтиш.

Шунингдек, феъллардаги **-лан, -лаш (ган-лаш, шод-лан)** ҳам феъл ясайди, ҳам ўзлик ва биргалик нисбати ҳосил қилади.

**-н, -ин, -л, -ил** қўшимчалари ўзлик (ювинди, чўмилди) ва мажхуллик (музыка чалинди, дастурхон безатилди) нисбатларини ҳосил қилади. Феъл ясовчи **-а (-й), -р (-ар), -ла** қўшимчалари феъл шаклларини ҳосил қилишда иштирок этади. Феъл ясовчи **-и (бойи)** қўшимчаси III шахс эгалик қўшимчаси **-и (уйи)** билан шаклдошдир.

Бу ҳолатлар қўшимчалар орасида шаклдошлик кучли эканлигини кўрсатади.

**Қўшимчалар зид маънолиги.** Қўшимчалар ёрдамида қарама-қарши маъноларнинг ифодаланиши қўшимчалар зид маънолигидир.

Қуйидагилар зид маъноли қўшимчалардир:

**-ли, -сиз:** ақл-ли-ақл-сиз.

**-ба, -сиз:** ба-давлат, давлат-сиз.

**-ли, -бе:** обрў-ли, бе-обрў.

**-но, -ли:** но-инсоф, инсоф-ли.



Зид маъноли қўшимчалар асосан сифат туркумига хос бўлиб, улар ёрдамида ўзакдош сўзлар ясалади.

**Қўшимчалар маънодошлиги.** Шаклан ҳар хил бўлиб бир хил маъноли сўз ҳосил қилувчи қўшимчалар маънодош қўшимчалар дейилади. Қўшимчалар маънодошлиги асосан вазифаси бир хил бўлган қўшимчалар доирасида бўлади. Бу ҳолат ҳам кўпроқ сўз ясовчиларда кузатилади:

**-чи, - шунос: тилчи-тилунос.**

**-ли, -сер, -дор: унумли, серунум, унумдор.**

**-ба, -ли, -манд: бадавлат, давлатли, давлатманд.**

**-бе, -сиз: беор, орсиз.**

**-лай, -лайн: бутунлай, бутунлайн**

**-лай, -лигича: хомлай, хомлигича.**

**-она, -ларча: дўстона, дўстларча.**

Шунингдек, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ҳам бир-бири ўрнида ишлатиш мумкин: отни минди - **отга минди; чўлни кезди – чўлда кезди; узумдан емоқ-узумни емоқ; болалардан бири-болаларнинг бири** каби.

Қўшимчалар тузилишига кўра икки хил.

а) содда қўшимчалар;

б) мураккаб қўшимчалар.

Таркиби бир қўшимчадан иборат бўлган қўшимчалар содда қўшимчалардир: **-чи, -ли, -дош, -сиз, -каш, -бон, -шунос** кабилар.

Таркиби икки ёки ундан ортиқ қўшимчалардан иборат бўлиб, бир қўшимча вазифасини бажарадиган: **чи-лик, гар-чи-лик, -ли-ги-ча, лай-ин, -ла-н, -ла-ш, -лар-ча** кабилар мураккаб қўшимчалардир.

Ўзбек тилида аслида сўз бўлиб, қўшимча вазифасини бажарадиган **-хона, -нома** каби қўшимчалар ҳам мавжуд. Булар сўз-қўшимчалар деб юритилади.

### **Сўзларнинг тузилишига кўра турлари**

Сўзлар тузилишига кўра тўртга бўлинади:

1) содда сўзлар; 2) кўшма сўзлар; 3) мураккаб сўзлар; 4) жуфт ва такрорий сўзлар.

Содда сўзлар битта ўзакдан ташкил топади: *мактаб, уй, яхшилик, биродарлик, тинчлик, жадаллашмоқ* каби.

Содда сўзлар туб ва ясама бўлади. Таркибида сўз ясовчи кўшимча бўлмаган сўзлар туб сўзлар дейилади; *мактабимиз, уйдагилар, болаларга, яхшигина* каби.

Таркибида сўз ясовчи кўшимча мавжуд бўлган содда сўзлар ясама сўзлар дейилади: *ишчи, ишхона, синфдош, билимли, безубор, нотўғри, ҳосилдор* кабилар.

Сўзларнинг қолган қисми икки ёки ундан ортиқ ўзаклардан таркиб топган бўлиб, ёзувда кўшиб ёзилади: *белбоғ, раҳмдил, учбурчак, Сирдарё* (кўшма сўзлар), ёзувда ажратиб ёзилади: *Марказий Осиё, Вазирлар Маҳкамаси, ишлаб чиқариш, ўн беш, имзо қўйди* (мураккаб сўзлар), чизиқча билан ажратиб ёзилади: *ака-ука, яхши-ёмон, меҳр-муҳаббат* (жуфт сўзлар), *катта-катта, тез-тез, кам-кам, узун-узун* (такрорий сўзлар).

Кўшма сўзлар луғавий маънога эга бўлган икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлиб, бир урғу билан айтилади: Кўшма сўз таркибидаги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан бириккан бўлади. Масалан, *мирзатерак, кўзойнак, қўлқоп, музёрап, эртапишар*.

Кўшма сўзларнинг бир қисми сўз бирикмаларидан ўсиб чиқади. Масалан, *кўзойнак-кўзнинг ойнаги, белбоғ-белнинг боғи*.

Шунинг учун айрим кўшма сўзлар сўз бирикмаларига шаклан мос келади. Бундай ҳолатда сўзларнинг ёзилиши, бир ёки икки урғу билан айтилиши, сўз қисмларининг бир маънога ёки ҳар бир қисмнинг алоҳида маънога эга эканлиги кўшма сўз ва сўз бирикмасини фарқлашга имкон беради. Бу ҳолат кўпинча жой номлари бўлган кўшма сўзларда учрайди: *Тупроқкўргон- тупроқ кўргон, Янгиариқ - янги ариқ, Учкўргон - уч кўргон, Жаркўргон- жар кўргон* каби.

Кўшма сўзларнинг таркиби турлича:

отҚот: *қўзойнак, қўлқоп, белбоғ, раҳмдил;*

отҚфеъл: *музёрап, кунгабоқар,*

сифатҚот: *шифобахи, калтафаҳм.*

олмошҚфеъл: *ўзибилармон*

сонҚот: *учбурчак, тўртбурчак.*

Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлиб, бир тушунча ифодаловчи, алоҳида урғу билан айтиладиган, гапда бир гап бўлаги вазифасида келадиган сўзлар мураккаб сўзлар дейилади. Мураккаб сўзлар манбаларда қўшма сўзлар (таркибли қўшма сўзлар) деб ҳам берилган. Маълумки, қўшма сўзлар мустақил маъно ифодалайдиган икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топиши лозим. Тилда эса кейинги қисми мустақил маъно билдирмайдиган: *ўқиб берди, ёзиб олди, қирқ беш* каби сўзлар ҳам мавжудки, булар қўшма сўзлар ҳисобланмайди.

Мураккаб сўзларнинг иккинчи қисми янги луғавий маъно билдирмаса бундай сўзлар туб мураккаб сўз ҳисобланади: *ёзиб олди, ўқиб берди* каби.

Таркибидаги кейинги сўз луғавий маъно ҳосил қиладиган мураккаб сўзлар ясама сўзлардир: *жигар ранг ишлаб чиқариш, бир оз, шу ёққа, бир лаҳза, ҳар ким* каби.

**Жуфт ва такрорий сўзлар.** Икки сўзнинг ўзаро тенг боғланишидан ҳамда бир сўзнинг такрорланишидан ҳосил бўлган сўзлар жуфт ва такрорий сўзлар дейилади: *ота-она, ака-ука, катта-кичик, у-бу, узун-узун, сават-сават.*

Жуфт сўзлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Қисмлари ўзаро маънодош (синоним) бўлган сўзларнинг бирикувидан: *бахт-саодат, орзу-ҳавас, завқ-шавқ, куч-қудрат, якка-ягона.*
2. Маъноси жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган сўзлардан: *ота-она, ака-ука, она-сингил, қозон-товоқ, эгри-бугри.*
3. Маъноси бир-бирига зид бўлган сўзлардан: *катта-кичик, яхши-ёмон, оқ-қора, паст-баланд, узун-қисқа.*

4. Сўзларни такрорлаш орқали: **катта-катта, тез-тез, узун-узун, чой-пой, дон-дун.**

Жуфт ва такрорий сўзлар орасига чизикча қўйиб ёзилади. Жуфт сўзлар орасига -у, -ю юкламалари келса, улар биринчи сўздан чизикча билан ажратиб ёзилади: **yaхshi-yu yomon, oq-u qora.**

Жуфт сўзлар таркиби жиҳатидан қуйидагича:

1. Жуфт сўзларнинг ҳар иккала қисми мустақил маъноли сўзлардан ташкил топади: **ака-ука, қозон-товоқ, ур-йиқит.**
2. Жуфт сўзларнинг биринчи қисми мустақил маъно билдиради, иккинчи қисми маъно билдирмайди: **темир-терсак, йиги-сиги, ҳаёт-мамот, латта-путта.**
3. Жуфт сўзларнинг ҳар иккала қисми ҳам алоҳида ҳолда маъно ифодаламайди: **гала-говур, икир-чикир, ували-жували, алгоа-далгов, лаш-луш.**

Айрим жуфт сўзларда маъно умумлашган бўлади: **ота-она, кеча-кундуз, паст-баланд, қозон-товоқ, қўл-оёқ.**

Айрим жуфт сўзлар таркибидаги биринчи сўз бутунликни, иккинчи сўз эса унинг қисмини ифодалайди: **тоғ-тош, гап-сўз.**

Жуфт сўзларнинг баъзиларида таркибидаги сўзларни ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин: **аста-секин** (секин-аста), **паст-баланд** (баланд-паст).

Такрорий сўзлар ҳам тузилиши жиҳатидан жуфт сўзларга мансуб бўлиб, улар сўзларнинг айнан такрорланишидан: **узун-узун, катта-катта, сават-сават, айта-айта,** шунингдек, иккинчи сўзнинг айрим товуш ўзгариши асосида такрорланишдан ҳосил бўлади: **мева-чева, дон-дун, нон-пон, чой-пой.** Бу типдаги такрорий сўзларда маъно кенгайиб кўплик ифодаланади. Масалан, нон-пон, «нон ва яна бошқа нарсалар» маъносида қўлланилади.

## Сўз ясалиши

Янги сўз ҳосил қилиш сўз ясалиши дейилади. Янги сўзлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойишини таъминловчи асосий манбадир. Сўз ясалиши мустақил сўз туркумлари: *от, сифат, феъл, равиш* туркумлари учун ҳосдир. Сон, олмош ва ёрдамчи сўз туркумларидан сўз ясалмайди.

Сўз ясалишининг асосан қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Морфологик усул
2. Синтактик усул

Сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши орқали сўз ясалиши морфологик усул билан ясалиш дейилади: *ишчи, гулли, сувчи, чиройли*, билимдон каби. Ўзбек тилида сўз ясовчилар асосан ўзакдан кейин қўшилади.

Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикишидан ташкил топган сўзлар синтактик усул билан ясалишдир. Синтактик усул билан қўшма, мураккаб ва жуфт сўзлар ясалади: *гултоғжухўроз, музқаймоқ, жигар ранг, шу ер, яхши-ёмон*.

Тоғнинг этаги.

### **Сўз туркумлари**

Сўзларнинг маъно ва грамматик белгиларига кўра маълум гуруҳларга бўлиниши сўз туркумлари дейилади.

Сўзларни туркумларга ажратишда маъно хусусияти, морфологик ва синтактик белгиларига асосланилади. Сўзнинг маъно ифодалаш хусусияти сўз туркумларини ажратишдаги асосий белги ҳисобланади. Луғавий маъно ифодаловчи ҳар бир сўз туркуми ўз маъносига кўра сўроққа эга бўлади. Масалан, предмет, нарса, ҳодисанинг номини билдирадиган сўз ўз маъносига мос ҳолда ким, нима сўроқларини олади.

Сўз туркумларига хос морфологик белги-шу туркумга хос қўшимчаларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Чунончи, *от* туркуми кўплик эгалик ва келишик қўшимчаларининг мавжудлиги билан характерланади.

Синтактик белги эса сўзларнинг гапда бирор гап бўлаги бўла олиши ёки гап бўлаги вазифасини бажармаслиги билан белгиланади.

Ўзбек тилида сўз туркумлари 12 та. Шу уч белгига кўра улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Мустақил сўз туркумлари: *от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш*.
2. Ёрдамчи сўз туркумлари: *кўмакчи, боғловчи, юклама*.
3. Алоҳида сўз туркумлари: *модал сўз, ундов, тақлид сўз*.

Сўз туркумларининг барчаси грамматик шаклга эга. Бироқ луғавий, грамматик маъноси ва вазифасига кўра сўз туркумлари турличадир.

Сўз тукумлари маъно англатиш хусусиятларига кўра:

1. Номловчи сўзлар: *от, сифат, сон, феъл, равиш*.
2. Ифодаловчи сўзлар: *модал сўз, юклама, ундов ва тақлид сўзлар*.
3. Кўрсатувчи сўзлар: *олмош, боғловчи, кўмакчи*.

Морфологик жиҳатдан ўзгаришига кўра:

1. Морфологик жиҳатдан ўзгарадиган сўзлар: *от, сифат, сон, олмош, феъл*.
2. Морфологик жиҳатдан ўзгармайдиган сўзлар: *равиш, боғловчи, кўмакчи, юклама, модал сўз, ундов, тақлид сўз*.

Гапда синтактик вазифа бажаришига кўра:

1. Синтактик вазифа бажарадиган сўзлар: *от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, тақлид сўз*.
2. Синтактик вазифа бажармайдиган сўзлар: *кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўз*.

Модал, ундов ва тақлид сўзлар сўз-гап бўлиб келади. Масалан, Эртага дарсга келасанми? Албатта. Китобни олиб келдингми? . ...Э («унутибман, олиб келмабман») каби.

Сўзларни туркумларга ажратиш тилдаги барча сўзлар учун бир хилда юз бермайди. Кўпгина сўзлар маъно ва бошқа хусусиятлари билан муайян сўз туркумига хос бўлса-да, айрим сўзларнинг бошқа сўз туркуми ўрнида қўлланилиши маъносини йўқотиб ёрдамчи сўзга айланиши ёки бошқа

туркумга кўчиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан, китоб столнинг устида гапида *устуда*-мустақил сўз туркуми, У ўз *устуда* ишлади гапида эса ёрдамчи сўз туркуми. Шунингдек, Китобни берди (берди-мустақил маъноли) Ўқиб берди (берди-маъносини йўқотган), Яхши ейди ошини (Мақол) гапида эса *яхши* сифати от ўрнида қўлланган.

Ўзбек тилида сўз туркумларининг бир-бири ўрнида қўлланилиш фаол ходиса ҳисобланади.

Сўз қайси туркумдаги сўз ўрнида қўлланилса унинг сўроғини олади, ўша сўз бажарган вазифани бажаради.

1. Сифатлар от ўрнида қўлланади. Бу ходиса сифатларнинг отлашуви дейилади. Мард майдонда билинар (Мақол). Яхшини яхши дейдилар (Мақол).
2. Отлар сифат ўрнида қўлланади: *олтин узук, бахмал қирлар, алвон далалар, темир сандиқ, пўлат пичоқ каби*.
3. Сон от ўрнида қўлланади: Навкарлардан бири олдинда, *иккинчиси* ёнма-ён от чоптириб борарди (О.Ё).
4. Сифатдошлар отлашади: *Ўқиган* ўқдан ўзар (Мақол).
5. Равиш от ўрнида қўлланади. *Кўнимиз* бу ишни бажарамиз. *Кўндан* куён қутилмас (Мақол).

Бир сўз туркумидаги сўз бошқа сўз туркуми ўрнида қўлланилганда, у батамом шу туркумга ўтиб кетмайди. Бошқа матнда у ўзи мансуб туркумга хослигича қолаверади.

Сўзларнинг бошқа туркумга кўчишида эса бошқа ҳолатни, яъни муайян шаклда у туркумга ҳам бу туркумга ҳам хосликни кузатиш мумкин. Масалан, *кўк* (осмон-от), *кўк* (ранг-сифат), қир (қир-адир-от), *қир* (қирмоқ-феъл), *териш* (жараён-от), *териш* (ҳаракат номи-феъл), *олд, орқа, ўрта* (ўрин оти ва от кўмакчи).

*От*

Предмет нарса воқеа ва ҳодиса, шахс ва жой номларини билдирадиган сўзлар от дейилади. Отлар бирлик ва кўпликни ифодалайди, эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланади. **Ким, нима, қаер** сўроқларига жавоб бўлади: Рустам, китоб, Тошкент каби.

Отлардаги сон, эгалик ва келишик шакллари шу туркумнинг муҳим морфологик белгисидир.

Отлар барча гап бўлаги вазифаларида келади. Бироқ отнинг гап бўлаги сифатидаги асосий вазифаси эга, тўлдирувчи ва қаратқичли аниқловчи бўлиб келишдир.

Эга: Болалар дарсга келишди.

Тўлдирувчи: Улар топширикни бажарди.

қаратқичли аниқловчи: Бугун мактабнинг боғида ишладик.

Сифатловчи аниқловчи: Пўлат пичоқ қинсиз қолмас (Мақол).

Кесим: Сув-зар, сувчи-заргар

Ҳол: Укам мактабда ўқийди.

### ***Отларнинг маъно турлари***

Отлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра икки хил: атоқли отлар, турдош отлар.

Бир хилдаги предметлардан бирига атаб қўйилган отлар атоқли отлар дейилади. Атоқли отларга киши исмлари, ташкилотлар, муассасалар номлари, тарихий ҳодисалар, газета, журнал, бадий асарлар, номлари, астронимик номлар (Марс, Юпитер), орден ва медаллар номи, байрамлар номи (Наврўз байрами), уй ҳайвонларига (Олапар) атаб қўйилган номлар киради.

Атоқли отларнинг бир қисми турдош отлардан ўтган бўлса: Жума, Райҳон, Зафар, Нилуфар, Лола, Тўлқин, маълум қисми бошқа туркумдаги сўзлардан Ўктам, Ботир (сифатдан), Ўлмас, Турсун, Тўхтасин (феълдан) ўтган.

Бир турдаги предметларнинг умумий номини билдирган отлар турдош отлар дейилади: мактаб, одам, дарахт. Отларнинг асосий қисмини турдош



отлар ташкил этади. Турдош отлар кўплик шаклида қўлланишига кўра атоқли отлардан фарқланади: *болалар, уйлар, дарахтлар*.

Турдош отлардан атоқли отлар ҳосил бўлганидек, атоқли отлардан турдош отлар ҳосил бўлади: *ренген, ампер, муслимка* (буғдой), *хосиятхон* (атлас).

Ифодаланаётган тушунчанинг хусусиятига кўра турдош отлар: аниқ ва мавҳум отларга бўлинади.

Бевосита предмет англатадиган отлар аниқ отлар дейилади. Бундай гул, китоб, мактаб, қалам.

Мавҳум тушунча, белги-хусусиятни билдирадиган отлар мавҳум отлар дейилади: *бахт, саодат, шодлик, севги, севинч, согинч, буюклик*.

Мавҳум отлар туб ва ясама бўлади: *завқ, шавқ, ақл, онг, шовқин, тўфон, кулмфат, бахт, туйғу* каби отлар туб мавҳум отдир.

Ясама мавҳум отлар асосан –ч (*-инч*); *қувонч, севинч, согинч; -ги (-ки, -қи): севги, туртки; -лик (-лиқ): шодлик, болалик, борлиқ; -гин (-қин): қиргин, тошқин* каби кўшимчалар билан ясалади:

Мавҳум от ясовчи энг унумли кўшимча –лик кўшимчаси сифатдан: *яшилик, мардлик, бойлик*, равишдан: *тезлик, кўплик, секинлик*, сондан: *бирлик, минглик*, отдан: *оталик, акалик, беклик*, олмошдан: *ўзлик, манманлик*, хуллас, феълдан бошқа барча мустақил сўзлардан мавҳум от ясайди.

Турдош отлар битта предметнинг ёки предметнинг тўдасини ифодалашига кўра *якка* ва *жамловчи* отларга бўлинади.

Бир турдаги предметнинг биттасини билдирадиган отлар уй, якка отлар дейилади: *Ўқувчи, ишчи, гул, уй, одам* ва бошқалар.

Ўзи бирлик шаклида бўлиб, мазмунан кўпликни билдирадиган отлар жамловчи от дейилади: *халқ, эл, омма, тўда, улус, пода армия, гуруҳ*.

### **Отларда сон**

Отларнинг бирлик ва кўплик шаклларида ишлатилиши сон категорияси дейилади.

Отларнинг кўплиги **–лар** кўшимчаси билан ифодаланади: **болалар, уйлар**. Отнинг бирлигини кўрсатувчи махсус кўшимча йўқ: **бола, уй**.

Кўпликнинг **–лар** кўшимчаси билан ифодаланиши морфологик кўпликдир.

**Халқ, омма, армия** типигадаги сўзлар шаклан бирликда, маъно жиҳатидан эса кўпликдир. Кўпликнинг бундай ифодаланиши семантик кўпликдир. Шунингдек, **жуда кўп одам, юз китоб, бир неча кун** кабиларда ҳам кўплик ифодаланади. Бу синтактик кўпликдир. **Тўда-тўда, минг-минг, сават-сават** каби сўзларни такрорлаш орқали лексик-синтактик кўплик ҳосил бўлади.

Кўплик кўшимчаси **–лар** ҳамма вақт ҳам кўпликни ифодалай олмайди. –лар кўпликдан ташқари қуйидаги маъноларни ҳам билдиради.

1. Доналаб саналмайдиган предмет номига кўшилганда уларнинг навини, хилини билдиради: **ёғлар, унлар, асаллар, тузлар**.
2. Мавхум отларга кўшилганда маънони кучайтиради: **орзулар, бахтлар, хаёллар, уйлар** каби.
3. Атоқли отларга кўшилганда умумлашганлик маъносини англатади: **Фарходлар, Барчинойлар**.
4. Қариндошлик ифодаловчи отларга кўшилганда ҳурматни билдиради: **дадамлар, онамлар**.
5. Ўзи иккита бўлган предмет номларига кўшилганда уларни кўплигини эмас, балки иккиталигини билдиради: **кўзлар, қўллар, торлар, оёқлар, лаблар**.
6. Ўзи бир дона бўлган предмет номларига кўшилганда маънони кучайтиради, таъкидлайди: **тилларим, бошларим**.
7. Предметларнинг аниқ бўлмаган кўп миқдорини билдиради: **йўллар, тунлар**.

### **Отларда эгалик**

Предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига тегишли эканлигини билдирадиган шакллар эгалик категорияси дейилади.

Эгалик нутқдаги уч шахсни, бирлик ва кўплик сонларни ифодалайди.

**Шахс бирлик**

**кўплик**

**I -ми, -им**

**-миз, -имиз**

**II -нг, -инг**

**-нгиз, ингиз**

**III -си, -и**

**-си, -и**

I шахс сўзловчи, II шахс-тингловчи, III шахс- ўзга (нутқ жараёнида катнашмайдиган шахс). III шахснинг бирлиги ва кўплиги бир хил: унинг укаси, уларнинг укаси.

Эгалик қўшимчасининг I, II шахсида предметнинг қайси шахсга тегишли эканлиги аниқ билинади: **китобим, китобинг**.

III шахсида эса тегишлилик мавҳум, предметнинг кимга қарашлилиги ноаниқ: **китоби**. Шунингдек, III шахсда предметнинг кишидан бошқа нарсаларга тегишлилиги ҳам ифодаланади: **деразанинг кўзи, машинанинг эшиги** каби.

Сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда сўз ўзагида қуйидаги товуш ўзгаришлари содир бўлади: товуш тушади: **бурун-бурним, огиз-огзим, сингил-сингим**;

Товуш алмашади: **қишлоқ-қишлогим, юрак-юрагим, тилак-тилагим**.

Эгалик қўшимчасини олган сўз бош келишиқдаги сўз билан («Дўстлик» боғи), қаратқич келишигидаги сўз билан (менинг уйим), чиқиш келишигидаги сўз билан (улардан бири) бирика олади.

Эгалик қўшимчаси кўплиқдаги отга -лар қўшимчасидан кейин қўшилади: **китобларим** каби.

Хурмат маъносини ифодалаганда эса кўплик қўшимчасидан олдин қўшилади: **акамлар, бобомлар** каби.

Ўзбек тилида эгалик маъноси - **ники** қўшимчаси ёрдамида ҳам ифодаланади: **китобим-китоб меники**. Эгаликни билдирган бундай сўзлар гапда кесим бўлиб келади.

Эгалик қўшимчаси равиш туркумидаги сўзларга қўшилганда ўз маъносини йўқотиб сўз таркибига сингиб кетади: *тепаси, у ёғи, эртаси, кечаси, кундузи.*

### ***Келишик категорияси***

От ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан боғлайдиган шакллар келишик категорияси дейилади. Келишиклар гапда сўзларни ўзаро боғлаганлиги учун муносабат шакли (синтактик шакли) дейилади. Отларнинг келишик қўшимчаларини олиб ўзгариши турланишдир.

Ўзбек тилида келишиклар 6 та.

1. Бош келишик-
2. Қаратқич келишиги - *нинг*
3. Тушум келишиги - *ни*
4. Жўналиш келишиги - *га (-ка, -қа)*
5. Ўрин-пайт келишиги - *да*
6. Чиқиш келишиги - *дан.*

Бош келишикнинг қўшимчаси бўлмаганлиги учун у тўғри келишик қолганлари эса воситали келишикдир. Ҳар бир келишик ўзига хос маъно ва синтактик вазифага эга бўлганидек, бошқа сўзлар билан бирикиши жиҳатидан ҳам фарқланади.

Келишик шаклидаги сўзларнинг бошқа сўзлар билан алоқаси қуйидагича:

1. Қаратқич ва бош келишигидаги сўз от билан отни *боғлайди: мактабнинг боғи, Рустамнинг укаси, китобнинг варағи, олтин куз, чўян печ, барқут фасл.*
2. Бош, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар от билан феълни боғлайди: *иш бошланди, хатни ёзди, дарсга борди, уйда ётибди, магазиндан олдим.*

3. Келишик шаклидаги сўзлар от ва феълдан бошқа туркумдаги сўзларга ҳам боғланади: сифатга (шакардан ширин), сонга (болалардан бири), равишга (шамолдан тез) каби.

**Бош келишикдаги** от шахс, нарса-ҳодисанинг номини билдириб, гапда асосан эга бўлиб келади: **Мирза Улугбек** қўлларини шогирдининг елкасига кўйди (О.Ё.). Кесим вазифасида келади: Бағринг толе нурига тўлсин, Она юртим, мунис **маконим** (Э.В.). Ундалма: **-Болам!**-деди шайх яна боягидай мулойим товушда (О.Ё.). Сифатловчи аниқловчи: Йўловчилар катта **тош йўлга** етдилар (Ш.Р). Бундан ташқари бош келишикдаги сўз кўмакчилар билан боғланиб тўлдирувчи: Икромжон болалик излари тушган йўллардан, тор кўчалардан ёғоч **оёқ билан** аллавақтгача кезиб уйига қайтди (С.А.). Ҳол: Низомжон унинг кўзларига **газаб** билан тикилди-да, кўчага отилди (С.А.). вазифаларида келади.

**Қаратқич келишиги** предметнинг шу келишикдаги отдан англашилган предметга қарашлилигини ёки хослигини ифодалайди. **-нинг** қўшимчаси билан шаклланади. Қаратқич келишигидаги от эгалик қўшимчасини олган сўз билан боғланади. Бунда қаратқич келишиги қўшимчали сўз қаратқич, эгалик қўшимчасини олган сўз эса қаралмиш дейилади: **мактабнинг боғи, уйнинг тўри.**

Қаратқич келишигининг қўшимчаси шеърый асарларда **-н** шаклида ҳам келади:

**-им** шаклида қўлланилгани ҳам учрайди: Ўзбекистон ватаним маним (А.О.).

Қаратқич келишиги шакл жиҳатидан икки хил: **белгили** ва **белгисиз**.

**-нинг** қўшимчаси қўлланилса белгили қаратқич бўлиб, аниқ қарашлилиқ маъносини ифодалайди: **укамнинг китоби.**

Келишик қўшимчаси қўлланилмаса, белгисиз қаратқич келишиги дейилади: **она меҳри, мактаб боғи, ватан ишқи** каби. Белгисиз қаратқич келишидаги сўз ўзи боғланган сўз билан грамматик жиҳатдан шундай

бирикадики, уларнинг орасига бошқа сўз киритиб бўлмайди. Масалан, **мактаб боғи**.

Қаратқич келишиги қуйидаги ҳолларда белгили қўлланади.

1. Шу келишикдаги сўз шахс отлари бўлганда: **ўқитувчининг гапи, опамнинг китоби**.
2. Бутуннинг қисми ифодаланса: **тоғнинг тоши, узукнинг кўзи**.
3. Қаратқич билан қаралмиш орасида келиб чиқиш жиҳатдан алоқа бўлса: **онанинг боласи, Фотиманинг акаси**.
4. Қаратқич ва қаралмиш орасида бошқа сўзлар келганда: **укамнинг яқин ўртоғи, тоғнинг баланд жойи**.
5. Қаратқич келишигидаги сўз кўпликда қўлланса: **уйларнинг катталиги, боғларнинг файзи** каби.

Қаратқич келишиги қуйидаги ҳолларда белгисиз қўлланилади:

1. Қаратқич мавҳум отлар билан ифодаланса: **илм аҳли, севинч ёши, дил амри**.
2. Қаралмиш **пайт, ой, кун, фасл** маъносини билдирса: **тонг чоғи, ёз пайти, май ойи, баҳор фасли**.

Қаратқич келишидаги сўз гапда қаратқичли аниқловчи вазифасида келади.

**Тушум келишиги** шу келишикдан англашилган иш-ҳаракатни ўзига олганликни билдиради. -ни қўшимчаси билан шаклланади. Болалар китобни ўқидилар. Шеърятда бу келишик қўшимчаси -н шаклида қўлланилади: Кўчатлар **қоматин** эслатгандек, **Нафасин** уфурар тонг отар ели (/./).

Мумтоз шеърятда бу келишик қўшимчасининг -н шакли, учраса, оддий сўзлашувда -ти шаклида талаффуз этилади.

Тушум келишиги ҳам икки шаклда: белгили ва белгисиз қўлланилади.

-ни қўшимчаси ишлатилса белгили: **болалар хатни ёзишди**, -ни ишлатилмаса белгисиз: болалар хат ёзишди. Тушум келишигининг белгисиз шакли фақат турдош отларга хос.

Тушум келишигидаги сўз гапда тўлдирувчи (воситасиз) вазифасида келади.

**Жўналиш келишиги** иш ҳаракат йўналтирилган шахс ёки предметни англатиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, пайти, сабаби, мақсадини билдиради.

-га (-ка, -қа) қўшимчалари орқали шаклланади: **уйга, юракка, булоққа** каби. Шеърятда бу келишик қўшимчаси -а шаклида қўлланилади: **ўзима, сўзима**. Ушбу шакл Хоразм шеvasида ҳам мавжуд.

Жўналиш келишигидаги сўз куйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатни бажариш учун иштирок этган шахс ёки предметни билдириб, **кимга, нимага** сўроқларига жавоб бўлади. Гапда тўлдирувчи (воситали) вазифасини бажаради. Бу уйни қишлоқ кутубхонасига айлантирмоқчимиз (О.Ё).
2. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатиб, **қаерга** сўроғига жавоб бўлади, гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради: **уйга, мактабга, кўчага, қишлоққа** каби.
3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон** сўроғига жавоб бўлади, гапда пайт ҳоли вазифасида келади: **кузга, кечга, келаси йилга**.
4. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини англатиб, нима мақсадда сўроғига жавоб бўлади, гапда мақсад ҳоли вазифасини бажаради: Китобни укамга олдим. Шаҳарга ўқишга келганман.

Бу маънодаги жўналиш келишиги шакли ўрнида **учун** кўмакчисини қўллаш мумкин.

5. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдириб, нима сабабдан сўроғига жавоб бўлади, гапда сабаб ҳоли вазифасини бажаради: Сиз билан бормаганимга ачинаман.

Бу маънода ҳам келишик қўшимчаси **учун** кўмакчисига маънодошдир.

Жўналиш келишиги қўшимчаси ўрнида баъзан тушум келишиги қўшимчасини қўллаш мумкин: **отга минди-отни минди**.

**Ўрин-пайт** келишиги шахс ёки предмет турган ўринни иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **кимда, нимада, қаерга, қачон** сўроқларига

жавоб бўлади. **-да** қўшимчаси билан шаклланади: **акамда, машинада, уйда, пишинда** каби.

Ўрин-пайт келишигидаги сўз қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун объект бўлган предметни билдириб, **нимада** сўроғига жавоб бўлади, гапда тўлдирувчи вазифасини бажаради. Масалан, Болалар ўқишда ўрнатилган бўлдилар.
2. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерда** сўроғига жавоб бўлади, гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради. Болалар ўқув залида дарс тайёрлашмоқда эдилар.
3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон** сўроғига жавоб бўлади, гапда пайт ҳоли вазифасини бажаради: **ёшликда, пишинда, кузда** каби.

**Чиқиш келишиги** иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, вақтини, сабабини, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги воситани билдиради. **-дан** қўшимчаси билан шаклланади. Бу қўшимча мумтоз адабиёт ва шевада **-дин, -тин, -тан, -нан** шаклларида ҳам қўлланилади.

Чиқиш келишигидаги сўз қуйидаги синтактик вазифаларни бажаради.

1. Ҳаракат қаратилган шахс ёки предметни билдириб, **кимдан, нимадан** сўроқларига жавоб бўлади, гапда тўлдирувчи (воситали) вазифасини бажаради: **акамдан, ердан, сувдан меҳридан, шодлигидан**.
2. Иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини билдириб, **қаердан** сўроғига жавоб бўлади ва гапда ўрни ҳоли бўлиб келади: **уйдан, ишдан, кўчадан**.
3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачондан** сўроғига жавоб бўлади, гапда пайт ҳоли вазифасини бажаради: **ёшликдан, кечадан, бугундан** каби.
4. Иш-ҳаракатнинг бажарилишига сабаб бўлган воситани англатиб, **нима сабабдан** сўроғига жавоб бўлади, гапда сабаб ҳоли вазифасида келади: **қувончдан, келмаганликдан, хурсандлигидан** каби.

Чиқиш келишигидаги сўз предмет маъносини билдирса тўлдирувчи, ўрин, пайт, сабаб маъноларини англатса ҳол вазифасини бажаради.



Келишик кўшимчалари баъзан бир-бирининг ўрнида қўлланилади.

Масалан, -ни, -га: *сизни тушунмадим, сизга тушунмадим*

-ни, -да: *боғи айланмоқ, боғда айланмоқ.*

-ни, -дан: *узумни емоқ, узумдан емоқ.*

Шунингдек, келишик кўшимчалари ўрнида кўмакчилар ҳам қўлланилади. Масалан, *сизга-сиз учун, шу йўлданқ-шу йўл билан, телефонда-телефон орқали, ручкада ёзмоқ-ручка билан ёзмоқ, шунга-шунинг учун* каби.

Отнинг барча келишик шакллари синтактик муносабатни кўрсатади, яъни гапда бирор гап бўлаги бўла олади.

### **Отнинг модал шакллари**

Отлар, сон эгалик, келишик шаклларида ташқари, отнинг луғавий маъносига кўшимча маъно берувчи шаклларга ҳам эга. Бундай шакллар отларга кичрайтириш, эркалаш, ҳурмат, қарашлилик, чегара каби маъноларни ифодалайди.

-ча кўшимчаси кичрайтириш маъносини ифодалайди: *қушча, болача.*

*-чак, -чоқ, -лоқ* кўшимчалари ҳам кичрайтириш, ҳам эркалаш маъноларини ифодалайди: *қизалоқ, тойчоқ, келинчак*, -гина, (-кина, -кина) кўшимчалари эркалаш, ҳурматлаш маъноларини англатади: *онагинам, онагинам, бек, бой.*

*-жон, хон, ой, нисо* каби сўз кўшимчалар шахсларнинг номига ва қариндошлик билдирувчи сўзларга кўшилиб ҳурматлаш, эркалаш маъноларини ифодалайди: *Нафисахон, онажон, Турсуной, Хайринисо, Зафарбек, Умарбой* каби.

*-ники* кўшимчаси қарашлиликни билдириб, асосан от-кесим таркибида келади: *меники, сеники* каби.

-гача кўшимчаси жўналиш келишиги (-га) ҳамда чегара маъносидаги (-ча) кўшимчаларининг бирикувидан ташкил топган бўлиб, чегара маъносини

англатади: *уйгача, тоггача, йўлгача*. Бу кўшимча қадар, довур, кўмакчиси билан маънодишир: *уйгача, уйга қадар, уйга довур*.

### ***Отларнинг ясалиши***

Отлар асосан икки усул билан ясалади: ***морфологик усул, синтактик усул***.

Морфологик усул от яшашдаги сермахсул усул бўлиб, бу усул билан куйидаги маънодаги отлар ясалади.

1. Шахс отлари: ***-чи, -дош, -каш, -бон, -дор, -боз, -паз, -хон, -шунос, -дўз, -соз, -гар, (-кар), -парвар, -хўр, -фуруш***, шахс оти ясовчи кўшимчалардир. ***-чи*** кўшимчаси от ясовчи энг фаол кўшимча бўлиб, барча мустақил туркумдаги сўзлардан от ясайди. Қолган кўшимчалар отдан от ясовчи кўшимчалардир.
2. Нарса-қурол отлари: ***-гич, -гич (-кич, -қич), -ги (-ки, -қи, -ги), -к (-ик, -ак), -қ (-иқ, -оқ, -уқ), -ми, -им, -ум, -ма, -инди, -ин, -ун, йигин, тугун, -мак, -моқ (илмак, ўйоқ), -дак, -доқ (югурдак, қовурдоқ), -гин, -қин, (ёнгин, тошқин), -дон нарса-қурол*** оти ясовчи кўшимчалардир. кўшимчаси отдан (***шамдон, кулдон***) қолган кўшимчалар эса ***ф-дон*** еълдн от ясайди.
3. Ўрин-жой отлари: ***-зор, -истон, -лоқ, -хона, -гоҳ, -ма*** ўрин жой оти ясовчи кўшимчалардир. Бу кўшимчалар ҳам отдан от ясайди.
4. Мавҳум отлар: ***-лик, -ч, -инч, -чилик, -гарчилик, -ш, -иш***, (териш, бурилиш), ***-лаштириш*** (ободонлаштириш), мавҳум от ясовчи кўшимчалардир.
5. Ҳаракат-ҳолат отлари: ***-м, -им, -ум*** (кўклам, терим), ***чилик, -гарчилик***, (пишиқчилик), кўшимчалари ҳаракат-ҳолат оти ясовчи кўшимчалардир. ***-м, -им, -ум*** кўшимчалари феълдан, қолган кўшимчалар отдан от ясайди.

Шунингдек, ***-ак, -оқ: бизбизак, қалдиروق;***

**-илдоқ: шақилдоқ, -а: шаршара кўшимчалари** ёрдамида тақлид сўзлардан от ясалади.

Синтактик усул билан кўшма: **музқаймоқ, белбоғ, қўлқоп; мураккаб от: Марказий Осиё, ишлаб чиқариш, Ўрта Чирчиқ;** жуфт от: **ота-она, уй-рўзгор** ясалади.

Қисқартма отлар. Нутқда, ихчамликка эришиш мақсадида баъзи отлар қисқартирилиб қўлланилади. Масалан, БМТ, ЎзФА, ЎзМУ каби.

Қисқартма отлар сўзларнинг биринчи ҳарфларидан: БМТ, ДАН, биринчи сўзнинг бош қисми қолган сўзларнинг биринчи ҳарфидан: ЎзМУ; сўзларнинг бош қисми ва бутун сўздан: давбанк, пединститут ташкил топади.

### **Сифат**

Предметнинг белгисини билдириб қандай, қанақа сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар **сифат** дейилади. Предмет белгиси сифатида сифатлар:

1. Рангни билдиради: **оқ, қизил, қора, зангори.**
2. Хусусият, характерни билдиради: **яхши, чиройли, билимли, камтар, оддий, айёр, зикна, хасис, шўх.**
3. Ҳажм-ўлчовни билдиради: **катта, кичик, кенг, узун.**
4. Шакл-кўринишни билдиради: **думалоқ, япалоқ, ясси.**
5. Ҳолатни билдиради: **кекса, ёш, тоза, озода, иссиқ** (овқат), **совуқ, уйғоқ, тошлоқ** (жой).
6. Маъза-тамини билдиради: **ширин, аччиқ, нордон, бемаза.**
7. Ўрин ва вақтга муносабатни билдиради: **уйдаги, баҳорги, қишки.**
8. Ҳид билдиради: **сассиқ, қўланса, хушбўй.**

Баъзи сифатлар ҳаракатнинг белгисини ҳам ифодалайди: **яхши гапирди, катта бўлди, қизиқ ёзибди** каби. Бундай сифатлар гапда ҳол вазифасини бажаради.

Сифатлар асосан предметнинг белгисини билдиргани учун гапда отга боғланиб келади: **яхши бола, шинам жой, катта кўча, кенг уй, зангори кўл, ширин олма** каби.

Сифатнинг асосий морфологик хусусияти предмет белгисини даражалаб, белгини кучайтириб ёки озайтириб кўрсатишидир: **қизилроқ, жуда қизил, қип-қизил, қизғиш**. Шунингдек, отга боғланганда сифатнинг ўзгармасилиги (сўз ўзгартирувчи қўшимча олмаслиги) ҳам морфологик белгиларидан биридир.

Сифат отга боғланганда сўз ўзгартирувчи қўшимчалар отга қўшилади: **катта уйга, яхши одамнинг, шинам ҳовлида** каби.

Сифат гапда асосан аниқовчи вазифасида келади: **одобли бола элга манзур** (Мақол). Шунингдек, ҳол: **Эшик ланг очик эди**; кесим: **Осмон ойнадай тиниқ** вазифаларида келади.

Сифатлар отлашганда эга: **Яхши** ейди ошини, **Мард** майдонда билинар (Мақол), тўлдирувчи: **Каттага** ҳурматда бўл (Мақол), қаратқичли аниқловчи: **Ёмоннинг** яхшиси бўлгунча, **яхшининг ёмони** бўл (Мақол) вазифаларини бажаради.

Сифатларнинг отлашиши сифат туркумидаги сўз отнинг сўроғини олиб, от бажаридиган вазифани бажаришидир.

Отлашган сифатлар отга хос кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларини олиб қўлланилади. Масалан, Яхши топиб гапирар гапидаги **яхши** сифати **ким** сўроғига жавоб бўлиб, гапда эга вазифасини бажарган. Отлашган сифатлар асосан халқ мақолларида учрайди.

Сифатлар маъносига кўра иккига бўлинади: аслий сифатлар, **нисбий сифатлар**.

Бевосита белги билдирадиган сифатлар аслсий сифат дейилади: **катта, ёруғ, кенг, узун, ширин**.

Аслий сифатлар:

а) белгини даражалаб кўрсатади: **яхши, яшироқ, жуда яхши, қизил, қизилроқ**.

б) белгини кучайтириб ёки камайтириб ифодалайди: **қизғиш-қизил-қип-қизил**;

в) модал маъно ифодалайди: **яхшигина, каттагина** каби.

Предмет белгисини бошқа предмет белгисига ўхшатиш, ўрин ёки пайтга нисбатлаш асосида ифодалайдиган сифатлар нисбий сифатлар дейилади. Нисбий сифатлар махсус сифат ясовчи қўшимчалар орқали ҳосил бўлади: **-ли, -ий (-вий), -симон, -лик, -ги (-ки, қи). -даги** қўшимчалари билан ясалган сифатлар нисбий сифатлардир. Нисбий сифатлар белгини даражалаб кўрсатмайди: **оилавий, кузги, -ли** қўшимчали нисбий сифат маъно жиҳатдан аслий сифатга яқин бўлганлиги учун белгини даражалаб кўрсата олади, модал маъно ифодалайди: **чиройлироқ, жуда чиройли, чиройлигина.**

Нисбий сифатлар қуйидаги маъноларни билдиради:

а) предметга нисбат бериш: **мевали дарахт, бахтли болалар, илмий иш, тарбиявий соат;**

б) вақтга нисбат бериш: **кузги буғдой, ёзги таътил, тунги ёғду;**

в) ўринга нисбат бериш: **жанубий кенглик, кўчадаги гап, шерободлик қиз;**

г) бирор предмет ёки нарсага мўлжалланганлик: **кўрналик (пахта), ёзлик (кийим), кузги (экин);**

д) предметга ўхшашлик: **бутасимон, одамсимон.**

### ***Сифат даражалари***

Предмет белгисини қиёслаб, бир-биридан фарқлаш ходисаси сифат даражалари дейилади.

Сифатларда учта даража мавжуд.

**1. Оддий даража. 2. Қиёсий даража. 3. Орттирма даража.**

**Оддий даража** предмет белгисини тўғридан-тўғри ифодалайди: **яхши, кучли, мазали, сариқ, катта** каби.

Предмет белгисини қиёслаш орқали қиёсий ва орттирма даража ҳосил бўлади.

**Қиёсий даража.** -роқ қўшимчаси билан ҳосил бўлиб, белгини бошқа шундай белгидан ортиқ ёки кам эканлигини билдиради: **кучлироқ, яхшироқ, баландроқ.** -роқ қўшимчаси билан ҳосил бўлган сифатлардаги белги ортиқ

белги бўлса ҳам оддий сифат ифодаладиган белгидан кам эканлиги билиниб туради. Масалан, *Бу йигит сендан билимлироқ* гапида қиёланаётган белгининг ортиқлиги ифодаланган. Бироқ бу белги *билимли* сўзидаги белгига нисбатан камдир. Қиёсий даража морфологик учул билан ҳосил бўлади.

Предмет белгисини бошқа предметдаги шундай белгидан ортиқ эканлигини билдирадиган даража орттирма даража дейилади. Орттирма даража сифатлари қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Сифатлардан олдин *энг, жуда, зоят, ниҳоят, бениҳоят, ниҳоятда* сўзларини келтириш билан: *жуда яхши, зоят мазали, ниҳоятда жозибали* каби.
2. Сифатлардан олдин *ҳамма, барча, бари* олмошларини чиқиш келишиги шаклида келтириш билан: *ҳаммадан яхши, баридан кучли, шириндан ширин*.

Сифатларда даража морфологик (каттароқ) лексик ғирт ёлғон, бирам ёқимли-орттирма даража, *лексик-морфологик* (сал қорароқ-озайтирма) усуллар билан ҳосил бўлади.

Бундан ташқари белгининг ортиқ ва камлигини, ноаниқлигини ифодаловчи сифатлар ҳам мавжуд.

Белгининг ортиқлигини ифодаловчи сифатлар кучайтирма сифатлар бўлиб, сифатнинг бош қисмини шу сифатнинг олдидан такрорлаш орқали ҳосил бўлади. Бундай ҳолатда биринчи қисмдаги сўзда айрим товушлар ўзгариши ёки бир неча товушлар қўшилиши ҳодисаси юз беради.

*Дум-думалоқ, ям-яшил, сап-сарик, қип-қизил, оппоқ, кўм-кўк, сонпа-соғ* каби.

Кучайтирма сифатлар сифатдан олдин *лиқ, гирт, тим, жиққа* сўзларини келтириш билан ҳам ҳосил бўлади: *лиқ тўла, гирт ёлғон, тим қора, жиққа хўл*.

Белгининг камлиги сифатларга *-ш, -иш, -мтир, -имтир, -гиш, -гимтир* қўшимчалари қўшилиши билан ҳосил бўлади: *кўкиш, кўкимтир, саргиш*.

Бири алоҳида ишлатиладиган, иккинчиси ишлатилмайдиган ёки ҳар иккаласи ҳам алоҳида ишлатилмайдиган сифатларнинг жуфт ҳолда қўлланилиши натижасида белгининг ноаниқлиги ифодаланади: *чала-чулпа, ола-кула, енгил, елни, алгов-далгов, ували-жували, апил-тапил, гира-шира, пойинтар-сойинтар.*

Отлардаги эркалаш, ҳурматлаш маъноларни ифодаловчи -гина қўшимчаси сифатларга қўшилганда муносабат (ижобий) маъносини ифодалайди: *яхшигина, чиройлигина, баландгина.*

### ***Сифатларнинг ясалиши***

Сифатлар морфологик ва синтактик усуллар билан ясалади. Морфологик усул сифат яшашдаги маҳсулдор усулдир. Сифат ясовчи қўшимчалар бошқа туркумлардан фарқли равишда ўзакдан олдин ва ўзакдан кейин қўшилиб сўз ясайди.

Ўзакдан олдин қўшилиб сифат ясовчи қўшимчалар:

*-сер: серҳосил, серунум.*

*-бе: безубор, беор.*

*-ба: бадавлат, бақувват*

*-но: ноинсоф, ноҳақ*

*-бад: баджаҳл, бадбахт.*

-сер, -бе, -ба, -бад отга қўшилиб, -но отга (ноинсоф), сифатга (носоз, нотўғри), кўмакчига (ноҳақ) қўшилиб сифат ясайди.

Ўзакдан кейин қўшилиб сифат ясайдиган қўшимчалар:

*-ли:* энг фаол сифат ясовчи бўлиб, от ва феълдан (сифатдош, ҳаракат номи) сифат ясайди: *чиройли, кучли, қизиқарли, ўқимишли.*

*-сиз: сувсиз, ишсиз.*

*-чан: ишчан, курашчан.*

*-симон: одамсимон, бутасимон.*

*-хўр: гамхўр, ювиндихўр, текинхўр.*

*-дош: сирдош, фикрдош.*

**-чил:** *эпчил, дардчил.*

**-манд:** *давлатманд.*

**-дон:** *билимдон, гандон.*

**-дор:** *бўйдор, пулдор.*

**-ий (-вий):** *илмий, оилавий.*

**-парвар:** *ватанпарвар, инсонпарвар.*

**-аки:** *қалбаки, юзаки*

**-кор:** *исёнкор, мафтункор.*

Бу қўшимчалар отдан сифат ясайди.

**-ги, -ки, -қи:** *ёзги, қишки.*

(равишдан);

**-чил:** *дардчил* (отдан), *камчил* (равишдан) сифат ясовчи қўшимчалардир.

**-гир (-гир, -кир, -қир):** *сезгир, олгир, кескир, топқир.*

**-чоқ, -чиқ, -чак:** *мақтанчоқ, қизганчиқ, куюнчак.*

**-к, -қ, -иқ, -оқ, -ак, -ук, -уқ:** *кемтик, қайноқ, илиқ, бақироқ, сузук, юмуқ.*

**-гин, -гун, -кин, -қин:** *ҳоргин, сузгун, кескин.*

**-ма:** *қайнатма, ясама, кўчма.*

**-гоқ, -қоқ:** *тойгоқ, уюшқоқ.*

**-агон:** *билагон, топагон.*

**-мон:** *билармон, топарман.*

**-ч:** *тинч.*

Бу қўшимчалар феълдан сифат ясовчи қўшимчалардир. Шунингдек, -ос, -илдоқ, -аки қўшимчалари тақлид сўзлардан сифат ясайди: *гулдурос, ялтироқ, шартаки.*

Синтактик усул билан қўшма: *меҳмондўст, шифобахи, очкўз, калтафаҳм; мураккаб: жигар ранг, тўқ қизил, лиқ тўла, тим қора; жуфт: яхши-ёмон, катта-кичик* сифатлар ясалади.



## **Сон**

Предметнинг сон-саноғи ва тартибини билдирадиган сўзлар сон дейилади. Сонлар **неча, қанча, нечанчи** каби сўроқларга жавоб бўлади. Сонлар асосан отга боғланиб, унинг саноғини (уч дугона, ўн киши), тартибини (бешинчи уй) билдиради.

Сонлар ҳарф билан (беш, ўн), араб рақами билан (5,10), рим рақами билан (V, X) ифодаланади. Сонлар бирлик, ўнлик, юзлик минглик тизимига эга.

Бирлик: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX

Ўнлик: X, XX, XXX, XL, L, LX, LXX, LXXX, XC

Юзлик: C, CC, CCC, CD, D, DC, DCC, DCCC, CM

Минглик: M, MM, MMM

Ўндан юзгача бўлган сонларни ишлатишда катта сонлар олдин, кичик сонлар кейин қўлланилади: **ўн беш, эллик олти** каби.

Юздан юқори сонларда аввал кичик сон, кейин катта сон қўлланилади: **бир юз эллик** каби.

Нутқимизда фаол ишлатиладиган 23 та туб (0 сони билан биргаликда) сон бор.

Сонлар бутун (ўн, юз) ва каср (бешдан бир, ярим чорак) сонларга бўлинади.

Бутун сон билан каср сон бирга келса касрли (аралаш) сон дейилади: **бир ярим, уч бутун икки** каби.

Сон бошқа сўз туркумларидан ясалмайди. Соннинг ўзига хос асосий морфологик хусусияти соннинг маъно турларини ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг мавжудлигидир.

Бундан ташқари сон билан от ўртасида ҳисоб сўз (нумеративлар) ишлатилиши соннинг асосий хусусиятларидан биридир: **бир тонна пахта, уч гектар ер** каби.

Ҳисоб сўзлар асосан от туркумига оид сўзлардан бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Предметнинг миқдорини билдиради: *дона, нафар, бош, нусха, туп, боз*. Узунликни, масофани билидиради: *қадам, қарич, метр, километр, газ, қулоч*.
2. Оғирликнинг ўлчовини билдиради: *грамм, килограмм, тонна, пуд, центнер: бир тонна пахта*.
3. Суюқликнинг ўлчовини билдиради: *литр, сатил, қозон, коса, қошиқ, флаг, пиёла, чойнак: бир чойнак чой*.
4. Предметнинг ҳажмини билдиради: *бир қоп* (ун), *бир лаган* (ош).
5. Пул қийматини билдиради: *тийин, сўм*.
6. Вақтни билдиради: *минут, соат, кун, ой, йил*.
7. Предметнинг майдонини билдиради: *сотих, гектар, таноб*.

Сонлар маъно ва грамматик жиҳатдан миқдор сонлар ва тартиб сонларга бўлинади.

Миқдор сонлар предметнинг миқдорини, саноғини билдиради: *беш, ўн, юз*.

Тартиб сонлар предметнинг жойлашиш тартибини билдиради. Саноқ сонларга *-нчи, -инчи* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: *бешинчи уй, тўққизинчи синф*.

Миқдор сонлар қуйидаги турларга бўлинади: *саноқ сон, дона сон, чама сон, жамловчи сон, тақсим сон*.

**Саноқ сон.** Саноқ сонлар предметнинг сон-саноғини билдиради. Шакл жиҳатидан миқдори сонлар билан бир хил бўлади: *беш киши, уч дугона*.

**Дона сон** предметнинг доналаб саналадиган миқдорини билдиради. Саноқ сонларга *-та* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: *учта, бешта, ўнта*.

Дона сонлар ҳисоб сўзлар: *нафар, дона, бет, бош, нусха* сўзлари орқали ҳам ҳосил бўлади: *беш нафар киши, юз бет китоб* каби.

Предметнинг тахминий миқдорини билдирадиган сонлар *чама сон* дейилади. Чама сон саноқ сонга *-лаб, -ларча, -тача* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: *юзлаб, ойларча, бештача*.

**-лаб, -ларча** қўшимчалари **ўн, юз минг**, сонларига, **-тача** қўшимчаси барча сонларга қўшилади.

Икки сонни жуфтлаш орқали ҳам чама сон ҳосил бўлади: **беш-ўнта, юз-юз элликта** каби.

Предметнинг жамлигини билдирадиган сонлар **жамловчи сон** дейилади. Жамловчи сонлар санок сонга **-ов, -овлон, -ала** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: **бешов, олтовлар, иккаласи** каби.

**-ов, -овлон** иккидан еттигача ва ўн сонига **-ала** қўшимчаси иккидан бешгача бўлган сонларга қўшилади. **Икки, олти, етти** сонларига **-ов** қўшимчаси қўшилганда и товуши тушади: **икков, олтов, еттов, икковлон**. **-ала** қўшимчаси икки сонига қўшилганда и тушади: **иккала**.

**Тақсим сонлар** предметнинг миқдор жиҳатидан бўлинганлигини билдиради. Санок сонга **-тадан** қўшимчасини қўшиш билан ҳамда дона соннинг такрорланишидан ҳосил бўлади: **бештадан, ўнтадан: бешта-бешта**.

Сонлар гапда қуйидаги синтактик вазифаларда келади:

Отлашганда эгалик ва келишик қўшимчаларини олади гапда эга: **Иккови** бирдан кулиб юборди.

Тўлдирувчи: Билаги зўр **бирни**, билими зўр **мингни** йиқар (Мақол).

Қаратқичли аниқловчи. **Икковининг** ҳам уйлари шу томонда. Сонлар отлашмаганда от олдидан келиб сифатловчи аниқловчи: магазиндан **юзта** китоб олинди.

Феъл олдидан келиб ҳол: Кутубхонага бешовлон боришди, шунингдек кесим: Икки ўн беш-**бир ўттиз** вазифаларини бажаради.

Барча сонлар орасида бир сони ўзига хос.

1. Бир сони миқдор билдирувчи сўзлар ва сўроқ олмошларига қўшилиб миқдорнинг кўплигини: **бир талай, бир неча, бир қанча** баъзан камликни: **бир оз, бир мунча** билдиради.
2. Айирув боғловчиси вазифасида келади: **Бир** ёзади, **бир** гапиради.

3. Гумон, ноаниқлик маъносини билдиради: Уйимизга **бир киши** келди. Унга **бир нима** бўлди каби.
4. Маънони кучайтиради: **бир чопади, бир согиндим.**
5. Фақат маъноси ўрнида келади: Ишончим **бир** сендан.
6. Пайт билдирувчи (йил, кун, вақт) каби сўзлар билан қўшилиб пайт холи бўлиб келади.

Сонлар тузилишига кўра содда: ўн, юз; мураккаб (қўшма): ўн беш, бир юз эллик, учдан бир; жуфт: ўн-ўн беш, ўттиз-қирқ бўлади.

### **Олмош**

Олмошлар предмет ва унинг белгисига ном бўлмай, белгининг мавжудлигини кўрсатадиган сўзлардир. Олмошлар от, сифат, сон ўрнида қўлланилиб уларнинг бажарадиган вазифасини бажаради. Махсус сўроққа эга эмас. Улар қайси сўз ўрнида қўлланилса шу туркумга хос сўроқни олади. Масалан, У келди (ким келди), шундай бино (қандай бино), тўрт китоб (нечта китоб) каби.

Олмошлар маъно жиҳатидан мавҳум ва умумийдир.

Олмошлар маъно ва грамматик жиҳатдан қуйидаги турларга ажратилади: **Кишилиқ олмошлари, кўрсатиш олмошлари, ўзлик олмоши, сўроқ олмошлари, белгилаш олмошлари, бўлишсизлик олмошлари, гумон олмошлари.**

Кишилиқ олмошлари: **мен, сен, у, биз, сиз, улар.** Бу олмошларнинг I, II шахси (мен, сен, биз, сиз) шахсга нисбатан, III шахси (у, улар) шахс ёки предметга нисбатан ишлатилади. I шахс кишилиқ олмошлари (мен, биз) сўзловчи, II шахс олмошлари (сен, сиз) тингловчи, III шахс олмошлари (у, улар) ўзга-нутқ жараёнида қатнашмайдиган шахсни билдиради.

Мен, сен олмошларининг кўплик шакли йўқ. Бу олмошларга -нинг, -ни қўшимчалари қўшилганда битта -н товуши тушади. **менинг, сени.**

У олмошига -га, -да, -дан қўшимчалари қўшилганда битта н қўшилади: **унга, ундан.** Кишилиқ олмошларига эгалиқ қўшимчалари қўшилмайди. **Сен** олмошига **-лар** қўшимчаси қўшилганда (сенлар) менсимаслик, камситиш

маънолари ифодаланади. Биз ва сиз олмошларига -лар қўшилганда маъно кучаяди, таъкидланади.

Сиз олмоши нутқда якка шахсга нисбатан ҳам ишлатилади. Мен олмоши ўрнида биз қўлланилади ва «камтарлик», «мағрурланиш» маънолари ифодланади. Масалан, **Бу ишни биз бажарамиз.**

Мен олмоши ўрнида мумтоз адабиётда **камина, фақир, банда** олмошлари қўлланилар. Бундай олмошлар **от-олмошлар** дейилади.

**Кўрсатиш олмошлари** предмет, нарса-ҳодисани кўрсатиш учун ишлатилади: **у, бу, шу, ўша, ҳамда** шу сўзларнинг **ана, мана** сўзлари билан бирикишдан ҳосил бўлган **мана бу, ана шу, анов, ана ўша**, шунингдек **ундай, бундай, шундай, ўшандай** кабилар кўрсатиш олмошларидир.

**У** кўрсатиш олмоши кишилик олмошининг III шахс бирлиги **у** билан шаклдош. Улар маъноси ва сўроғи билан фарқланади. **У** кишилик олмоши бўлса **ким, нима** сўроғига жавоб бўлса кишилик: Ҳозир **у** куй мақомига тебраниб ўтираркан, ич-ичидан эзилиб ўғилини ўйларди (С.А). **Қайси** сўроғига жавоб бўлса кўрсатиш: Саидакбар эшон **у** вақтларда ёш бола эди (О.) олмошидир. **У** олмоши сўзловчидан узоқда бўлган предметни кўрсатиш учун ишлатилади. **Бу, шу** олмошлари сўзловчига яқин, унинг кўз олдида бўлган нарса, предметни кўрсатиш учун ишлатилади: **бу китоб, шу ер** каби. Бу олмошларга **-га, -да, -дан, -дай, -ча** қўшимчалари қўшилганда битта -н орттирилади: **унда, шундан, бундай, шунча** каби.

**Ўша** олмоши сўзловчидан узоқда бўлган нарса, предметни кўрсатиш ёки илгари бўлиб ўтган воқеани эслатиш учун ишлатилади: Мана, **ўша** маъшум воқеа юз берганига тўрт-беш ойдан ошибди. (О.Ё.)

Кўрсатиш олмошлари умумлашган белги билдиради, кўплик: **булар, шулар**; эгалик: **уним, буни**; келишик: **шунга, унда** қўшимчаларини олади, гапда асосан аниқловчи ва кесим вазифасини бажаради.

Кўрсатиш олмошлари пайт ва ўрин билдирувчи сўзларга қўшилганда равиш туркумига кўчади: **ўша кун, шу ерда, у ёққа, шу томонга** каби.

**Ўзлик олмоши.** Ўз сўзи ўзлик олмошидир. Бу олмош аниқ яқкаликни билдириб, ҳар учала шахсда қўлланилади: *ўзим, ўзинг, ўзи*. Ўзлик олмоши кишилиқ олмошлари ўрнида (ўзим-ман, ўзинг-сен) қўлланилади. Эғалиқ ва келишиқ қўшимчаларини олади. Бу олмошларга келишиқ қўшимчалари эғалиқ қўшимчасидан кейин қўшилади: *ўзимга, ўзимдан*.

Ўзлик олмоши гапда эга: Битта *ўзим* биламан; аниқловчи: *Ўз* ватанмизни севамиз; тўлдирувчи: *Ўзига* боқма, сўзига боқ вазифларида келади.

**Сўроқ олмошлари.** Предмет, белги, миқдор, ўрин ва пайт ҳақидаги сўроқни билдирадиган олмошлар сўроқ олошлари дейилади. Сўроқ олмошлари: *ким, нима* (предметга), *қандай, қанақа* (белгига), *неча, қанча* (миқдорга) *қачон, қаерда* (пайт ва ўринга) бўлган сўроқни билдиради.

**Нима** олмошини *нега, не* вариантлари бор. **Нега** олмоши келишиқ қўшимчасини олмайди. **Ким, нима, қаер** олмошлари от туркумидаги сўз ҳақидаги сўроқни билдиргани учун кўплиқ, эғалиқ ва келишиқ қўшимчаларини олади: *кимлар, киминг, кимга* каби.

**Қандай, қанақа, қайси, қачон, қаер** олмошлари қаратқич ва тушум келишиги қўшимчаларини олмайди.

Сўроқ олмошлари ёрдамида сўроқ гаплар тузилади.

**Ким, нима** олмошлари гапда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи; **қандай, қанақа** олмошлари аниқловчи, ҳол; қайси, қанча, неча-аниқловчи, **қачон, қаер**-ҳол вазифаларида келади.

**Белгилаш олмошлари.** Бу олмошлар предмет ёки шахсинг белгисини жамлаб ёки ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади. Шунга кўра улар икки хил:

1. **Ажратувчи белгилаш олмошлари**
2. **Жамловчи белгилаш олмошлари**

Ажратувчи белгилаш олмошлари **ҳар** сўзи ва шу сўзни сўроқ олмошларидан олдин келтириш билан ҳосил бўлади: **ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қачон, ҳар қанча** каби.

*Ҳар* сўзининг бир, нарса сўзлари билан бирикишидан ҳам белгилаш олмошлари ҳосил бўлади: *ҳар бир, ҳар нарса*. Бу олмошлар умумийликни яқка орқали кўрсатади.

Жамловчи белгилаш олмошлари: *ҳамма, барча, бари, бутун, жами*. Бу олмошлар белгини жамлаб, умулаштириб кўрсатади. Жамловчи белгилаш олмошалри эга, от олдидан сифатловчи аниқловчи вазифаларида келади.

Баъзи-сўзи ҳам жамловчи бегилаш олмоши бўлиб, у жамликнинг маълум қисмини ажратган ҳолда белгилайди: Суратлардан баъзиларини Саидийга кўргани берар, баъзиларини эса, айнима суратдай яширар, ҳатто стол устига ҳам қўймас эди. (А.Қ.)

*Баъзи* олмоши кўплик, эгалик ва келишик маъноларини ифодалайди: *баъзилар, баъзимиз, баъзиларга*. Келишик кўшимчаси бу олмошга эгаликдан кейин қўшилади.

*Бўлишсизлик олмошлари*. Мутлақо мавжуд бўлмаган предмет, белги, миқдорни билдиради. Шу боисдан бу олмошларда инкор маъноси ифода этилади.

Бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошларидан олдин *ҳеч* сўзини келтириш билан ҳосил бўлади: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси*. Шунингдек, *бир, нарса* сўзларидан олдин *ҳеч* сўзини келтириш билан: *ҳеч бир, ҳеч нарса* бўлишсизлик олмоши ҳосил бўлади.

Бўлишсизлик олмошлари *ҳеч ким* (мавжуд бўлмаган шахсни), *ҳеч нима, ҳеч нарса* (мавжуд бўлмаган предметни), *ҳеч қачон, ҳеч вақт* (пайтни), *ҳеч қандай, ҳеч қайси* (белгини), *ҳеч қанча* (миқдорни), *ҳеч қаёққа* (йўналишни) мавжуд эмаслигини билдиради. Бўлишсизлик олмошларидан *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса*, келишик ва эгалик кўшимчаларини олади: *ҳеч кимга, ҳеч нимадан, ҳеч кимим*.

Бу олмошлар маъноси ва морфологик хусусияти жиҳатидан сўроқ олмошларидек.

*Гумон олмоши*. Мавжуд, бироқ ноаниқ бўлган предмет, миқдор белгини тахминлаб кўрсатади. Бу олмошлар предмет, белги тушунчасини ноаниқ,

номаълум ҳолда белгилайди: Қоронғу чўл фонида у худди эртақларда тасвирланган *аллақандай* фаришталарга ўхшаб кўринарди. (С.А.)

Гумон олмошлари қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Сўроқ олмошларидан олдин-алла, сўроқ олмошларидан кейин-*дир* кўшимчасини қўшиш билан: *аллаким, кимдир*.
2. Сўроқ олмошлари ва нарса сўзидан олдин бир сўзини келтириш билан: *бир нима, бир қанча, бир нарса*.
3. *биров, бирор, баъзи биров* кабилар ҳам гумон олмошларидир.

Гумон олмошларидан *аллаким, алланима, биров* келишик, эгалик ва кўплик кўшимчаларини олган ҳолда қўлланилади: *аллакимдан, аллакимим, бировнинг* каби.

Олмошлар бошқа сўз туркумларидан ясалмайди. Улар тузилишига кўра содда: *мен, сен, қандай*; кўшма: *аллаким, аллақандай*; мураккаб: *ҳеч ким, бир нарса, ҳеч қандай; жуфт: у-бу, ўша-ўша* бўлади.

### **Феъл**

Иш-ҳаракат ва ҳолатни билдирадиган сўзлар феъл дейилади: *ўқиди, ёзди, келди, кетди* (ҳаракат феъллари) *ухлади, ўйлади, ёнбошлади, ўтирибди, тик турибди* (ҳолат феъллари).

Феъллар маъно жиҳатидан асосан қуйидагилар:

1. Нутқий фаолият феъллари: *айтмоқ, демоқ, сўзламоқ, гапирмоқ, бақирмоқ, шивирламоқ* ва б.
2. Ақлий фаолият феъллари: *баҳслашмоқ, ўйламоқ, фикрламоқ*.
3. Жисмоний фаолият феъллари: *бормоқ, келмоқ, ёзмоқ, қурмоқ, бузмоқ, ўчирмоқ, чизмоқ, ясамоқ, безамоқ, юрмоқ, сузмоқ* ва б.
4. Ҳолат феъллари: *қувонмоқ, шодланмоқ, бўзармоқ, уялмоқ, кулмоқ, хурсанд бўлмоқ, ухламоқ, ётмоқ* ва б.

Феъллар гап тузишда от каби синтактик асос бўлиб хизмат қилади ва гапда асосан кесим бўлиб келади.

Ҳол ва тўлдирувчи асосан феълга боғланади.



Феълнинг хосланган шакллари мавжудлиги феълнинг синтактик камровини кенгайтиради. Хосланган шакллар мавжудлиги учун феъл гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи вазифаларида келади.

Феъллар морфологик жиҳатдан *ўтимли-ўтимсиз, бўлишли-бўлишсиз, нисбат, замон, майл* категорияларига, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи каби хосланган шаклларга эга.

Феъллардаги *шахс-сон, замон, майл кабилар, шунингдек феълнинг тасдиқ ва инкор шакллари синтактик муносабатларни ҳосил қилади*. Масалан, *Мен ўқиганман, Кеча келган эдим, Шу йўлдан борса бўлади* каби. Феъллар луғавий маънога эга ёки эга эмаслигига кўра икки хил: *мустақил феъллар, ёрдамчи феъллар*. (номустақил феъл).

Мустақил феъллар луғавий маъно билдиради, грамматик категорияларга, хосланган шаклларга эга бўлади. *ўқимоқ, ёзмоқ, қилмоқ* каби.

Номустақил феъллар луғавий маъно билдирмай, турли грамматик маъноларни ифодалаш учун қўлланилади.

Номустақил феъллар хусусиятига кўра уч хил:

1. Сўз ясалишига асос бўлувчи ёрдамчи феъллар ёки боғламалар: бўлмоқ (озод бўлди) олди (сотиб олди), кўймоқ (имзо кўйди) каби.
2. Феълларга кўшилиб кўмакчи феъл вазифасида келувчи, кўмакчи феъллар: чиқмоқ (ўқиб чиқмоқ) олмоқ, (ёзиб олмоқ).
3. Феълларга кўшилиб маъно ифодаловчи тўлиқсиз феъллар: эди, экан, эмиш (борган эди) каби.

### ***Ўтимли ва ўтимсиз феъллар.***

Феълдан англашилган ҳаракатнинг предметга муносабати ўтимли, ўтимсизликни ҳосил қилади. Ҳаракатнинг предметга ўтан ёки ўтмаганлиги феълнинг тушум келишигидаги сўз билан боғланишига қараб белгиланади.

Ўтимли феъл тушум келишигидаги сўз билан боғланиб ҳаракатни шу сўз англатилган предметга ўтганлигини билдиради: *китобни ўқи, хатни ёз, ишни бажар* каби.

Баъзан феъл англатган ҳаракат предметга қисман ўтади. Бундай ўтимли феъл чиқиш келишигидаги сўз билан боғланади: *овқатдан емоқ*.

Ўтимсиз феъллар тушум келишигидаги сўз билан боғланмайди: *ухла (сен), келди (хат), югур (уйга)* каби.

Феъллардаги ўтимли-ўтимсизлик икки хил:

1. Феъл ифодалайдиган маънога кўра, ҳеч қандай қўшимчасиз мавжуд бўлади: *ол, оч, кўр, қўй, еч, ич, ёз, чиз, тер, ҳайда* (ўтимли), *бор, юр, ишла, кел, ишон* (ўтимсиз).

Ўтимли-ўтимсизликнинг бу шакли луғавий-семантик усулдаги шаклдир.

2. Феъллар бирор қўшимча олган ҳода ўтимли-ўтимсиз бўлади.

3. Феълларнинг ўтимли-ўтимсизлигини ҳосил қилишда феъл нисбатлари қўшимчалари кучли таъсир қилади.

а) ўзлик ва мажхул нисбат қўшимчалари ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: *кўр-кўрин, тара-таран, юв-ювин, еч-ечин, кий-кийин*.

б) орттирма нисбат қўшимчалари ўтимли феълдан ўтимли феъл ҳосил қилади. *Ёз-ёздир, ўқи-ўқит, тер-тердир*. Мураккаб феълларда ўтимли-ўтимсизлик етакчи феълга нисбатан белгиланади: *ёзиб бер, ўқиб тур, айтиб бер*-ўтимли, *келиб кет, ётиб тур*-ўтимсиз.

**Бўлишли ва бўлишсиз феъллар.** Феъллардаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини ифодаланиши бўлишли ва бўлишсизликни ҳосил қилади.

Бажариладиган иш-ҳаракатни билдирадиган феъллар бўлишли феъллар дейилади. Бўлишлилик ҳеч қандай қўшимчасиз, феълнинг луғавий маъноси орқали ифодаланади: *ёзди, келди, ўқиди*.

Бажарилмайдиган иш-ҳаркатни билдирадиган феъллар бўлишсиз феъллар дейилади. Бўлишсизлик феъллари **-ма** кўшимчасини кўшиш билан ҳосил бўлади: **ўқимади, бормади, ёзмади** каби.

**-ма** кўшимчаси одатда мураккаб феълларга кейинги сўзга-кўмакчи феълга кўшилади: ёзиб **олма, ўқиб чиқма**. **-ма** кўшимчаси мураккаб феълнинг биринчи қисмига-етақчи феълга ҳам кўшилади: **ўқимай қўйди, келмай қолди**.

**-ма** кўшимчаси мураккаб феълнинг ҳар иккала қисмига ҳам кўшилади. Бу ҳолатда бўлишлилик ҳосил бўлиб, иш-ҳаракатнинг аниқ бажарилиши ифодаланади: **бормай қўймайди, гапирмай турмайди** каби.

Риторик сўроқ гапларда ҳам шу шакл орқали бўлишлилик маъноси ифодаланади: масалан, **Онани ким севмайди?**

Бўлишсизлилик феълнинг сифатдош шаклига **эмас, йўқ** сўзларини кўшиш билан ҳам ҳосил бўлади: **борган эмас, ўқигани йўқ** каби.

**-на** боғловчиси уюшиқ бўлақлар орасида келиб бўлишсизликни ҳосил қилади: **на ўқийди, на ёзади**.

### **Феъл нисбатлари.**

Феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолат билан унинг бажарувчиси ва предмети орасидаги муносабатлар **феъл нисбатлари** дейилади.

Ҳаракат, ҳолат билан уни бажарувчи (субъект) ва предмет (объект) орасидаги муносабатлар ҳар хил. Масалан, феълдан англашилган ҳаракат предметга ўтади: **Болалар китобни ўқиди**, предметга ўтмай субъектнинг (эга) ўзига қолади: Болалар ювинди; ҳаракат бажарувчиси ноаниқ бўлади: **Китоб ўқилди**, ҳаракат бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилади: **Болалар баҳслашди**, ҳаракат бошқа шахсларнинг таъсирида бажарилади: **Ўқитувчи болаларга китоб ўқитди** каби шаклларда юзага келади.

Бундай шаклларнинг юзага келишида махсус шакл ясовчи кўшимчалар иштирок этади.

Бу кўшимчалар феълнинг маъносини бутунлай ўзгартирмай, унга кўшимча маъно берилади.

Феъл нисбатлари бешта: 1) *аниқ нисбат*, 2) *ўзлик нисбати*, 3) *мажхул нисбат*, 4) *биргалик нисбати*, 5) *орттирма нисбат*.

*Аниқ нисбат*. Бу нисбат эга томонидан бажарилиши аниқ бўлган ҳаракат ва ҳолатни билдиради. Аниқ нисбатни ҳосил қилувчи қўшимча йўқ. У феълнинг негизи орқали ифодаланади. Феълнинг бундай қурилиши фаол қўлланилади: *ёзди, ухлади* каби.

*Ўзлик нисбати*. Ҳаракатнинг бажарувчиси ва ҳаракат объекти ҳам бир шахснинг ўзи бўлади. Бу нисбат қуйидагича ҳосил бўлади:

а) феъл негизига *-н (-ин), -л (-ил)* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: *таран, ўран, ювин, кийин, суркал, чўмил*;

б) феъл ясови-*лан* қўшимчаси билан ясалган феъллар ҳам ўзлик нисбатида бўлади: *шодланди, жонланди, таъсирланди* каби.

Ўзлик нисбати ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: тара, юв-ўтимли; *таран, ювин-ўтимсиз*.

Ўзлик нисбати *яйра, ухла, бор, кул, кел* каби ўтимсиз феъллардан, шунингдек *тўқи, ўқи, кес, чиз, ёз* каби ўтимли феъллардан ясалмайди.

Мураккаб феълларда ўзлик нисбати қўшимчаси етакчи феълга қўшилади: *ювиниб олди, ўраниб олди*.

*Мажхул нисбат*. Бу нисбатда ҳаракат ҳолатнинг объекти (тўлдирувчи) гапда эга вазифаси шаклида бўлади, ҳаракатнинг бажарувчиси эса ноаниқ бўлади. Масалан, *Китоб ўқилди* гапида китоб сўзи эга шаклида келган, ҳаракатнинг бажарувчиси эса ноаниқ.

Мажхул нисбат ҳам феъл негизига *-н (-ин), -л (-ил)* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: уй *қўринди, сим уланди, хат ёзилди* каби.

Ўзлик ва мажхул нисбатлар айнан бир хил қўшимчалар билан шаклланган бўлиб, феълнинг қайси нисбатда эканлиги гапнинг мазмунидан англашилади. Агар ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлса, ўзлик нисбати: *Рустам ювинди*, ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлса мажхул нисбат: *кийим ювилди* бўлади. Мажхул нисбат ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: *кий-ўтимли, кийин-ўтимсиз*.

Мураккаб феълларда мажхул нисбат кўшимчаси асосан кўмакчи феълга кўшилади: *дастурхон ёзилди, ўқиб чиқилди.*

**Биргалик нисбати.** Бу нисбат ҳаракатнинг бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилишини билдиради.

Биргалик нисбати *-и (-иш), -лаш* кўшимчалари билан ясалади: *боришди, келишди, гаплашди, суҳбатлашди.*

Биргалик нисбатидаги феъллар қуйидаги маъноларни англатади:

1. Ҳаракатни бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилишини. Бундай гапларда эга кўпинча кўплик шаклида бўлади. Нормуродга қарашли бошқарма ходимлари эса уни ваҳимали бир сукут билан *кутиб олишди.* (О.Ё).
2. Кўмаклашиш маъносини билдиради: Ўктам укасининг ишига *ёрдамлашди.*
3. Ҳаракатнинг галма-гал бажарилишини. Обидов билан Латофат баравар ўгирилиб *қарашди.* (О.Ё).
4. Биргалик нисбатнинг кўшимчалари феъл негизига икки марта кўшилиши мумкин. *Сўрашишди, кўришишди, баҳслашишди, гаплашишди* каби.

Мураккаб феълларда биргалик нисбати кўшимчаси асосан кўмакчи феълга: *ёзиб олишди, ўқиб чиқишди,* баъзан етакчи феълга ҳам: *гаплашиб олди, келишиб қолди* кўшилади.

**Орттирма нисбат.** Орттирма нисбатдаги феъллар бошқа бирор шахснинг таъсири билан бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Бу нисбат қуйидаги кўшимчалар билан ҳосил бўлади:

*-т: ўқит, ишлат, тўхтат*

*-дир, -тир: ёздир, олдир, келтир*

-дир кўшимчаси жарангли ундош ва сонорлар билан тугаган бир бўғинли сўзларга: *чиздир, қулдир, ўрдир,* -тир кўшимчаси кўп бўғинли сўзларга кўшилади: *қувонтир, суюнтир, кийинтир* каби.

**-тир** қўшимчаси **-т**, **-дир** қўшимчаси орқали ясалган орттирма нисбатдан яна орттирма нисбат ҳосил қилади: **ўқиттир, ёздиртир**.

**-газ, -ғиз, гиз, -каз, -қиз, -қаз:** **кўргаз, юргиз, турғиз, ўтказ, кетғиз, ютқаз**.

**-ғиз, -ғиз** жарангли ундош билан тугаган феълга, қолган қўшимчалар жарангсиз ундошли феълга қўшилади.

**-ир, -ар:** **тушир, битир, чиқар, қайтар**

**-из:** **оқиз, томиз**.

**-сам** қўшимчаси билан ҳосил бўлган **кўрсам** феъли ҳам орттирма нисбат. Бироқ бу қўшимча билан феълнинг юзига келиши пассив ҳолатдир.

Орттирма нисбат ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиради: **ухла-ўтимсиз, ухлат-ўтимли; кел-ўтимсиз, келтир-ўтимли**.

Феъл негизига орттирма нисбат қўшимчалари ҳам бирдан ортик қўшилади. Бу шакл орттирма нисбатнинг мураккаб шаклдир: **ўқи-ўқит-ўқиттир, ют-ютқаз-ютқаздир**.

Орттирма нисбат қўшимчалари бир-бири билан маънодош бўлади: **юрит-юргиз, битказдир-битиртир**.

Орттирма нисбат ўзлик: **ювин-ювинтир**; мажҳул: **тайёрлан-тайёрлантир**; биргалик: **гаплаш-гаплаштир** нисбатидаги феъллардан ҳам ҳосил бўлади.

Феълларда баъзан иккита феъл нисбати ясовчи қўшимча иштирок этади: **ёздиртир, ювинтир** каби.

Бундай феълларда кейинги қўшимча қайси нисбат қўшимчаси бўлса, феъл ҳам шу нисбатга мансуб бўлади. Масалан, **ювинтир** феълидаги **-ин** ўзлик, **-тир** орттирма нисбат қўшимчаси бўлганлиги учун бу феъл орттирма нисбатга мансуб.

### ***Феълнинг хосланган шакллари***

Феълнинг гапда бирор гап бўлаги вазифасини бажариш учун мосланган шакллари хосланган шакллар дейилади.

Гапда маълум бир вазифа бажариш учун хосланган бундай шакллар феълнинг вазифа шакллари дир.

Феълнинг вазифавий шакллари тўрт хил:

1. **Соф феъл** (кесим вазифаси)
2. **Равишдош** (ҳол вазифаси)
3. **Сифатдош** (сифатловчи аниқловчи)
4. **Ҳаракат номи** (эга, тўлдирувчи)

Хосланган шакллар билан биргаликда феъл асосан икки вазифавий шаклда бўлади:

1. Кесимлик шаклидаги феъллар: **соф феъл, замон, шахс-сон, майл, бўлишли-бўлишсизлик** ифодоловчи феъллар.
2. Нокесимлик шаклидаги феъллар: **равишдош, сифатдош, ҳаракат номи**. Булар феълнинг равиш, сифат, от вазифасида қўлланувчи шакллари дир.

**Равишдош**. Феълдан англашилган ҳаракатнинг белгисини билдириб ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини кўрсатадиган феъл шакл дир: **кулиб гапирди, кун ботгунча ишлади**.

Равишдошлар феълнинг равишга мос келадиган шакли бўлиб, гапда ҳол ва эргаш гапнинг кесими вазифаларида келади. Масалан, болалар **завқланиб** кулишди. **Тонг отгач**, саёҳатчилар йўлга тушишди.

Равишдошлар феълларга хос барча хусусиятларга эга. Масалан, **ёзай-ўтимли, бўлишли, аниқ нисбат, ҳозирги замон; бормагач-ўтимсиз, бўлишсиз, аниқ нисбат, ўтган замон**.

Равишдошлар қуйидаги қўшимчалар билан ясалади:

**-б (-иб): бориб, келай.**

**-гач (-кач, -қач): олгач, тўккач, чиққач.**

**-а (-й): айта-айта, йиглай-йиглай.**

**-гани (-кани, -қани): ёзгани, эккани, чиққани.**

**-гунча (-кунча, -қунча): олгунча, эккунча.**

Равишдошлар маъно хусусиятига кўра

1. Ҳолат маъносини билдиради: **-б, -иб, -а, -й: ўйланиб, кула-кула каби.**
2. Ҳаракат маъносини билдиради: **-б, -иб: гапириб, ёзиб, чопиб, олиб.**
3. Пайт маъносини билдиради: **-гач, -гунча келгач, боргунча.**
4. Мақсад маъносини билдиради: **-гани: ўқигани, эккани, чиққани каби.**

Равишдошлар грамматик жиҳатдан икки хил:

1. **Тусланадиган равишдошлар: -б (-иб), -а, (-й)** қўшимчалари билан ясаиб, шахс-сон қўшимчаларини олади: **кўрибман,**
2. **Тусланмайдиган равишдошлар: -гач (-кач, -қач), -гани (-кани, -қани), -гунча (-кунча, -қунча)** қўшимчалари билан ясаиб шахс-сон қўшимчаларини олмайди: **боргач, келгани, ёзгунча каби.**

Равишдошлар замон маъносига кўра уч хил:

1. **Ўтган замон равишдошлари: -б (-иб), -гач, (-кач, -қач)** қўшимчалари билан ясалади: **бориб эди, олгач (қайтди), боргач (кутди) каби.**
2. **Ҳозирги замон равишдошлари: -а (-й)** қўшимчалари билан ясалади: **кула-кула, ўйлай-ўйлай.**
3. Келаси замон равишдошлари: **-гани (-кани, -қани), -гунча (-кунча, -қунча)** қўшимчалари билан ясалади: **боргани, келгунча каби.**  
Равишдошларнинг бўлишсиз шакли асосан **-ма** қўшимчаси билан ҳосил бўлади: **ўқиб-ўқимай, кула-кула-кулмай, боргани учун - бормагани учун, боргач-бормагач каби.** -б (-иб) қўшимчали равишдош -роқ қўшимчасини олиб қўлланилиши мумкин: **кечикиброқ, ўйлаброқ (гапирмоқ) каби.**

Равишдошнинг **-б (-иб)** қўшимчаси ўтмишда **-бон (-ибон): борибон, келибон -гани** қўшимчаси **-гали: кўргали, юргали** шаклларида қўлланилган.



-б (-иб), -а (-й) қўшимчали равишдошлар асосан такрорланиб кўлланилади: *бориб-бориб, кула-кула* каби **-б (-иб)** шакли якка ҳолда ҳам кўлланилади, *кулиб гапирди* каби.

-б (-иб), -а (-й) қўшимчали равишдошлар етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлайди: *айта олди, гапириб берди* каби.

**Сифатдош.** Предметнинг белгиси бўлган ҳаракатни билдириб, гапда асосан сифатловчи-аниқловчи вазифасида келадиган феъл шаклидир. Сифатдошлар феълнинг сифатга яқин шакли. Шунинг учун сифат сингари отга боғланиб келади: *ўқиган бола, бўлар иш.*

Сифатдошлар феълга хос қуйидаги хусусиятларга эга:

а) барча феъллар сингари ўтимли-ўтимсиз, бўлишли-бўлишсиз, замон маъноларига эга: *ўқиган-ўтимли, бўлишли, ўтган замон;*

б) сифатдошлар тусланади: *борганман, боргансан.*

Сифатдошлар отлашганда от сингари келишик, эгалик қўшимчаларини олади ва гапда от бажарадиган вазифаларни бажаради. Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар (эга), *Бўлинганни* бўри ер (тўлдирувчи).

Сифатдошлар қуйидаги қўшимчалар билан ясалади:

**-ган (-кан, -қан):** *ўқиган, эккан, чиққан.*

**-вчи, (-увчи):** *ишловчи, айтувчи.*

**-диган, -ётган:** *ўқийдиган, бораётган.*

**-р (-ар):** *ўқир, ёзар.*

**-гай:** *боргай.*

**-жаск (-ажаск):** *айтажаск, боражаск.*

**-гуси (-гуси):** *келгуси, бўлгуси.*

Сифатдошлар замон маъносига кўра уч хил:

1. Ўтган замон сифатдош **-ган (-кан, -қан)** қўшимчалари билан ҳосил бўлади: *ўқиган, келган.*
2. Ҳозирги замон сифатдошлари **-вчи (-увчи), -ётган** қўшимчалари билан ҳосил бўлади: *ишловчи, ўқиётган.*

3. Келаси замон сифатдоши **-р (-ар), -диган, -гай, -жак (-жак), -гуси** қўшимчалари билан ясалади: **борар, борадиган (эди), боргай, боражак, боргуси**.

**Ҳаракат номи.** Ҳаракат ва ҳолатнинг номини билдириб, гапда отга хос вазифаларни бажарадиган феъл шакли: **ишламоқ, куюнмоқ** каби.

Ҳаракат номи феъл каби мазмунан ҳаракат ва ҳолатни билдиради, ўтимли-ўтимсиз бўлади, нисбат шаклларида бўлади ва бошқа сўзни бошқаради. Масалан, Ахир бугун одамлар чўлга **кетишади**. (С.А.) гапидаги **кетишади** сўзи ҳаракатни ифода этади, ўтимсиз, биргалик нисбатида, чўл сўзини бошқарган.

Ҳаракат номи отлар сингари келишик, эгалик қўшимчаларини олиб қўлланилади. Гапда от каби эга, тўлдириувчи, аниқловчи вазифаларида келади.

Ҳаракат номи **-ш (-иш), -в (-ув) -моқ** қўшимчалари орқали ҳосил бўлади. Бу қўшимчалар ўзаро маънодош бўлиб, **-моқ** шакли феълга яқин. Шунинг учун бу шакл феълнинг ноаниқ шакли (бош шакли) деб қабул қилинган. Луғатларда феъллар **-моқ** шаклида берилади: **ўқимоқ, ишламоқ**.

**-ш (-иш), -в (-ув)** қўшимчалари билан ҳосил бўлган ҳаракат номи отга яқин.

**-ш (-иш)** қўшимчали ҳаракат номи эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланади: **айтишим** (керак), **айтишга** (келдим) каби.

**-в (-ув)** қўшимчали шакл кам қўлланилади. Бу шакл отга қўчган: **айтишув, келишув**. Бу шаклдаги айрим сўзлар эса бутунлай от туркумга хос: **ўқув, ёзув, учрашув** каби.

Ҳаракат номининг барча шаклларида бўлишсизлик **-маслик** қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлади: **учрашув-учрашмаслик, келишиш-келишимаслик, ўқимоқ-ўқимаслик** каби.

### **Ҳаракатнинг миқдорий белгисини ифодаловчи модал шакллар**

Феълдан англашилган ҳаркатнинг кучли ёки кучсизлигини, давомийлигини ифодаловчи шакллар миқдорий белги ифодаловчи шакллардир.

Қуйидаги қўшимчалар феълдаги ҳаркатнинг миқдорий белгисини ифода этади.

**-ла, -гила, -гила (-кила, -қила)** қўшимчалари ҳаркатнинг такрорланишини, давомийлигини, кучлилигини билдиради: **ишқала, қувла, савала.**

**-мсира (-имсира), -нқира (-инқира)** қўшимчалари ҳаркатнинг кучсизлигини билдиради: **кулимсира, тортинқира.**

**Феълнинг муносабат шакллари.** Феълларнинг тасдиқ- инкор, замон, майл ва шахс-сон шакллари муносабат шакллари дир.

Тасдиқ-инкор шакли ҳаркатнинг бажарилиши ва бажарилмаслигини билдиради. Бажариладиган ҳаркатни билдирадиган феъллар тасдиқ феъли: **ёзаман, ўқидим.**

Бажарилмайдиган ҳаркатни билдириб, феълнинг бўлишсизлик шакллари орқали ҳосил бўлган феъллар инкор феълидир: **бормабди, борган эмас, боргани йўқ.**

### **Феъл замонлари**

Феъл замонлари ҳаркатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабатини ифодалайди.

Ҳаркат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин нутқ сўзланиб турган пайтда ва нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажарилиши мумкин.

Шунга кўра феълда учта замон бор.

- 1. Ўтган замон**
- 2. Ҳозирги замон**
- 3. Келаси замон**

**Ўтган замон феъли** ҳаркатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин бажарилганини билдиради.

Ўтган замон феълнинг қуйидаги шакллари мавжуд.

1. **Яқин ўтган замон феъли (аниқ ўтган замон).** Бу феъл шакли сўзловчи кўз одида аниқ бажарилган, давом этмайдиган ҳаракатни билдиради. **-ди** қўшимчаси билан ҳосил бўлади: **бордим, бординг, борди.**
2. **Узоқ ўтган замон феъли.** Нутқ сўзланиб турган пайтдан анча илгари бажарилган ҳаракатни билдиради. **-ган** қўшимчаси билан ҳосил бўлади: **ёзганман, ёзган эдим.**
3. **Ўтган замон ҳикоя феъли.** Илгари бажарилган ҳаракатни аниқ эслашни билдиради. **-б (-иб)** қўшимчаси билан ҳосил бўлади: **бериб эдим.**
4. **Ўтган замон давом феъли.** Нутқ жараёнидан илгари бошланиб, давом этаётган ҳаракатни билдиради; **-р (-ар), ётган, -моқда** қўшимчаси билан ҳосил бўлади: **борар эдим, борар эдинг, борар эди, бораётган эди, бормоқда эди.**
5. **Ўтган замон мақсад феъли.** Нутқ жараёнидан илгари баралиши мақсад қилинган, бироқ бажарилмаган ҳаракатни билдиради. Феъл негизига **-моқчи, -диган** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: **ёзмоқчи эдим, ёзадиган эдим.**

**Ҳозирги замон феъли** ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда бажарилаётганлигини билдиради.

Ҳозирги замон феълининг қуйидаги шакллари мавжуд.

1. **Аниқ ҳозирги замон шакли.** Нутқ сўзланиб турган пайтда бошланиб, ундан кейин давом этадиган ҳаракатни билдиради. Феъл ўзагига **-а, (-й)** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил бўлади: **ўқийман, бораман.**
2. **Ҳозирги-келаси замон шакли.** Нутқ сўзланиб турган пайтда бажарилиши давом этиб турган ҳаракатни билдиради. Феъл ўзагига **-яп, ётир (-ётиб), -моқда** қўшимчаларини қўшиш ва тусланиш билан ҳосил бўлади: **бораяпман, бораётирман, бораётибман.**

**Келаси замон феъли.** Нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Бу феълнинг қуйидаги шакллари бор.

1. **Аниқ (соф) келаси замон феъли.** Келажакда аниқ бажариладиган ҳаракатни билдиради. Феъл ўзагига **-жак, -ажак** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил бўлади: **боражакман, келажакман.**
2. **Келаси замон гумон феъли.** Ҳаракатнинг бажарилиши гумон эканлигини билдиради. Феъл ўзагига **-р (-ар)** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил бўлди: **ўқирман, борарман.**
3. **Келаси замон мақсад феъли.** Нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажарилиши мақсад қилинган ҳаракатни билдиради. Феъл ўзагига **-моқчи, -диган** қўшимчаларини қўшиш ва туслаш билан ҳосил бўлади: **ўқимоқчиман, ишлайдиганман.**

### **Феълларда шахс-сон**

Феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси-грамматик шахс маъносини ифодаловчи шакллар шахс-сон дейилади.

Грамматик шахс I шахс-сўзловчи, II шахс-тингловчи, III шахс-ўзга? Грамматик шахс грамматик сон (бирлик ва кўплик) билан биргаликда ифодаланади.

Шахс-сон махсус қўшимчалар орқали ифодаланади. Феълларнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб келиши тусланиш дейилади.

Феълнинг биринчи ва иккинчи шахси фақат кишиларга, учинчи шахси эса кишиларга ва барча жонли ва жонсиз предметларга нисбатан ишлатилади.

Ўзбек тилида тусланишнинг қуйидаги шакллари мавжуд.

#### **Биринчи гуруҳ**

##### **Бирлик**

I шахс **-ман**

II шахс **-сан**

##### **Кўплик**

**-миз: ёзаман, ёзамиз**

**-сиз: ёзасан, ёзасиз**

III шахс *-ди* *ди (лар): ёзади, ёзадилар*

### *Иккинчи гуруҳ*

I шахс *-м* *-к: ёздим, ёздик*

II шахс *-нг* *-нгиз: ёздинг, ёздингиз*

III шахс *-* *лар: ёзди, ёздилар.*

### *Учинчи гуруҳ*

#### *Бирлик*

#### *Кўплик*

I шахс *-ай (айин)* *-айлик: борай, борайлик*

II шахс *-гин* *-ингиз: боргин, борингиз*

III шахс *-син* *-синлар: борсин, борсинлар*

Бу шаклда кўпроқ истак маъноси ифодаланади.

Шахс-сон қўшимчаларининг биринчи гуруҳи қадимий ҳисобланади.

Шахс-сон шаклларида бирининг ўрнида иккинчисининг қўлланиш ҳолатлари учрайди.

а) кўплик ўрнида бирлик қўлланилади: *сизлар-сенлар*;

б) бирлик ўрнида кўплик: *биз биламиз-мен биламан*;

в) II шахс ўрнида I шахс: *Эртага дарсга келамиз* (келасиз)

г) II шахс ўрнида III шахс: *Бизникига келсинлар* (келинг).

### *Феъл майллари*

Ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалайдиган шакллар феъл майллари дейилади. Феъл майллари ҳаракатнинг бажарилишини реал борлик билан боғланганлигини билдириб, ҳаракат бажарилишини, буйруқ-истак, шарт ва мақсад маъноларини ифодалайди.

Феъл майллари қуйидагилар.

1. *Хабар (аниқлик) майли*

2. *Буйруқ-истак майли.*

3. *Шарт майли.*

4. *Мақсад майли.*

*Хабар майлидаги* феълдан англашилган ҳаракат уч замондан бирида бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиради.

Бу майлнинг қўшимчаси йўқ бўлиб, майл маъноси замон ва шахс-сон қўшимчалари орқали ифодаланади: *ёзди, ёзаяпти, ёзади*.

*Буйруқ-истак майлидаги* феъл ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги буйруқ, истак, хоҳиш, маслаҳат маъноларини ифодалайди.

Буйруқ-истак майли феъл ўзагига учинчи гуруҳ шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: *ёзай, ёзгин, ёзсин, ёзайлик* каби.

Бу майлдаги феълнинг *I шахси истак: борай, ёзай, I-II шахси буйруқ, илтимос, маслаҳат* маъноларини англатади: *бор, ёз, тур* каби.

Буйруқ истак майлининг II шахси қатъий буйруқни англатса, III шахси тинч оҳангдаги буйруқ, илтимос маъноларини англатади.

*Шарт майли* ҳаракатнинг бажарилиши учун ундан олдин бажарилиши шарт қилиб қўйилган ҳаракатни билдиради.

Феъл ўзагига *-са* қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил бўлади: *олсам, ёзсам* каби.

Шарт майлидаги феъллар *керак* сўзи билан ишлатилса, ноаниқлик, гумон маъносини англатади. *Эртага борсам керак*.

*Мақсад майли* ҳаракатнинг бажарилишидан мақсад, ният мўлжал маъноларини билдиради. Феъл ўзагига *-моқчи* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: *бормоқчиман, ўқимоқчиман*.

### ***Феълларнинг ясалиши***

Феъллар морфологик ва синтактик усуллар билан ясалади.

Сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали феъл ясалиши морфологик усулдаги феъл ясалишидир. Бу усул билан феълдан бошқа сўз туркумларидан феъл ясалади.

Қуйидаги қўшимчалар феъл ясовчи қўшимчалардир.

**-ла.** Бу кўшимча энг фаол феъл ясовчи кўшимча бўлиб, от, сифат, олмош, равиш, ундов ва тақлидий сўзлардан феъл ясалади: *гулла, яхшила, сизла, тезла, ухла, шивирла* каби.

**-а (-й):** от, сифат, равишдан феъл ясалади: *яша, қорай* каби.

**-р (-ар):** сифатдан феъл ясайди: *кўкар, эскир, оқар*.

**-ик (-ик):** от, сифат, равиш, сон, ундовлардан феъл ясайди: *йўлик, зўриқ, кечик, бирик, ҳайиқ*.

**-ир (-ур):** от, раивш, тақлидий сўзлардан феъл ясайди: *гапир, кўпир, тупир*.

**-ира (-ила):** тақлидий сўзлардан феъл ясайди: *гуркира, ялтира, милтира, гурилла*.

**-ай:** от, сифат, равишдан феъл ясайди: *кучай, торай, озай*.

**-сира:** от, сифат, олмошлардан феъл ясайди: *сувсира, ётсира, сенсира*.

**-и:** от, сифатдан феъл ясайди: *бойи, тинчи*.

**-лан, -лаш:** от, сифат, сондан феъл ясайди: *жонланди, шодланди, иккиланди, гаплашди, қийинлашди, бирлашди*.

Кўшимчалар билан ёрдамчи сўзлар ва модал сўзлардан феъл ясаб бўлмайди.

Синтактик усул билан мураккаб ва жуфт феъллар ясалади.

Мураккаб феъллар таркибидаги сўзларнинг қайси туркумданлигига кўра икки хил.

1. Феъл бўлмаган сўзлар билан феълнинг бирикувидан ҳосил бўлган мураккаб феъллар: *имзо қўйди, хабар берди, хурсанд бўлди, жавоб берди, қулоқ солди*.

2. Феъл билан феълнинг бирикувидан ҳосил бўлган мураккаб феъллар: *ёзиб олди, бориб келди, айта олди*.

Мураккаб феълларда асосий маъно биринчи сўзда ифодаланади. Шунинг учун асосий маъноли қисм-*етакчи феъл*, кўшимча маъноли қисм эса-*кўмакчи феъл* дейилади.



**Кўмакчи феъл.** Айрим феъллар бошқа феъллар билан бирикиб, ўз мустақил маъносини йўқотган ҳолда ўзи бириккан феълнинг маъносига ҳар хил қўшимча маънолар қўшади.

Бундай феъллар кўмакчи феъл дейилади. Кўмакчи феъллар ҳам аслида мустақил феъл бўлиб, муайян вазиятларда у кўмакчи феъл вазифасини бажаради. Масалан, **осилиб тушди** (тушди-мустақил феъл), **чўчиб тушди** (тушди-кўмакчи феъл).

Кўмакчи феъл боғланиб келган феъл етакчи феъл дейилади. Етакчи ва кўмакчи феълларнинг боғланиши **кўмакчи феълли сўз қўшилмаси** дейилади.

Ўзбек тилида батамом кўмакчи феълга айланган феъл йўқ.

Қуйидаги мустақил феъллар кўмакчи феъл вазифасида келади: **бер, бор, боқ, бўл, ол, ёт, тур, туш, юр, ташла, юбор, сол, ўл, ўт, ет, кўр, қара, боқ, ёз, битир.**

Кўмакчи феъллар етакчи феъл билан равишдошнинг **-б (-иб) ва -а (-й)** шакллари орқали бирикади: **айтиб берди, ёза бошлади** каби.

Бундай бирикувда тусловчи қўшимча кўмакчи феълга қўшилади: **айтиб бердим, ёзиб олдим** каби.

Баъзан етакчи ва кўмакчи феъл феълларни жуфтлаш орқали ҳам бирикади: **айтди-қўйди, ёзди-олди** каби.

Бундай бирикувда тусловчи қўшимча ҳар иккала феълга қўшилиб, кўмакчи феъл ҳаракатнинг тез бажарилганини ифодалайди: **айтди-қўйди.**

Кўмакчи феъли сўз қўшилмасида кўмакчи феъл бир нечта бўлиши ҳам мумкин: **ёзиб олиб кела қол.**

Кўмакчи феълларнинг равишдош шаклидаги етакчи феъллар билан бирикиши ҳар хил.

Кўмакчи феълларнинг асосий қисми етакчи феъл билан равишдошнинг **-б (-иб)** шакли орқали бирикади: **бошла, бил, ёз, бер** кўмакчи феъллари равишдошнинг **-а (-й)** қўшимчаси орқали бирикади: **ёза бошлади, айта билди, кела ёзди, айта берди** каби кўмакчи феъллар равишдошнинг ҳар

иккала шаклидаги етакчи феъллар билан бирика олади: *ёзиб берди-ёза берди, ёзиб олди-ёза олди, бориб кел-бора кел* каби.

Бир хил шаклдаги феълларнинг такрорланиб келишдан жуфт феъл ҳосил бўлади: *борди-келди, ўйнаб кулиб* каби.

Феъллар маъно ифодалашига кўра икки хил: *тўлиқ феъллар, тўлиқсиз феъллар*.

Мустақил ҳолда маъно билдирмайдиган *эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феъллардир. Тўлиқсиз феъллар тусланади: *борган эдим, борган эдинг, борар экансан*.

Тўлиқсиз феъллардан *эди* замон маъносига эга: *борган эдим* (ўтган замон).

Бадиий адабиётларда *эди* феълининг *-ди: кўргандим, экан* феълининг *-кан: бораркан, эмиш* феълининг *-миш: борармиш* шакллари учрайди.

### ***Равиш***

Ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, баъзан белгининг белгисини билдирадиган сўзлар равиш дейилади. Равишлар ифода хусусиятига кўра сифатга яқин, бироқ сифат предметнинг белгисини, равиш эса ҳаракатнинг, белгининг белгисини ифодалаш жиҳатидан фарқланади. Равиш асосан феълга айрим ҳолларда сифатга, равишга, баъзан отга боғланиб келади. Масалан, *тез юрмоқ* (ҳаракатнинг белгиси), *жим ўтирмоқ* (ҳолатнинг белгиси), *болаларча* содда (белгининг белгиси), *дўстона суҳбат* (предметнинг белгиси).

Равиш морфологик жиҳатдан ўзгармайди. Улар таркибида учрайдиган кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари равиш таркибига сингиб кетган ва ўз маъносини йўқотган бўлади. Масалан, *яқинда, шу ерда, илгаридан* каби равишлар шу қўшимчалар билан биргаликда равишдир. Улар маъноли қисмларга ажратилмайди. Равишлар гапда асосан ҳол вазифасида, сифат ва отга боғланганда эса сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади: Унинг сўзлари *болаларча содда*, самимий, лекин аниқ ва равшан эди.

Равишлар маъно жиҳатидан қуйидагича: *ҳолат (тарз) равишлари, миқдор-даража равишлари, ўрин равишлари, пайт равишлари, сабаб равишлари, мақсад равишлари.*

*Ҳолат (тарз) равишлари.* Ҳаракатнинг қай ҳолатда, қай тарзда бажарилишини билдиради. *Қандай, қай тарзда, қай ҳолатда* сўроқларга жавоб бўлади: *тез, секин, аста, пиёда, яёв, бирдан, тўсатдан, дўстона, янгича, ёнма-ён, юзма-юз, мардона, муздай, аста-секин.*

Ҳолат равишлари равиш ҳоли, шунингдек, сифатловчи-аниқловчи, баъзан кесим вазифаларида келади.

*Миқдор даража равишлари.* Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдорини билдириб *қанча* сўроғига жавоб бўлади: *кўп, оз, анча, пича, сал, мўл, хийла, талай, роса, жиндай.*

*Даража равишлари: жууда, энг, зоят, зоятда, бениҳоят, ниҳоятда* каби.

Бу равишлар ҳаракат ва белгининг ортиқлигини билдиради.

Миқдор-даража равишлари гапда асосан равиш ҳоли, кесим, отларга боғланиб аниқловчи бўлиб келади: *оз сўз-соз сўз.*

*Ўрин равишлари.* Ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, *қаерда, қаердан* сўроқларига жавоб бўлади: *у ерда, шу ерда, ўнгда, чанда, тўғрида, олдинда, юқорида, орқанда* каби. Ўрин равишлари гапда ўрин ҳоли, баъзан кесим бўлиб келади.

*Пайт равишлари.* Ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, *қачон* сўроғига жавоб бўлади: *ҳозир, эрта индин, тушда, кечқурун, бугун, олдин, яқинда, кейин, кеча, ўтган йил* каби.

Пайт равишлари гапда пайт ҳоли ва кесим вазифасида келади.

*Сабаб равишлари.* Ҳаракатнинг бажарилиши сабабини билдириб, *нима учун, нима сабабдан* сўроқларига жавоб бўлади: *ноилож, иложсиз, чорасиз, чорасизликдан.*

Сабаб равишлари гапда сабаб ҳоли вазифасида келади.

**Мақсад равишлари.** Ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдириб, қандай, қай мақсадда сўроқларига жавоб бўлади: *атай, атайин, атайлаб, қасддан, жўрттага*. Мақсад равишлари гапда мақсад ҳоли вазифасида келади.

Равишлар сифатлардек даража ҳосил қилувчи -роқ қўшимчасини олади: *кўпроқ, секинроқ* каби.

Равишлар *-гина (-кина, -қина)* қўшимчалари билан қўлланилганда белгининг кучсизлиги, камлиги ифодаланади: *камгина, секингина*.

### ***Равишларнинг ясалиши***

Равишлар морфологик ва синтактик усуллар билан ясалади.

Қуйидаги қўшимчалар равиш ясовчи қўшимчалардир:

**-ча:** от, сифат, олмош, феълдан равиш ясайди: *ўзбекча, янгича, ўзича, кулганича*.

**-ан:** от ва сифатдан равиш ясайди: *виждонан, тасодифан, мажбуран*,

**-лаб:** от, сифат ва равишдан равиш ясайди: *ойлаб, йиллаб, яхшилаб, кўплаб, тезлаб*.

**-ларча:** мураккаб қўшимча бўлиб, от ва сифатдан равиш ясайди: *мардларча, оталарча, баҳодирларча*.

**-она:** от ва сифатдан равиш ясайди: *дўстона, шоирона, мардона*.

**-лай, -лайн, -лигича** маънодош қўшимча бўлиб, сифатдан равиш ясайди: *бутунлай, бутунлайн, бутунлигича*.

**-н, -ин:** от, равиш ва феълдан равиш ясайди: *қишин, ёзин, эртан, яширин*.

**-дай, -дек:** от ва равишдан равиш ясайди: *муздай, тоғдай, қушдек, олдингидай* синтактик усул билан қўшма: *аллақачон, аллақайси, аллапайт, алламаҳал, озмунча*, мураккаб равишлар: *ҳар вақт, ҳар қачон, шу ерда, бу ёққа* каби,

жуфт равишлар: *аста-секин, очиқ-сочиқ, қишин-ёзин, олдин-кейин, қўлма-қўл* ҳосил бўлади.

### ***Ёрдамчи сўзлар***

Мустақил сўзлар орасидаги грамматик муносабатларни ифодаловчи сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади.

Ёрдамчи сўзлар луғавий маънога эга эмас, улар гапда бирор гап бўлаги вазифасини бажармайди, фақат грамматик муносабатларни шакллантириш учун хизмат қилади.

Ёрдамчи сўзларга қуйидагилар киради: **кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар.**

### **Кўмакчилар**

От ёки отлашган сўздан кейин келиб, шу сўзни бошқа сўз билан бирикишини таъминлайдиган сўзлар кўмакчилар дейилади.

Кўмакчилар маъно жиҳатидан келишик қўшимчаларига яқин. Шунинг учун келишик қўшимчалари ўрнида кўмакчилар ишлатилади: **сенга-сенинг учун, ручкада-ручка билан, уйга-уй томон** каби.

Кўмакчиларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. **Соф (асл) кўмакчилар:** *билан, учун каби, сайин, сари, сингари, узра, янглиз, қадар.* Булар ўз луғавий маъносини йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланган.
2. **От кўмакчилар.** От ёки равишдан кўмакчига айланган: *томон, бошқа, ташқари* (отдан), *илгари, бурун, аввал, сўнг, кейин* (равишдан).
3. **Феъл кўмакчилар.** Феълнинг бирор шаклидан кўмакчига айланган: *қараб, кўра, яраша, бошлаб* (равишдошдан), *қараганда* (сифатдошдан).

Кўмакчиларнинг келишикдаги сўзлар билан қўлланилиши қуйидагича.

1. Бош келишикдаги сўз билан: *учун, билан, каби, сингари, янглиз, орқали, сари, сайин узра* кўмакчилари қўлланилади.
2. Жўналиш келишигидаги сўз билан: *кўра, қадар, довур, томон, қараб, қараганда, яраша* кўмакчилари қўлланилади.
3. Чиқиш келишигидаги сўз билан: *бурун, олдин, аввал, илгари, кейин, кўра, сўнг, буён, бошқа, бери, ташқари.*

Кўмакчилар қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Восита маъносини билдиради: **билан** (қалам билан ёзмоқ), **орқали**.
2. Йўналиш маъносини билдиради: **қадар, довур, томон, қараб, сўнг**.
3. Пайт маъносини билдиради: **аввал, олдин, илгари, бурун, кейин, сўнг**.
4. Мақсад маъносини билдиради: **учун** (ўқиш учун)
5. Ўхшатиш маъносини билдиради: **каби, сингари, сайин, янглиз, мисол**.

Кўмакчилардан **билан** (восита ва биргалик), **учун** (мақсад, сабаб) кўп маънолидир.

### ***Кўмакчи отлар***

Аслида мустақил маъноли сўзлар бўлиб, маълум шаклларида маъносини йўқотиб кўмакчига силжиб қолган сўзлар кўмакчи отлар дейилади.

Кўмакчи отлар қаратқич келишиги шаклидаги от билан боғланиб келади: **олд** (уйнинг олди), **орқа, хузур, кет, ён, ўрта, ич, ора, таг, ост, уст, тепа, тўғри, юза, бўй, қарши, хақ, хусус, бош, қош, ёқа** кўмакчи отлардир.

Кўмакчи отлар маъносига кўра уч хил.

1. Вертикал йўналишдаги ўринни ифодалайди: **ост, уст, таг, тепа**.
2. Горизонтал йўналишдаги ўринни ифодалайди: **олд, кет, орт, орқа, ён, ўрта, ич, ора**.
3. Фикрни нима ҳақда эканлигини ифодалайди: **тўғри, хусус, юза, хақ** каби.

### ***Боғловчилар***

Гап бўлаклари ёки қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар боғловчилар дейилади. Боғловчилар якка ҳолда ҳам бошқа сўзларга қўшилган ҳолда ҳам бирор гап бўлаги бўлиб келмайди.

Боғловчилар қўлланилишига кўра икки хил: **якка боғловчилар, такрорланувчи боғловчилар**.

Якка боғловчилар: *ва, ҳамда, амма, лекин, бироқ, чунки, агар, токи, балки, гўё, башарти, -ки, -ким, яъни, шунинг учун, гарчи*. Такрорланувчи боғловчилар: *дам, ё, ёки, гоҳ, хоҳ, баъзан, бир*.

Такрорланувчи боғловчилардан *ё, ёки, ёхуд* якка ҳолда ҳам ишлатилади. *На, хоҳ, гоҳ, дам* якка ҳолда қўлланилмайди.

Боғловчилар вазифасига кўра икки хил: *а) тенг боғловчилар; б) эргаштирувчи боғловчилар*.

Тенг боғловчилар сўз ва гапларни грамматик жиҳатдан тенгланиш асосида боғлайди. Тенг боғловчилар уч хил:

*1. Бириктирув боғловчилари.*

*2. Зидлов боғловчилари.*

*3. Айирув боғловчилари.*

*Бириктирув боғловчилари: ва, ҳам, ҳамда.* Билан кўмакчиси бириктирув боғловчиси вазифасида қўлланилади. Бу боғловчилар уюшиқ бўлақлар ҳамда қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди.

Бу боғловчилар ўрнида *-у, -ю, -да* юкламалари ҳам қўлланилади. Масалан, Ҳалиги йигит бошни кўтариб Саидийга бир *қаради-да*, яна ўз иши билан машғул бўлди. (А.К)

*Зидлов боғловчилари: аммо, лекин, бироқ, ҳолбуки.* Бу боғловчилар уюшиқ бўлақларни ва мазмунан зид бўлган гапларни боғлайди. Зидлов боғловчилари ўрнида ҳам *-у, -ю, -да* юкламалари қўлланилади. Озроқ мизғиб олмоқчи *бўлди-ю*, танасининг зирқираб оғришидан кўзи илинмади. (С.А)

*Айирув боғловчилари: ё, ёки, дам, гоҳ, хоҳ, баъзан.*

Бу боғловчилар асосан такрорланган ҳолда қўлланилиб, гап бўлақлари ва гапларни бир-биридан ажратиш ҳамда ва воқеа ҳодисанинг олдин-кейинлигини кўрсатиш учун қўлланилади. Масалан, *гоҳ олмазор, гоҳ шафтолизор, гоҳ теракзорлар* орасидан ўтиб борардим. (Х.Т)

*Эргаштирувчи боғловчилар* қўшма гап таркибидаги содда гапларни эргашиш (тобелаш) муносабати асосида боғлайди: *-ки (-ким), чунки, гўё, гўёки, токи, агар, башарти, гарчи, яъни, шунинг учун, мабодо*.

Эргаштирувчи боғловчилар маъноларига кўра қуйидагича:

1. *Аниқловчи боғловчилари: -ки (-ким), яъни.*
2. *Сабаб боғловчилари: чунки, шунинг учун.*
3. *Чоғиштирув боғловчиси: гўё, гўёки*
4. *Мақсад боғловчиси: токи.*
5. *Шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари: агар (гар), агарчи, гарчи, гарчанд, башарти, мабодо.*

### **Юкламалар**

Сўз ёки гапга қўшимча маъно қўшиш учун ишлатиладиган ёрдамчи сўзлар юкламалар дейилади.

Юкламалар тузилишига кўра икки хил:

1. Аффикс юкламалар: *-ми, -чи, -а (-я), -у (-ю), -оқ, -ёқ, -ку, -да, -дир, -гина (-кина, -қина)*
2. Сўз юкламалар: *фақат, ахир, ҳатто, ҳаттоки, ҳам, наҳот, наҳотки, худди, нақ.*

Юклама қўшимча маъно ифодалашига кўра қуйидагича:

1. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: *-ку, -у (-ю), -да, -оқ (-ёқ), ахир, ҳатто, ҳаттоки, ҳам.*
2. Сўроқ юкламалари: *-ми, -чи, -а (-я), наҳот, наҳотки.*
3. Айирув ва чегаралов юкламалари: *фақат, -гина (-кина, -қина).*  
Бир ва ёлғиз сўзлари фақат юкламаси ўрнида қўлланилади.
4. Аниқловчи юкламалари: *нақ, худди.*
5. Гумон юкламаси: *-дир.*

Юкламаларнинг ёзилиши қуйидагича:

1. *-ми, -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина), -дир* юкламалари сўзларга қўшиб ёзилади.
2. *-чи, -ку, -у (-ю), -а (-я), -да* юкламалари сўзлардан чизикча билан ажратиб ёзилади.



3. Сўз юкламалар алоҳида ёзилади.

### ***Модал сўзлар***

Сўзловчининг фикрга бўлган муносабатини ифодаловчи сўзлар модал сўзлар дейилади. Модал сўзлар морфологик жиҳатдан ўзгармайди, морфемаларга бўлинмайди. Модал сўзлар гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. Модал сўзлар гапнинг бирор бўлагига ёки бутун гапга тааллуқли бўлиб, гапда кириш сўз ҳисобланади. Шунинг учун гапнинг турли ўринларида келиб, бошқа бўлақлардан вергул билан ажратилади.

Модал сўзлар ҳам бошқа туркумлардан ўсиб чиққан. Масалан, *афтидан, ҳақиқатан, эҳтимол, чамаси, дарҳақиқат, дарвоқе* от туркумидан, *тўғри, шубҳасиз, табиий, сўзсиз, маълумки* кабилар сифат туркумидан, *албатта, умуман, зотан* равишдан ўсиб чиққан модал сўзлардир.

Модал сўзлар қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Фикрнинг аниқлигини билдиради: *албатта, шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, ҳақиқатдан, дарҳақиқат, табиий.*
2. Фикрнинг гумон, ноаниқлигини билдиради: *эҳтимол, чамаси, афтидан, балки, шекилли, чоғи.*
3. Афсусланиш, ажабланишни билдиради: *афсус, аттанг, ажабо, таассуф.*
4. Мавжудлик, тасдиқ ва инкорни билдиради: *бор, хўп, майли, йўқ.*
5. Фикрнинг тасдиғи ва яқунланишини билдиради: *менимча, фикримча, тўғри, демак, хуллас, жумладан, чунончи.*
6. Фикрнинг тартибини билдиради: *биринчидан, иккинчидан* каби.

*Бор, йўқ, эҳтимол, албатта, шубҳасиз, сўзсиз, майли, хўп* каби модал сўзлар сўз-гап сифатида қўлланилади.

### ***Ундов сўзлар***

Ҳис-ҳаяжон ва ҳайдаш-чақириш маъноларини билдирадиган сўзлар ундов сўзлар дейилади. Ундовлар ллуғавий маънога эга эмас. Улар гап

бўлаклари билан алоқага кирмайди, гап бўлаги бўлмайди. Ундовлар морфологик белгиларга эга эмас.

Ундовлар учун хос бўлган муҳим хусусият гап олдидан келиб, ҳис-хаяжон маъноларини кучайтиришдир.

Ундовлар маъно жиҳатидан икки хил:

1. Ҳис-хаяжон ундовлари: *о, оҳ, э, эй, эҳ, уҳ, уф, вой, дод, бе, ҳе, а, ҳа, оббо, ўху, аттанг, офарин, раҳмат, хайр, балли, вой-бўй, салом, баракалла, эвоҳ, ажабо, водариг.*
2. Ҳайдаш-чақириш ундовлари: *кишит, чух, бех-бех, баҳ-бах, пишт, иш, хих, ту-ту, хўш-хўш, тур* (итга), *чиги-чиги* ва бошқалар.

Айрим ундовлар кишиларнинг номи ўрнида ишлатилиб, мурожаатни ифодалайди: *ҳой, эй, э, ҳей, ҳай* каби.

Ундовлар тузилишга кўра содда: *уф, вой, дод; жуфт: эҳ-ҳе, вой-бўй, ҳай-ҳай, ў-ҳў, э-ҳа* ҳолда қўлланилади: Ҳой, биродар, туринг, шаҳарга келдик, деб уйғотиб қолди. (М.И)

Ундовлар гапда ундалма, сўз-гап, отлашганда эса от бажарадиган вазифаларда келади.

### **Тақлидий сўзлар**

Товушга, ҳаракат ва ҳолатга тақлидни билдирадиган сўзлар тақлидий сўзлар дейилади.

Тақлидий сўзлар маъно жиҳатидан икки хил:

1. Товушга тақлид билдирувчи сўзлар: *қарс-қурс, гурс-гурс, гун-гун, шиқ-шиқ, гумбур-гумбур, тап-туп, тапир, тупур, чуғур-чуғур, пиқ-пиқ, пиқир-пиқир, тарақ-туруқ.*

Товушга тақлид билдирувчи сўзлар уч хил:

а) инсонга хос товушга тақлид: *қиқир-қиқир, пиқир-пиқир, пиқ-пиқ, инга-инга, қақир-қуқур, қулт-қулт* ва бошқалар;

б) ҳайвонлар ва паррандаларга хос товушга тақлид: *миёв-миёв, вов-вов, ку-ку, чуғур-чуғур* ва бошқалар.

в) нарса ва предметларнинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган товушларга тақлид: *қасур-қусур, гун-гун, гумбур-гумбур*.

2. Ҳаракат ва ҳолатга тақлид билдирувчи сўзлар: *ялт-юлт, милт-милт, лип-лип, ланг, чурқ, гуж-гуж, дув-дув, жимир-жимир, лапанг-лапанг*.

Тақлидий сўзлар қўлланишига кўра якка: *пиқ, пиқир, шиқ, дув, ялт, тиқ, тиқир, тарс гумбур, гун, лип, тақ; жуфт: гир-гир, дув-дув, қулт-қулт* ҳолда қўлланилади.

Якка ҳолда қўлланадиган тақлидий сўзлар асосан этмоқ феъли билан боғланган ҳолда қўлланилади: *гун этди, шиқ этди*.

Тақлидий сўзлар гапда барча гап бўлаги вазифаларида келади.

Тақлидий сўзлардан от: *шалдироқ, қарсақ*; феъл: *гурилла, ловулла*; сифат: *ялтироқ* каби сўзлар ясалади.

### ***Морфологияга хос атамалар:***

*Ўзак қўшимча, сўз ясалиши, грамматик маъно, ўзакдош, сўз ясовчи, шакл ясовчи, сўз ўзгартирувчи, сўз таркиби, сўз туркумлари, от, (атоқли, турдош, жамловчи, аниқ, мавҳум (от), кўплик, эгалик, келишик), сифат (аслий сифат, нисбий сифат, сифат даражалари, оддий, қиёсий, орттирма (даража), сон (саноқ, тартиб, дона, чама, жамловчи, тақсим, каср, саноқ сўзлар), олмош (кишилик, кўрсатиш, ўзлик, сўроқ, белгилаш, бўлишсизлик, гумон), феъл (ўтимли, ўтимсиз, бўлишли, бўлишсиз, нисбат, замон, майл, шахс-сон, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи) равиш (ҳолат, пайт, ўрин, мақсад, сабаб, миқдор-даража) кўмакчи, кўмакчи от, боғловчи, юклама, модал сўз, ундов сўз, тақлидий сўз).*

### ***Синтаксис***

Синтаксис – грекча тузиш демақдир. Синтаксис сўзларнинг ўзаро бирикиши сўз бирикмалари, гап ва уларнинг грамматик хусусиятларини ўрганади.

Синтаксиснинг ўрганиш объекти сўз бирикмалари ва гапдир.

## **Сўз бирикмаси**

Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан маълум қонун-қоидалар асосида бирикиши сўз бирикмаси дейилади.

Сўз бирикмаси бир мураккаб тушунчани ифодалайди, таркибидаги сўзларнинг ҳар бири алоҳида гап бўлаги бўлиб келади. Масалан, **кенг кўча, катта уй**. Сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг боғланиши икки хил: **тенг боғланиш, тобе боғланиш**. Тенг боғланишли бирикмалар таркибидаги сўзлар тенг боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида боғланиб, бир хил гап бўлаги бўлиб келади. Масалан, **Ўктам ва Содик** бир синфда ўқийди.

Тобе боғланишли сўз бирикмасида бир сўз бошқасига тобе бўлади. Бундай боғланишларда ҳоким ва тобе сўз бўлади. Тобе сўз ҳоким сўзнинг маъносини аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади. Тобе боғланишли бирикмаларда сўроқ ҳоким сўздан тобе сўзга берилади. Масалан, **баланд уй** (қандай уй). Тобе бирикмаларда тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келади, тобе сўз узук тўлқинли ҳоким сўз **тире ва нуқта** шартли чизикчалар билан кўрсатилади.

Эга ва кесим боғланиши шаклан сўз бирикмасига ўхшаса-да, у сўз бирикмаси эмас, гап ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда фикр ифодаланади. **Келишик, эгалик қўшимчалари, кўмакчилар** тобе ва ҳоким сўзларни боғлаш вазифасини бажаради.

Ҳоким сўзнинг қайси сўз туркумига мансублигига кўра сўз бирикмалари икки хил:

### **1. Отли бирикма**

### **2. Феълли бирикма**

Ҳоким сўз **от, сифат, сон, олмош, равиш, ҳаракат номи** билан ифодаланса отли бирикма дейилади: **баланд тоғ, асалдан ширин, айтилганларнинг бари, болалардан бири** ва б.

Ҳоким сўз феъл, феълнинг равишдош ва сифатдош шакли билан ифодаланса феълли бирикма дейилади: **китобни ўқимоқ, уйга келгач, ишдан келган.**

Тобе бирикмалар тузилишига кўра икки хил: **содда бирикмалар, мураккаб бирикмалар.**

Содда бирикмалар таркибидаги сўзлар иккита бўлади: **катта бино, яхши бола.**

Мураккаб бирикмалар таркибида иккитадан ортиқ сўз бўлади: **қизил гули пиёла, кенг ҳовлили уй.** Бундай бирикмалар ўз ичида яна бирикмаларга бўлиниши мумкин: Масалан, **кенг ҳовли, ҳовлили уй.** Булар сўз бирикмалари занжири ҳисобланади.

Тобе сўз билан ҳоким сўзнинг боғланиши уч хил:

- 1. Бошқарув**
- 2. Мослашув**
- 3. Битишув**

Ҳоким сўз талабига кўра тобе сўзнинг бирон келишиқ қўшимчасини олиб келиши бошқарув дейилади.

Бошқарув икки хил: **келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув.**

Келишикли бошқарувда тобе сўз қаратқич келишигидан бошқа келишиқ қўшимчаларини олган ҳолда бирикади: **уйни кўрмоқ, дарсга келмоқ, уйда ўтирмоқ, ишдан қайтмоқ.**

Кўмакчили бошқарувда тобе ва бош сўз кўмакчилар ёрдамида бирикади: **тинчлик учун курашмоқ.**

Баъзан бошқарувли бирикмада тобе сўз қўшимчасиз бўлиши мумкин: **китоб ўқиш, шаҳар бориш.**

**Мослашув.** Тобе сўзнинг ҳоким сўзга қаратқич келишиги шаклида боғланиши мослашув дейилади. Мослашувда тобе ва ҳоким сўз шахс ва сонда мослашган бўлади. Тобе сўз олдин келиб, қаратқич келишиги қўшимчасини, ҳоким сўз кейин келиб, эгалиқ қўшимчасини олган ҳолда

боғланади: *унинг уйи, бизнинг боғимиз*. Тобе сўз қаратқич келишиги кашимчасисиз ҳам қўлланилади: *мактаб ҳовлиси, она меҳри*.

**Битишув.** Тобе сўзнинг ҳоким сўз билан қўшимчасиз, маъно жиҳатидан бирикиши битишув дейилади: *тиниқ сув, катта кўча, чиройли уй, тез юрмоқ*. Бундай бирикмаларда сўзнинг ўрни алмаштирилса, сўз бирикмаси гапга айланади: *тиниқ сув* (сўз бирикмаси), *сув тиниқ* (гап).

Битишувда тобе сўз сифат ва равиш, сифат вазифасида келадиган отлардан, ҳоким сўз эса от ва феъл туркумларидан бўлади.

**Сўз бирикмаси ва сўз.** Сўз ҳам сўз бирикмаси ҳам предмет, нарса, белги, ҳаракатни ифодалаш учун хизмат қилади. Сўз якка ҳолда луғавий маъно ифодаласа, сўз бирикмаси бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда предмет, нарса, белги, ҳаракатни ажратиб, аниқроқ қилиб кўрсатади. Масалан, *бола-яхши бола, китоб-ўқимишли китоб*.

**Сўз бирикмаси ва қўшма сўз.** Қўшма сўзнинг қисмлари ўз маъносини йўқотиб, биргаликда бошқа маъно ифодалайди. Сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар ўз маъносида қўлланилади. Шунинг учун қўшма сўз яхлит ҳолда бир сўроққа жавоб бўлади. Масалан, *музқаймоқ* (нима?)

Сўз бирикмалари таркибидаги сўзлар эса алоҳида сўроққа жавоб бўлади: *катта кўча (қандай кўча, нима катта)* каби.

Қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари баъзан шакл жиҳатдан мос келади: Каттақўрғон, Учқўрғон – жой номлари (қўшма сўз) *катта қўрғон, уч қўрғон* жойни ажратиб кўрсатиш – сўз бирикмаси.

**Сўз бирикмаси ва гап.** Грамматик алоқа асосида вужудга келадиган синтактик birlikлардар. Сўз бирикмаси тушунча ифодалаб, аташ вазифасини бажаради, гап эса фикр ифодалайди.

## **Гап**

Грамматик жиҳатдан шаклланган, оҳанг ва мазмун жиҳатидан нисбий тугалланган сўз ва сўзлар йиғиндиси гап дейилади: *Болалар шеърни ёд олишди*.

Гап муомала воситасининг энг кичик бирлиги.

Гапнинг асосий белгилари қуйидагилар:

1. Фикрий жиҳатдан нисбий тугалланганлик.
2. Грамматик шаклланганлик.
3. Эга ва кесим муносабатларига эгалик
4. Оҳанг жиҳатдан тугалланганлик.

### ***Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари***

Гаплар ифода мақсадига кўра: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гапларга бўлинади.

***Дарак гап*** бирор воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабарни билдиради. Ёзувда дарак гап охирида нуқта қўйилади. ***Боҳор келди. Иш қизиб кетди.***

Дарак гаплар ***дарак, хабар, истак, маслаҳат, ташвиқ, таажжуб, гумон, тасвир*** каби маъноларни билдириб, тасдиқ ёки инкор шаклларида қўлланилади. Дарак гапнинг кесими асосан ***фёълнинг аниқлик майли*** шаклида бўлиб, гап охирида оҳанг пасаяди.

***Сўроқ гап*** воқеа-ҳодиса ҳақида сўроқни билдиради. Сўроқ гаплар охирида сўроқ белгиси қўйилади. Сўроқ гаплар асосан диалог шаклида бўлади.

Сўроқ гаплар сўроқ оҳангига кўра уч хил: ***соф сўроқ гаплар, риторик сўроқ гаплар, сўроқ-буйруқ гаплар.***

***Соф сўроқ гаплар*** тингловчидан сўроққа жавобни талаб қилади. ***Исминг нима? Бугун уйда бўласанми?***

Риторик сўроқ гаплар сўроққа жавоб талаб қилмайди. Бундай гапларнинг мазмунидан жавоби англашилиб туради. Масалан, ***Онани ким севмайди?***

Риторик сўроқ гаплар кучли ҳис-ҳаяжлн билан айтилса, охирида сўроқ ва ундов белгилари қўйилади.

Сўроқ-буйруқ гапларда сўроқ маъноси билан биргаликда буйруқ маъноси ҳам англашилиб туради: ***Китобингни бериб тур?***

Сўроқ гаплар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. **Сўроқ юкламалари** - -ми, -чи, -а (-я) ёрдамида сўроқ гаплар ҳосил бўлади: *Эртага дарсга келасанми?* Сен-чи?
2. **Сўроқ олмошлари** сўроқ гаплар ҳосил қилади: *Ким гапирди? Қаерда яшайсан?*
3. Сўроқ гаплар фақат сўроқ оҳанги билан ҳосил бўлади. Масалан, Топшириқни бажардим. *Топшириқни бажардинг?*

**Буйруқ гап** буюриш, илтимос, маслаҳат маъноларини ифодалайди.

Буйруқ гаплар маъно жиҳатидан қуйидагича:

1. **Буйруқ, дўқ ифодалайди:** Қорангни кўрсатма?
2. **Илтимос, ялиниш ифодалайди:** Ҳазратим уни кечиринг (Ч.)
3. **Маслаҳат ифодалайди:** Етти ўлчаб, бир кес. (Мақол)

Буйруқ гапларда оҳанг кучли бўлса гап охирида ундов белгиси қўйилади. Буюрилган ишни ўз вақтида қил! Оҳанг кучсиз бўлса гап охирида нуқта қўйилади. Кўпинча маслаҳат маъноси ифодаланган буйруқ гаплар охирида нуқта қўйилади. *Ўқишга кирай десанг, кўп ўқи.*

Буйруқ гапларнинг кесими буйруқ майлининг II шахс шаклида бўлади. Баъзан III шахс шаклида ҳам келади. Шанбаликка ҳамма чиқсин. Дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар – ҳис-ҳаяжонсиз гаплар ҳисобланади. Ундов гаплар ҳис-ҳаяжонли гаплардир.

### **Ундов гап**

Кучли ҳис-ҳаяжон билан айтиладиган гап ундов гап дейилади. Масалан, *Ҳаёт қандай гўзал!*

Ундов гаплар дарак, сўроқ ва буйруқ гапларнинг ҳис-ҳаяжон билан айтилишидан ҳосил бўлади. Ундов гаплар охирида ундов белгиси қўйилади.

Ундов гапларда оҳангнинг роли катта. Ундов гаплар даъват, ундаш, тилак-истак, шодлик, тантана афсусланиш маъноларини ифодалайди.

Ундов гаплар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. **Ундов сўзлар ёрдамида:** О, гўзаллигини қара!
2. **Ҳис-ҳаяжон оҳанги ёрдамида:** Она! Меҳрибон она!



3. *Қандай, қанча, нақадар, наҳотки* сўзлари ёрдамида. Қандай жозибали куй!

Ундов гапларда сўроқ маъноси ҳам бўлса тиниш белгилар куйидагича кўйилади:

а) сўроқ мазмуни кучли бўлса олдин сўроқ, кейин ундов белгиси кўйилади: Нимага қакқайиб турибсан?!

б) Ҳис-ҳаяжон мазмуни кучли бўлса олдин ундов, кейин сўроқ белгиси кўйилади: Қани бу ерда инсоф, қани бу ерда адолат деган нарса!? (Ҳ.Ҳ.)

### ***Гапнинг тузилишига кўра турлари.***

Гаплар бир ёки икки грамматик асосдан (эга ва кесим) иборат бўлади. Шунга кўра гаплар иккига бўлинади: ***содда гаплар, қўшма гаплар.***

Содда гаплар битта грамматик асосдан иборат бўлади. ***Ўқтам Тошкентдан келди.*** Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ грамматик асосдан ташкил топади. ***Ўқитувчи келди ва дарс бошланди. Аввал ўйла, кейин сўйла.*** (Мақол).

Содда гаплар грамматик асоснинг (бош бўлақларнинг) иштирокига кўра икки хил:

1. ***Икки бош бўлакли гап.***

2. ***Бир бош бўлакли гап.***

Гапда эга ва кесим иштирок этса икки бош бўлакли гап дейилади. Масалан, ***Фотима келди.*** Гап асосидан бири (эга ёки кесим) иштирок этган гаплар бир бош бўлакли гап дейилади. ***Магазиндан китоблар олдик.*** Фақат эга ва кесимдан иборат бўлган гаплар ***йигиқ гап*** дейилади: ***Ёмғир ёғди, уй тинч.*** Гапда бош бўлақлардан ташқари, иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этса ***ёйиқ*** гап дейилади: ***Ёмғир кун бўйи савалаб ёғди.***

Содда гап фикр ифодалаш учун зарур бўлган бўлақларнинг иштирокига кўра икки хил: ***тўлиқ гап, тўлиқсиз гап.***

Фикр ифодалаш учун зарур бўлақларнинг ҳаммаси мавжуд бўлган гаплар тўлиқ гаплар дейилади. Зарур бўлақларнинг бир қисми туширилган бўлиб, уни олдинги гапдан англаш мумкин бўлган гап тўлиқсиз гап

дейлади. Масалан, *Сен бу китобни ўқидингми?* (тўлиқ гап). *Ўқидим* (тўлиқсиз гап). Тўлиқсиз гаплар асосан диалогик нутқ таркибида бўлади.

### ***Гап бўлаклари***

Муайян сўроққа жавоб бўлиб, бирор синтактик вазифа бажарувчи сўзлар гап бўлаклари дейлади. Гап бўлаклари бешта: *эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол*.

Эга ва кесим гапнинг грамматик асосини ташкил қилади. Шунинг учун улар бош бўлақлар. Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол кесимга эргашиб, уларни тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келади. Шунинг учун *иккинчи даражали бўлақлар дейлади*.

*Эга ва унинг ифодаланиши*. Эга фикрни кимга, нимага қарашлилигини билдириб, *ким, нима, кимлар, нималар, қаер* сўроқларидан бирига жавоб бўлади. *Болалар гапирди* (кимлар), *уй тинч* (қаер)

Эга бош келишиқдаги сўз билан ифодаланади:

*От билан: Болалар* китобни ўқишди.

*Олмош билан: Биз* томошага бордик.

*Сифат билан: Яхши* қанд едирар.

*Сон билан: Беш-ўннинг* ярми

*Ҳаракат номи билан: Ўқиш*-муҳим вазифа

*Сифатдош билан: Тиришган* тоғдан ошар.

*Тақлид сўз билан: Кимларнингдир шивир-шивири* эшитилди.

*Равиш билан: Кўндан* куён қутилмас

*Бирикма билан: Душманнинг бири ҳам* – кўп.

*Кесим ва унинг ифодаланиши*. Эга ҳақидаги хабарни билдириб, тасдиқ-инкор, замон, майл, шахс-сон маъноларини ифодаловчи бўлак кесим дейлади.

Гапни юзага келтириш, фикрни ифодалашда кесимнинг роли катта бўлиб, у гапнинг асосини ташкил қилади ва бошқа бўлақларни ўзига боғлайди. Кесим турли сўз туркумлари билан ифодаланади. Қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра кесим икки хил: *февъл кесим, от кесим*.

Феъл, феълнинг сифатдош, равишдош шакллари билан ифодаланган кесим феъл кесим дейилади. Масалан, Мажлис охирлаб қолди. Болалар завқланиб, ютуқларини айтиб беришди. У шаҳарга бугун етиб борган.

Феъл кесимлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Бир сўздан иборат бўлган кесим содда кесим: Меҳмонлар *тарқалишди*. Учрашув *тугади*. Икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлган кесим мураккаб кесимдир: Биз оғир кураш йўлини *босиб ўтдик*. Уруғлар *униб чиқди*.

Феълдан бошқа сўз туркумлари (от сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўз, модал сўз, ҳаракат номи) билан ифодаланган кесим от кесим дейилади:

От кесим қуйидагича ифодаланади:

**От билан:** Унинг дадаси - *ўқитувчи*.

**Сифат билан:** Бола болдан - *ширин*.

**Сон билан:** Икки ўн беш - *бир ўттиз*.

**Олмош билан:** Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим *сендадур*.

**Равиш билан:** Ҳали қиладиган ишлар *кўп*.

**Ҳаракат номи билан:** Ўқимоқ - *ўрганмоқ*.

**Модал сўз билан:** Сен билан менинг нима *ишим бор*.

От кесим ҳам тузилишига кўра сода ва мураккаб бўлади. Мураккаб от кесим икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ёрдамчи ёки кўмакчи феъл бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, Меҳнат билан топилган нон *ширин бўлади*. Яхшилиқ қилсанг, *яхшилиқ қолади* каби.

От кесим таркибида кесимни шакллантирувчи ва уни эга билан боғлаш вазифасини бажарувчи ёрдамчи, кўмакчи, тўлиқсиз феъллар, *керак, лозим, зарур, шарт* каби модал сўзлар боғлама дейилади. Масалан, Данагидан мағзи ширин бўлади. У ўша йилларда талаба *эди*. Энди ишимизни яхшилаш *керак*.

Эга билан кесим ўзаро шахс ва сонда мослашади: Мен ўқидим, Сен ўқидинг.

III шахсда феъл кесим ҳамма вақт шахс ва сонда мослашавермайди. Масалан, у ўқиди (эга ва кесим III шахс бирликда - мослашган), улар ўқиди

(эга кўпликда, кесим бирликда мослашмаган). Дарахтлар гуллади (эга кўпликда, кесим бирликда).

Эга билан кесимнинг мослашмаслиги қуйидагича:

1. Кесим *сифат, сон* билан ифодаланса эга кўпликда, кесим бирликда келади: *Боглар кўм-кўк*. Бу ерда *тўпланганлар мингта*.
2. Эга жамликни билдирган сўз билан ифодаланса, кесим бирликда бўлади. Масалан, *Халқ тўпланди. Ҳамма келди*.
3. Кесим ҳурмат маъносини билдирганда эга бирликда, кесим кўпликда келади. *Дадам келдилар*.
4. Эга жонсиз предметлар ва қушларни англатганда кўпликда келса ҳам кесим бирликда бўлади. *Дарахтлар гуллади. Қушлар сайради*.

Эга билан кесим орасида қуйидаги ҳолларда тире қўйилади:

1. Эга *от, олмош, сон* билан ифодаланиб кесимлик қўшимчасини олмаса: *Жаҳл-душман, Ақл-дўст, Бирники-бирга, Мақсадимиз – шу*.
2. Гапни эгаси ёки кесими ҳаракат номи билан ифодаланса. *Ўқиш-ўрганиш*.
3. Эга кўрсатиш олмоши билан ифодаланса. *Бу-ҳамма ишлардан қилинадиган хулоса*.
4. Эганинг маъноси таъкидлаб кўрсатилса. *Шулар-меҳнатда илғорлар*. Агар эга билан кесим орасида ҳам юклама келса, тире қўйилмайди. Масалан, *Булар ҳам меҳнатда илғорлар*.

Содда ва қўшма гаплар таркибида ҳам бир хилди маъно ифодаладиган *фёълнинг шахс-сон, замон шаклидаги фёъл кесимлар*, шунингдек, *боғламасиз ва боғламали от кесимлар мустақил кесимдир*.

Содда гап таркибида бошқа, қўшма гап таркибида бошқа маъно берадиган, фёълнинг шарт майли шакли - *са, -са эди, -ганда эди: У борса эди, Бу китобни ўқиганда эди* каби шакллари *номустақил кесимдир*.

## *Иккинчи даражали бўлақлар*

Гапда бош бўлақларга тобе бўлиб, уларни тўдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган бўлақлар иккинчи даражали бўлақлар дейилади.

Иккинчи даражали бўлақлар уч хил: *тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол*.

**Тўлдирувчи.** Гапнинг бирор бўлагига (асосан кесимга) бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдириб келувчи бўлақ тўлдирувчи дейилади. Бошқарувси сўзнинг талабига кўра тўлдирувчи қаратқич келишигидан бошқа келишик қўшимчаларини олиб келади. Масалан, Биз бадий *асарларни* севиб ўқиймиз. Бу бино *гишдан* қурилган. Ўқитувчи *болаларга* вазифа топширди каби.

Кўмакчи билан бошқарилаётган сўз ҳам гапда тўлдирувчи бўлиб келади. Эртага *болалар билан* суҳбатлашамиз. Тўлдирувчи от, отлашган сўзлар, тақлид ва модал сўзлар билан ифодаланади. Шунингдек бирикмали ҳолда ҳам қўлланилади: Масалан, Мен *уйга қандай келганимни* билмай қолдим. (О.)

Тўлдирувчи икки хил: *воситасиз тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи*.

Воситасиз тўлдирувчи *-ни* қўшимчаси билан шаклланиб, белгили ва белгисиз бўлади. *-ни* қўшимчаси мавжуд бўлган тўлдирувчи *белгили*: Сўз бойлиги *нутқни* ўстиради, *-ни* қўшимчаси тушиб қолса белгисиз тўлдирувчи: Сўз бойлиги *нутқ* ўстиради.

Воситали тўлдирувчи тушум ва қаратқич келишикларидан бошқа келишик қўшимчаларини олади ёки, *учун, билан, орқали, тўғрисида, хусусида* кўмакчилари билан шаклланади. Масалан, Унинг кўзларида шодлик кўрдим. *Яхшидан* от, *ёмондан* дод (Мақол). Бу китобни *укам учун* олдим.

**Аниқловчи.** Предметнинг белгисини билдирадиган, кимга, нимага қарашлилигини аниқлатадиган бўлақ аниқловчи дейилади.

Аниқловчи эга, кесим, тўлдирувчи ва ҳолга боғланади. От ёки отлашган сўзлар билан бирикади.

Аниқловчи икки хил: *сифатловчи аниқловчи, қаратқичли аниқловчи*.

Сифатловчи аниқловчи предметнинг белги-хусусиятини (ранги, ҳажми, шакли, мазаси, миқдори)ни билдириб асосан **сифат билан**: қизил гул, яхши бола, кенг хона; **сифат вазифасидаги от билан**: олтин япроқ, кумуш қиш, зумрад баҳор, тахта кроват, пўлат пичоқ; **олмош билан**: бу киши, бутун халқ, ўша кун; **сон билан**: икала ўртоқ, учта китоб; **сифатдош билан**: ўқиган бола, шивирлаган овоз, шунингдек, равиш, модал ва тақлид сўзлар билан ифодаланади.

**Қаратқичли аниқловчи** шахс ёки предметнинг бошқа бирор шахс ёки предметга қарашли эканлигини билдиради. Аниқловчининг бу тури қаратқич келишиги қўшимчасини олади. Келишик қўшимчасини олган сўз **қаратқич**, эгалик қўшимчасини олган сўз қаралмиш дейилади: **мактабнинг боғи, уйнинг эшиги**.

Қаратқич билан қаралмиш мослашув йўли билан қуйидагича бирикади:

1. Қаратқич ҳам қаралмиш ҳам белгили: **китобнинг варағи, шоирнинг шеъри**.
2. Қаратқич белгисиз, қаралмиш белгили: **ватан ишқи, она меҳри**.
3. Қаратқич белгили, қаралмиш белгисиз: **бизнинг оила**.

Қаратқичли аниқловчи от ва отлашган сўзлар билан ифодаланади.

Аниқловчининг алоҳида бир тури **изоҳловчи** бўлиб, у шахс ёки нарсани бошқа ном бериш орқали аниқлайди. Изоҳловчи асосан от билан ифодаланиб, **кишининг касби, унвони, мансаби, амали, лақаби, таҳаллуси, ёши, жинси** ва ўхшашликни билдиради. Изоҳловчи боғланган сўз изоҳланмиш дейилади. Масалан, **шоир Усмон Азим, профессор Бегматов, врач Хурсандов, директор Холматов, Шермат шапалоқ, Муҳаммад чатоқ, Зокиржон Фурқат, ўғил бола, она-диёр** каби.

**Ҳол**. Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, пайтини, сабаби, мақсади, миқдор-даражасини билдирадиган бўлак ҳол дейилади.

Ҳол феъл кесимга боғланиб, асосан равиш билан, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги отлар, равишдош, ва сифатдош ҳаракат номи ва тақлид сўзлар билан ифодаланади.

Ҳол маъносига кўра қуйидагича: **равиш (тарз) ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, миқдор-даража** ҳоли.

**Рапиш ҳоли** ҳаракатнинг қай тарзда, қай ҳолатда бажарилишини билдириб, **қандай, қай тарзда** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Масалан, болалар **ёнма-ён** ўтирди. Ҳамма **гуриллаб** кулиб юборди.

Рапиш ҳоли ҳолат равишлари, равишдош, от, сифат, сифатдош, тақлид сўзлар билан ифодаланиб, кесимга битишув йўли билан боғланади: **тез юрмоқ, ўқитувчи бўлиб ишламоқ, ёнма-ён ўтирмоқ, гулиб гапирмоқ, гуж-гуж ўсмоқ.**

**Ўрин ҳоли** ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерга** сўроғига жавоб бўлади. Ўрин ҳоли ўрин равишлари: **у ер, бу ер, шу ер;** жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишигидаги ўрин отлари: **уйда, мактабдан, кўчага,** ва кўмакчи отлар билан ифодаланади: **уйинг ичида, бино олдида** каби.

**Пайт ҳоли** ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон** сўроғига жавоб бўлади. Мажлис **эртага** бўлади. Пайт ҳоли пайт равишлари ва от билан ифодаланади: **бугун, эрта, ўтган йил, уч кун** каби.

**Сабаб ҳоли** ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдириб, **нима учун, нима сабабдан** сўроқларига жавоб бўлади: **У шодлигидан** қичқириб юборди.

Сабаб ҳоли сабаб равишлари **-лик, -сизлик** қўшимчаларини олган отлар, **-гани** қўшимчали сифатдош ҳамда **учун, сабабли,** туфайли кўмакчилари орқали ифодаланади: **яхшилигидан, уқувсизликдан, китоб олгани, ўқигани учун** каби.

**Мақсад ҳоли** ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдириб, **нима учун, нима мақсада** сўроқларига жавоб бўлади: **Китоб олгани** магазинга кирдим. Мақсад ҳоли мақсад равишлари, **-гани** қўшимчали равишдош, шунингдек феълдан кейин, **учун, деб, мақсадида** сўзларини келтириш билан ҳосил бўлади: **Ўқиш учун** келмоқ, **ишлаш мақсадида** юрмоқ каби.

**Миқдор даража ҳоли** ҳаракатнинг бажарилиш миқдорини, даражасини билдириб, **қанча, неча** сўроқларига жавоб бўлади: **кўп гап, оз иш**.

Миқдор-даража ҳоли **миқдор-даража равишлари**, шунингдек **сон** ва **марта** сўзларини келтириш билан ҳосил бўлади: Уни **бир-икки марта** кўрганман каби.

### **Гап бўлаклари тартиби**

Ўзбек тилида гап бўлаklarининг тартиби эркин. Бироқ гап бўлаklarининг жойлашиши маълум грамматик қоидалар асосида бўлади. Грамматик қоидалар бўйича эга гапнинг бош қисмида, кесим эса охириги қисмида келади. Шунга кўра эганинг гап бошида, кесимнинг гап охирида, тўлдирувчи ва ҳолнинг кесимдан олдин, аниқловчининг аниқланмишдан олдин (катта кўча, чиройли бино) келиши асосий меъёр ҳисобланади.

Маълумки, баъзи ҳолатларда гап бўлаklarининг бу тартиби ўзгаради. Масалан,

Чиройлидир гўё ёш келин,

Икки дарё ювар кокилин (Х.О.)

Ўзбекистон ватаним маним (А.О.)

Бу ҳолат инверсия (гап бўлаklarининг ўрин алмашиши) деб юритилади ва услуб талаби билан асосан бадиий адабиётларда ва оғзаки нутқда қўлланилади.

### **Гапнинг уюшиқ бўлаklари**

Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажарадиган бўлаklar уюшиқ бўлаklar дейилади.

Уюшиқ бўлаklar тенг боғловчилар ҳамда тенгланиш оҳанги билан боғланади.

Масалан, Боғимизда ўрик, олча, шафтоли гуллади. Бу гапдаги ўрик, олча, шафтоли бир хил сўроққа (нима?) жавоб бўлиб, бир гап бўлаги (эга) вазифасида келган.

Гапда барча гап бўлаги уюшиб келиши мумкин. Уюшиқ бўлаklar мавжуд **гаплар мураккаб содда гап** дейилади.



**Уюшган эга.** Бир содда гап таркибида бирдан ортиқ эга кетма-кет келса уюшган эга дейилади. Уюшган эгалар боғловчилар ва оҳанг билан боғланади. Йиғилишда **ўқитувчилар ва ўқувчилар** қатнашди.

**Уюшган кесим.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ кесим кетма-кет келса уюшган кесим дейилади. Биз **ўқиймиз, ишлаймиз** ва **дам оламиз** (фёъл кесим) Сен **қуйчи, пахтакор, олим**, Юлдузлар илмини билган мунажжим (/./.) (от кесим уюшган).

**Уюшган тўлдирувчи.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ тўлдирувчи кетма-кет келса уюшган тўлдирувчи дейилади. Шанбаликда **ариқларни, кўчаларни** тозаладик.

**Уюшган аниқловчи.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ аниқловчи кетма-кет келса уюшган аниқловчи дейилади. Улар **нафис ва хушбўй** гуллардан теришдилар.

**Уюшган ҳол.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ ҳол кетма-кет келса уюшган ҳол дейилади. Болалар **қувноқ, шод ва бахтиёр** эдилар. Уюшиқ бўлаклар бошқа бўлаклар билан келиб, ёйиқ ҳолда бўлиши мумкин. Масалан, Хирмонга **катта йўлдан ёки уватдаги ёлғизоёқ йўлдан** борилади.

Уюшган бўлаклар жуфт ҳолда ҳам бўлади. Баъзи болалар **ақли ва билимли, камгап ва камсуқум** бўладилар. Уюшиқ бўлакларда қўшимчалар ҳар бир сўзга шунингдек охирги сўзга қўшилиши мумкин. Биз **тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни** севамиз.

Уюшиқ бўлаклар баъзан умумлаштирувчи сўзлар билан келади. Бундай сўзлар уюшиқ бўлакларнинг маъносини умумлаштириб, улар билан биргаликда бир хил сўроққа жавоб бўлади. Умумлаштирувчи сўз вазифасида кўпинча **жамловчи олмошлар, от, сон, фёъл** шунингдек сўз бирикмалари келади.

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлакдан олдин келса, умумлаштирувчи сўздан кейин икки нукта қўйилади. **Болаларнинг барчаси:** Комил, Ўткир, Зокир аълочи ўқувчилар. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлакдан кейин келса,

ундан олдин тире қўйилади. Болалар ҳам, катталар ҳам-**ҳамма** бир сафда турарди.

Уюшган эгалар кесим билан қуйидагича боғланади.

1. Эга жонсиз предметни билдирса кесим бирликда келади. Боғимизда турли мевалар: ўрик, олча, гилос ғарқ пишган.
2. Эга ҳар уч шахсни кўрсатса, кесим I шахс кўпликда бўлади. Мен, сен ва Олим саёҳатга борамиз.
3. Эга II, III шахсни ифодаласа, кесим II шахс кўпликда бўлади. Мажлисга сен ва Сардор боринглар.

### ***Гапнинг ажратилган бўлаклари***

Ўзига алоқадаор бўлган бўлакнинг маъносини изоҳлаб, таъкидлаб келадиган бўлак ажратилган бўлаklar дейилади. Улар ёзувда бошқа бўлаklarдан вергул, тире, баъзан қавс билан ажратилади.

Гап бўлаklarининг барчаси ажратилган ҳолда қўлланилади ва ўзига тегишли бўлган бўлакдан кейин келади. Ажратилган эга ўзидан олдинги эгани изоҳлайди. Орқада тика турган ёшгина **йигит, Мамадали**, ўзини одамларнинг орасига олди. (А.Қ.)

***Мен-Рустам*** полвон уни кечиролмайман.

Ажратилган кесим ўзидан олдинги кесимни изоҳлайди. Мен уни ***биламан – кўнмайди***.

Ажратилган тўлдирувчи ўзидан олдинги тўлдирувчини изоҳлайди. Бу хабар ***кўпларни, болаларни*** ҳам қувонтиради.

Ажратилган аниқловчи ўзидан олдинги аниқловчини изоҳлайди. Батрак эдинг, ***юпун, яланг оёқ***. (О.) ***Мусобақа илгорларининг, футбол командаси аъзоларининг*** келишини ҳамма кутарди.

Ажратилган ҳол ўзидан олдинги ҳолни изоҳлайди. ***Пастда, дарё бўйида*** сизларни кутиб тураман.

Ажратилган бўлаklarнинг таркиби кенг бўлса ёки ўз ичида вергул бўлса, бундай бўлаklar тире билан ажратилади. Энди ***одамлар-отлиқ, ниёда, ёшқари***, учрай бошлади. (О.)

Ажратилган бўлақлар гап охирида кенгайиб келса, ундан олдин тире қўйилади. Болалаларнинг ҳаммаси одобли-*ёқимли, хушфелъ.*

### ***Гап бўлақлари ҳисобланмайдиган сўз ва бирикмалар***

Гап таркибида қатнашиб, гапдаги бошқа бўлақ билан муносабатга киришмайдиган, яъни грамматик жиҳатдан боғланмайдиган сўзлар гап бўлақлари ҳисобланмайдиган сўзлардир. Улар фақат маъно жиҳатидан матнга боғлиқ бўлади ва ёзувда вергул, тире ва қавс билан ажратилади. Булар ***ундалма, кириш сўз, киритма гаплардир.***

### ***Ундалма***

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ва предметни билдирадиган сўзлар ундалма дейилади. Ундалмалар бош келишидаги от ёки отлашган сўзлар орқали ифодаланиб, фикрга тингловчининг диққатини қаратиш вазифасини бажаради.

Асосан ***шахс отлари, қариндошлик, ҳунар, касбни билдирувчи сўзлар ундалма*** бўлиб келади. Қани менга қара, ***Маржона.*** Шунингдек, ***ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсаларни*** билдирувчи сўзлар ҳам ундалма бўлиб келади. Сен булбулсан, булбулларни маст қилақол, ***булбулим.*** (А.О.) Ундалмалар гапнинг турли ўринларида келиб, бошқа бўлақлардан вергул билан ажратилади.

Ундалма асосан II шахсга қаратилган бўлиб, ундалмали гапнинг кесими биринчи ва иккинчи шахсда бўлади. Дўстлар, ***вада бераман.*** Баҳор, кетма ***бизнинг боғлардан.*** (қўшиқ) Ундалмалар эгага ўхшайди, бироқ таркибида ундалма бўлган гапларда эга тушиб қолган бўлади.

Ундалмалар бир сўздан иборат бўлса, ***ёлғиз ундалма,*** бир неча сўздан иборат бўлиб, ўзига қарашли аниқловчи билан келса ***ёйиқ ундалма дейилади.*** Айланай меҳмон, кимдан хафа бўлиб турдингиз. (Ч.) Ундалмалар уюшиб келиши мумкин.

***Муҳайё, Сурайё, Раъно, Муқаддас,***

***Кўзимни ёндириб кийибсиз атлас (Х.С.)***

Ундалмалар алоҳида оҳанг билан ажратилиб айтилса, улардан кейин ундов белгиси қўйилади. Ҳой, *бўрилар!* Сўзларингдан қайт. (Ҳ.)

### ***Кириш сўз ва киритма гап***

Сўзловчининг ўзи баён этган фикрга муносабатини билдирадиган сўзлар кириш сўзлар дейилади. Кириш сўзлар ҳам гапнинг турли ўринларида келиб, бошқа бўлақлардан вергул билан ажратилади. Масалан, *Дарҳақиқат*, кўрик ва бўз ерлар поёнсиз эди. (Ш.Р.)

Кириш сўзлар биргина сўздан иборат бўлса содда, сўз биркmalари, кенгайган бирикмалар билан ифодаланса, мураккаб бўлади. Меҳмон эртага кетади шекилли, кузатмаймизми? (Т.Мал.)

Кириш сўзлар қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ишонч ва тасдиқни: *албатта, сўзсиз, шубҳасиз, дарҳақиқат, ҳақиқатан ҳам.*
2. Гумонни: *эҳтимол, балки, шекилли.*
3. Ачинишни: *афсус, аттанг, бахтга қарши.*
4. Фикрга муносабатни: *менимча, сенингча, фикримча, айтишларича.*
5. Фикрнинг тартибини: *биринчидан, иккинчидан.*
6. Фикрнинг олдинги фикрга боғлиқлигини: *демак, хуллас, умуман, шундай қилиб, шунингдек, аксинча, асосан.*

Сўзловчининг асосий фикри ичида айтган қўшимча фикрини англатувчи гап *киритма* гап дейилади. Киритма гап асосан фикрни тўлдириш, унга изоҳ бериш учун ишлатилиб, вергул билан ажратилади. Биз, *синф раҳбаримиз айтди*, дарсларга пухта тайёрланишимиз керак.

Агар кириш гап ёйиқ бўлса тире билан ажратилади ёки қавс ичига олинади. Масалан, «Ўтган кунлар» романи (*сиз бу роман асосида кинофильмни кўргансиз*) жуда қизиқарли асар.

### ***Бир бош бўлакли гаплар***

Сода гаплар эгали ёки эгасиз бўлади. Масалан, Дам олиш куни саёҳатга борамиз гапида бита бош бўлак-кесим (борамиз) қатнашган. Иккинчи бош бўлак-эга гап таркибида иштирок этмаган.

Эгаси мавжуд бўлган гаплар ***шахсли гаплар***: Ҳар Ким эжканини ўради.

Эгаси мавжуд бўлмаган гаплар ***шахссиз гаплардир***: Нима эжсанг, шуни ўрасан. (Мақол)

Эгаси мавжуд бўлмаган гапларнинг қуйидаги турлари бор.

1. Эгаси (шахси) маълум гаплар.
2. Эгаси (шахси) номаълум гаплар.
3. Эгаси (шахси) умумлашган гаплар.
4. Эгасиз (шахсиз) гаплар.
5. Атов гап.

***Эгаси (шахси) маълум гап.*** Кесими орқали эгаси топиладиган гаплар эгаси маълум гап дейилади. Бундай гапларнинг кесими I ва II шахс шаклида бўлади. Биргалашиб дарс ***тайёрлаймиз***. Бу ишни ***уддалайсиз***.

***Эгаси (шахси) номаълум гап.*** Кесими орқали эгаси аниқ кўрсатилмайдиган гаплар шахси номаълум гап дейилади. Бу хилдаги гапларда ҳаракат кимлардир томонидан бажарилади лекин уни аниқлаб бўлмайди. Шахси номаълум гапларни кесими III шахснинг кўплик шаклида ёки феълнинг биргалик нисбатида бўлади. Масалан, Бу ишни ***бажармай қўймайдилар***. Айтганларингни сўзсиз ***бажаришади***.

***Эгаси (шахси) умумлашган гап.*** Мазмунан ҳар учала шахсга қаратилган гаплар эгаси умумлашган гап дейилади. Эгаси умумлашган гапларнинг кесими буйруқ майлида бўлади. Аввал ***ўйла***, кейин ***сўйла***. Етти ***ўлчаб, бир кес***. Ҳурмат ***қилсанг***, ҳурмат кўрасан. Кўпинча халқ мақоллари эгаси умумлашган гап шаклида бўлади.

***Эгасиз (шахссиз) гаплар.*** Умуман эгаси бўлмайдиган, гап маъносидан ҳам англашилмайдиган гаплар эгасиз гаплар дейилади. Эгасиз гапнинг кесими икки ёки ундан ортиқ сўзлардан таркиб топиб, кесим таркибида

*бўлади, бўлмайди, тўғри келади*, борилади каби сўзлар иштирок этади. Масалан, Энди кўпроқ ўқишга *тўғри келади*. Бу сувни ичса бўлади. Ойни этак билан *ёпиб бўлмайди*. (Мақол).

Тракибида эгаси бўлмаганлиги учун *шахси номаълум гаплар, атов гап ва сўз гаплар* эгасиз гапга киритилган.

*Атов гап*. Бош келишиқдаги от ёки отлашган сўз билан ифодаланиб, мавжудликни билдирадиган гаплар атов гап дейилади. Бундай гапларда фикрнинг нисбий тугалланганлиги оҳанг орқали юз беради. Атов гаплар битта сўздан ёки иккита сўздан (аниқловчили) ташкил топиб, ундан кейин шу гапни тўлғазувчи иккинчи гап келади. *Кеч*. Водийга қоронғулик чўккан. (О.Ё.) Атов гапларда ҳис-ҳаяжон кучли бўлса, атов гаплардан кейин, ундов белгиси қўйилади. *Кўклам!* Нега шамол келмас юксак тоғлардан? (/./.)

### *Сўз - гап*

Сўз-гап содда гапларнинг ўзига хос алоҳида кўринишидир. У биргина сўздан иборат бўлиб, умуман бўлақларга ажралмайди. Сўз-гаплар тасдиқ, инкор, сўроқ ёки ҳис-ҳаяжон кабиларни ифодалайдиган сўзлар бўлиб, муомала нутқида тез-тез қўлланилиш асосида гапга айланиб қолган.

Қуйидаги сўзлар сўз-гап вазифасида келади:

1. Тасдиқ ва инкор билдирувчи сўзлар: *албатта, ҳа, дуруст, майли, яхши, рост, бўлади, хўп* (тасдиқни), *йўқ, асло, ҳеч* (инкорни)
2. Сўроқни билдирувчи сўзлар: *наҳотки, ростми, нима?*
3. Ҳис-ҳаяжонни билдирувчи сўзлар: *раҳмат, офарин, балли, баракалла, узр, хайр, қуллуқ, ташаккур, тасанно, салом алайкум, марҳамат, хуш келибсиз* каби.

### *Қўшма гап*

Икки ёки ундан ортиқ сода гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан ташкил топган гаплар қўшма гап дейилади. Қўшма гаплар қисмларининг миқдорига кўра икки хил: *оддий қўшма гап, мураккаб қўшма гап*.

Бирдан ортиқ содда гапнинг ўзаро мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан оддий қўшма гаплар ҳосил бўлади. Масалан, Икромжон бошини кўтариб уни кўрдию, машаққат билан ўрнидан турди. (С.А.)

Оддий қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг боғланишига кўра 3 хил.

1. **Боғланган қўшма гаплар**
2. **Тобе гапли қўшма гаплар**
3. **Боғловчисиз қўшма гаплар.**

Оддий қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади.

1. **Тенг боғловчилар ёрдамида:** Болалар келди **ва** дарс бошланди.
2. **Боғловчи юкламалар ёрдамида:** Шу онда қаттиқ қарсақ **чалиндию**, ҳамма ўрнидан турди. (А.Қ.)

Бу икки восита билан бириккан қўшма гаплар боғланган қўшма гапни ҳосил қилади.

3. **Эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида.** Қаландар бошини **кўтариб**, жавонларга узоқ тикилди. (О.Ё.)
4. **Нисбий сўзлар ёрдамида.** **Нима** эксанг, **шуни** ўрасан (Мақол)

Қўшма гап таркибини ўзаро боғлашда биринчи гапда иштирок этадиган сўроқ олмошлари: **ким қаер, қаерда, қанча, қачон, қайси** иккинчи қисмда иштирок этадиган кўрсатиш олмошлари: **у, шу ер, ше ерда, шунча, ўша вақтда, ўша** сўзлари нисбий сўзлардир.

Бу воситалар ёрдамида тобе гапли қўшма гаплар боғланади.

5. **Оҳанг ёрдамида.** Юрт тинч-сен тинч. Оҳанг ёрдамида боғловчисиз қўшма гаплар боғланади.

**Боғланган қўшма гап.** Содда гапларнинг ўзаро тенг муносабатлар асосида боғланишидан ташкил топган гаплар боғланган қўшма гаплар дейилади. Масалан, Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. Улар гоҳ дам олишади, гоҳ китоб ўқишади.

Таркибидаги содда гапларни қайси боғловчилар билан боғланишига кўра боғланган қўшма гаплар қуйидагича:

1. *Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.*
2. *Зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.*
3. *Айирув боғловчили боғланган қўшма гап.*
4. *Инкор боғловчили боғланган қўшма гап.*

*Бириктирув боғловчили* боғланган қўшма гаплар *ва, ҳамда* боғловчилари ёрдамида боғланади. Ёз келди ва мевалар фарқ пишди. Бу боғловчилар ўрнида *-у, -ю, -да* юкламалари ҳам қўлланилади. Ёз *келдию*, мевалар фарқ пишди.

*Зидлов боғловчили* боғланган қўшма гаплар аммо, лекин, бироқ боғловчилари, *-у, -ю* юкламалари орқали боғланади. Осмонни қора булут қоплади, аммо ёмғир ёғмади. Ёзувда зидлов боғловчиларидан олдин вергул қўйилади.

*Айирув боғловчили* боғланган қўшма гаплар *ё, ёки, ёхуд, гоҳ, баъзан, дам* боғловчилари ёрдамида боғланади. Гоҳ осмонни қуюқ булут қоплайди, гоҳ қуёш чарақлаб кетади. Бу боғловчилар такрорланган ҳолда қўлланилади ва такрор қўлланган боғловчидан олдин вергул қўйилади.

#### *Тобе гапли қўшма гап*

Содда гапларнинг мазмун жиҳатидан бирини иккинчисига эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида тобеланиш асосида боғланишидан тузилган гаплар тобе гапли қўшма гап дейилади.

Тобе гапли қўшма гаплар тобе гап ва ҳоким гаплардан тузилган.

Ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапга тобеланмаган гап-*ҳоким* гап, ҳоким гапга тобеланиб, уни изоҳлаб келадиган гап *тобе гап* дейилади.

Тобе гапнинг кесими мазмунан тугалланмаган, ҳоким гапнинг кесими мазмунан тугалланган бўлади. Масалан, Тонг ёришган, йўловчилар йўлга тушдилар. Бу гапдаги *тонг ёришгач*-мазмунан тугалланмаган-тобе гап, *йўловчилар йўлга тушдилар*-мазмунан тугалланган - ҳоким гапдир.



Тобе гап ҳоким гапга *чунки, шунинг учун, шу сабабли, деб, гўё, худди, гарчи, мабодо, агар, натижада, оқибатда, -ки(ким),* боғловчилари, ҳамда – *б, -иб, -гач, -гунча, -ган(да), -са* боғловчи воситалари ёрдамида боғланади.

Тобе гап гапнинг барча ўринларида кела олади. Тобе гапнинг қуйидаги турлари мавжуд: *эга тобе гап, кесим тобе гап, тўлдирувчи тобе гап, аниқловчи тобе гап, ҳол тобе гап (пайт тобе гап, ўрин тобе гап, сабаб тобе гап, мақсад тобе гап, шарт тобе гап, тўсиқсиз тобе гап, натижа тобе гап, ўхшатиш тобе гап, равиш тобе гап).*

*Эга тобе гап* ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган эгани изоҳлайди. Эга тобе гап ҳоким гапга қуйидагича боғланади:

1. Тобе гапнинг кесими феълнинг шарт майли қўшимчаси –*са* шаклини олади. Бундай ҳолда тобе гап таркибида *ким, кимки* олмошлари, ҳоким гап таркибида *у, ўша, ўзи* олмошлари қатнашади. *Ким* кўп ўқиса, *у ўз* ниятига етади.

Баъзан шарт майли қўшимчаси –*са* ўрнида –*р, -ар,* экан шакли қўлланилади: *Ким ёлғон гапирар экан,* у бошқалар назаридан қолади.

2. Эга тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади. Ҳоким гапнинг кесими *сифат туркумидаги сўздан ёки бор сўзи* билан ифодаланади. Ҳоким гап таркибида *шу* олмоши қатнашади: Шу нарса аёнки, ўқимасдан ўзлаштириб бўлмайди.

*Кесим тобе гап* ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган кесимни изоҳлайди. Ҳоким гап олдин, тобе гап кейин келиб, ҳоким *гапнинг кесими шу, шунда, шундай* сўзлари билан ифодаланиб, *-ки* боғловчиси орқали боғланади: Ютуғимиз *шуки* барча топшириқлар бажарилди.

*Тўлдирувчи эргаш гап* ҳоким гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчини изоҳлайди.

1. Ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида *шунки, шунга* олмошлари бўлади, тобе гапга –*ки* боғловчиси ёрдамида боғланади: *Шунки* яхши билингки, ҳар нарсани ўз ўрни бўлади.

Тўлдирувчи тобе гап баъзан қўлланмаган тўлдирувчини ҳам изоҳлайди:  
Мен истайманки, олам нурларга тўлаверсин.

2. Тобе гап олдин келиб, унинг кесими –*са шарт* майли шаклида бўлади. Тобе гапда *ким, кимки, нима* олмошлари ҳоким гапда тўлдирувчи вазифасидаги *у, ўша, ўзи* олмошлари бўлади. Масалан: *Нимани* эксанг, *ўшани* ўрасан. *Кимки* бўлса дилозор, *ундан* элу юрт безор (Мақол).

*Аниқловчи тобе* гап ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган аниқловчини изоҳлайди. Аниқловчи тобе гап бош гап билан қуйидагича боғланади.

1. Тобе гап олдин келиб, унинг таркибида *ким, кимки, кимнинг* олмошлари, ҳоким гап таркибида *у, унинг, ўшанинг* олмошлари бўлади, - *са* қўшимчаси ёрдамида боғланади. Масалан: *Кимнинг* кўнгли тўғри бўлса, *унинг* йўли ҳам тўғри бўлади.
2. Тобе гап таркибида *қандай, қайси* олмошлари, ҳоким гап таркибида *шу, ўша, шундай, бундай* сўзлари қатнашиб, -*са* қўшимчаси ёрдамида боғланади: Оилада ота-она *қандай бўлса*, бола ҳам шундай бўлади.
3. Ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида *шундай, баъзи* сўзлари тобе гап таркибида *унинг, улар, бу, бундай* сўзлари қатнашади –*ки* боғловчиси ёрдамида боғланади: *Шундай одамлар бўладики*, уларнинг ҳурмати жойига қўйиш бурч ҳисобланади.

Баъзан олмошлар ҳар икала гапда ҳам тушиб қолиши мумкин. Одам борки, одамларнинг нақшидир (Навоий).

*Пайт тобе гап* ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради.

1. Тобе гап олдин келиб, унинг кесими –*гач (-қач, -қач) –гунча (-қунча -қунча)* қўшимчали равишдошлар билан ифодаланади: Болалар келгач, иш бошланиб кетди. Кун ботгунча, қизғин суҳбат давом этди.

2. Тобе гапнинг кесими *–ган(да), -ган (дан), буён, бери, сўнг, кейин* сўзлари орқали ифодаланади. Ўқиш тугаганда, дам олишга чиқилади. Тонг ёришгандан сўнг йўлга чиқамиз.
3. Тобе гапнинг кесими *–и, (-иш)* кўшимчали *ҳаракат номи* ва *билан* сўзи орқали ифодаланади. Баҳор *келиши билан* кунлар исий бошлади.
4. Тобе гапнинг кесими *–б (-иб)* кўшимчали равишдош орқали ифодаланади. Тонг ёришиб, кўча ҳаракати бошланди.
5. Тобе гапнинг кесими *–май* кўшимчали сўз билан ифодаланади: Иш тугамай, ҳеч кимга рухсат йўқ.

**Ўрин тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради.

Тобе гап кесими шарт майли *(-са)* шаклида бўлиб, таркибида *қаерга, қаерда, қаердан*, ҳоким гап таркибида *у ерга, шу ерга, у ерда, шу ерда, ўша ерда* сўзлари қатнашади: Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади.

**Сабаб тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради.

1. Тобе гап олдин келиб, унинг кесими *–ган* кўшимчали сўз ҳамда *учун, сабабли, туфайли* сўзлари орқали ифодаланади. Дам олишга бормаганим учун, дўстларим хафа бўлишди.
2. Тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, унга *чунки, шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли* боғловчилари орқали боғланади. Тун жуда ёруғ эди, шунинг учун саёҳатчилар юришни давом эттирдилар.

**Мақсад тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг нима мақсадда бажарилганини билдиради.

Тобе гап ҳоким гапга *деб, учун, токи* сўзлари орқали боғланади. Одамлар яшасин деб, тинчликка имзо чекдим. (./.)

Хонани шамоллатиш учун, деразаларни очиб қўйдик.

**Шарт тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради.

1. Шарт тобе гап ҳоким гапга феълнинг шарт майли шакли (*-са*) орқали боғланади: Сув келтирса чўлу саҳролар бўстонга айланади. Шарт маъносини кучайтириш мақсадида баъзан шарт тобе гап таркибида *агар, мабодо, башарти* сўзлари қўлланилади. Агар бу ишларни аъло бажарсак, кўзлаган мақсадга эришамиз.
2. Шарт тобе гап ҳоким гапга *-ган (-да)* шакли орқали боғланади: Сен бўлмаганда, мен нима ҳам қилардим.

**Тўсиқсиз тобе гап** мазмунан ҳоким гап мазмунига зид бўлса ҳам, унда ифодаланаётган воқеа-ҳодисага тўсиқ эмасликни билдиради.

1. Тўсиқсиз тобе гап ҳоким гапга **шарт майлидаги феълдан кейин ҳам ёки –да** юкламасини келтириш орқали ҳосил бўлади: Бир киши тарихни яратмаса ҳам, Кишининг тарихда юксак ўрни ҳақ. (/./.)
2. Тобе гап таркибида *гарчи*, ҳоким гапда *аммо, лекин, бироқ* боғловчилари қатнашади: Гарчи куз бўлсада, ҳаво жуда иссиқ эди.

**Ўхшатиш тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатни бошқа иш-ҳаракатга ўхшатиб ифодалайди.

1. Тобе гап кесими *–дай, –дек* қўшимчаларини олган сифатдош билан ифодаланади: Оламни мунавварлик қоплагандай, унинг кўнгли ёришиб кетди.
2. Тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, унинг таркибида *гўё, гўёки, худди* сўзлари келади. Юзи шундай тиникки, гўё нурдан яратилгандай.

**Натижа тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг натижасини билдиради.

Натижа тобе гапда ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида *шундай, шу қадар, шу даражада, шунча, чунон* сўзлари қатнашади, *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади. Ҳаво шу қадар иссиқ эдики, ташқарида туриш мумкин бўлмай қолди.

**Рағиш тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради.

Тобе гапнинг кесими **–б (-иб)** қўшимчали рағишдош билан ифодаланади: Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар. (У.)

**Миқдор-даража тобе гап** ҳоким гап англатган иш-ҳаракатнинг миқдорини, қандай даражада бажарилганини билдиради.

Миқдор-даража тобе гап таркибида **қанча, қанчалик, нечоғлик** сўзлари, ҳоким гап таркибида **шунча, шунчалик, шу қадар** сўзлари бўлиб, **-са** қўшимчаси орқали боғланади: Инсонга ҳаво қанчалик зарур бўлса, тинчлик ҳам шунчалик зарур.

### ***Бир неча тобе гапли қўшма гап***

Бирдан ортиқ тобе гапли қўшма гап бир неча тобе гапли қўшма гап дейилади.

Бир неча тобе гапли қўшма гап таркибидаги тобе гаплар бир-биридан ҳамда ҳоким гапдан вергул билан ажралиб туради: **Меҳмонлар келганда, қоронғи тушиб, осмонда юлдузлар кўрина бошлаган эди.**

Бир неча тобе гапли қўшма гаплар ҳоким гапга қуйидагича боғланади:

1. ***Тўғридан-тўғри тобеланиш йўли билан*** (биргалик эргашиш)
2. ***Кетма-кет тобеланиш йўли билан.***

1. Тобе гапнинг ҳар бири тўғридан тўғри ҳоким гап билан боғланса, биргалик эргашиш дейилади. Масалан, Баҳор келса, кунлар исиб кетса, дала ишлари бошланиб кетади. Бу гапда иккита тобе гап мавжуд бўлиб, улар бош гап билан ўзаро боғланади: Баҳор келса, дала ишлари бошланиб кетади. Кунлар исиб кетса дала ишлари бошланиб кетади. Бундай боғланиш тўғридан-тўғри боғланишдир.

Тобе гапнинг ҳар бири ҳоким гапга тўғридан-тўғри боғланмасдан бири иккинчисига тобеланиб у орқали ҳоким гапга боғланса, кетма-кет тобеланиш дейилади. Бундай гаплар бир-бири билан мазмунан зич боғланган бўлиб, улардан бири туширилса, гап мазмунида ғализлик пайдо бўлади, кўпинча

мазмун англашилмай қолади. Масалан, Ўқишлар тугаб, таътил бошлангач, саёҳатга кетамиз. Кеч кириб қоронғулик бошланганда ҳамма жим бўлиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарди. (С.А.)

Ушбу гаплар таркибидаги биринчи тобе гап ҳоким гап билан мазмунан боғланмайди. Масалан, Кеч кириб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарди каби. Бу гапнинг боғланиши учун иккинчи тобе гап восита бўлади. Бундай боғланиш кетма-кет боғланишдир.

### ***Боғловчисиз қўшма гап***

Содда гапларнинг боғловчиларсиз, оҳанг ёрдамида бирикишидан боғловчисиз қўшма гап ҳосил бўлади. Масалан, Ёмғир ёғди, далалар ўтларга бурканди. Боғловчисиз қўшма гаплар мазмунан қуйидагича:

1. Бир пайтда юз берадиган воқеа-ҳодисани англатади: У доимо хурсанд, юзидан табассум аримайди.

2. Кетма-кет юз берадиган воқеа-ҳодисани англатади: Яхшиси, ўйлаб кўр, эртага гаплашамиз.

3. Воқеа-ҳодисалар зид қўйилади. Яхшидан от қолади, ёмондан дод (Мақол). Мард бир ўлар, номард юз ўлар (Мақол).

Боғловчисиз қўшма гапларда оҳангнинг роли катта. Шунинг учун уларнинг таркибидаги тиниш белгилар ҳам хилма-хил.

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир пайтда ёки кетма-кет бўладиган воқеа-ҳодисани ифодаласа, улар орасига вергул қўйилади. Оқшом тушди, осмон юлдузларга тўлиб кетди.

2. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмунан яқин бўлмаса, ёки улар таркибида вергул қўлланилса, содда гаплар орасига нуқтали вергул қўйилади: Қуёш аямай қиздиради; ишчилар бунга парво қилмасдан, ишларини давом эттирдилар.

Қуйидаги ҳолларда боғловчисиз қўшма гап орасида тире қўйилади.

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги гаплар бир-бирига зид бўлса: Кўз қўрқоқ - қўл ботир (Мақол). Жисмимиз йўқолур – ўчмас номимиз. (Ҳ.О.)

2. Биринчи гап мазмунан иккинчисига ўхшатилса: Вақтинг кетди – нақдинг кетди (Мақол). Қор ёғди – дон ёғди.

3. Биринчи гап иккинчи гапнинг пайтини, шартини, натижасини англатса: Ҳамал кирди – амал кирди. Юрт тинч – сен тинч. Достон айтдим – китоб бўлди каби.

### ***Мураккаб қўшма гап***

Уч ва ундан ортиқ содда гаплардан тузилган қўшма гаплар мураккаб қўшма гап дейилади. Масалан, Мирзо Улуғбек чодирни бир айланиб, яна ўз жойига ўтди, лекин ўтиришга улгурмади, от туёқлари дупурини эшитиб, кўрпача устида тўхтади. (О.Ё.)

Мураккаб қўшма гаплар қуйидагича боғланди:

1. Тобеланиш йўли билан: Дарахтлар кўкарса, майсалар яшнаса, бу ерлар яна ҳам чиройли бўлади. (С.А.)
2. Боғланиш йўли билан: Дарслар тугади, имтиҳонларни топширдик лекин ўқишни тўхтатганимиз йўқ.
3. Боғловчи воситаларисиз: Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи, дарёлар собитдир, сувлар кўчкинчи (Ш.)
4. Аралаш типда (ҳам тобеланиш, ҳам боғланиш). Тил бошқа-ю, дил бирдир, чунки эл бирдир. Бир оз вақт ўткач, булутлар тарқади ва куёш чарақлаб нур соча бошлади.

### ***Мураккаб синтактик бутунлик***

Нутқда гаплар ўзаро мазмунан боғланади. Гапларнинг ўзаро боғланиши натижасида бир мураккаб фикр ифодаланади.

Бир мураккаб фикрни ифодалаш учун хизмат қилиб, турли воситалар орқали боғланадиган мустақил гаплардан тузилган бутунлик ***мураккаб синтактик бутунликдир дейилади***: Шамол кучайгандан кучайиб, булутни суриб кетди. Булут четлари худди ёнаётган қоғоз четига ўхшарди. Шу зар булутлар орасидан кўк шишадек бўлиб осмон кўринди. (С.А.)

Мураккаб синтактик бутунлик камида иккита алоҳида гапдан ташкил топади. Синтактик бутунликлар 10-15 гапдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Икки кишининг суҳбати, яъни диалог шаклидаги нутқ бир синтактик бутунликдир.

### ***Кўчирма ва ўзлаштира гап***

Ўзгаларнинг ўзгаришсиз, айнан берилган гапи кўчирма гап дейилади. Кўчирма гап муаллиф гапи билан қўлланилиши мумкин. Кўчирма гаплар, сўзлашувда ҳамда бадий услубда кўп учрайди. Муаллиф гапининг кесими: ***деди, деб сўради, жавоб берди, гапирди, сўзлади, айтди*** каби феъллар билан ифодаланади: «Саёҳатга бугун борамиз», - деди ўқитувчи.

Кўчирма гапда тиниш белгиларнинг қўлланилиши қуйидагича.

1. Кўчирма гап қўштирноқ ичига олиниб, бош ҳарф билан ёзилади.

2. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, кўчирма гапдан сўнг вергул ва тире қўйилади: «Дарс тугагач, уйга кел», - деди онам.

3. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилади:

Болалар сўради: «Эртага саёҳатга борамизми?».

4. Муаллиф гапи кўчирма гапнинг орасида келса, муаллиф гапининг ҳар икки томонидан вергул ва тире қўйилади: «Ўзингиз ким бўласиз», - деди акаси. – Мен буни билишим керак.

***Ўзлаштира гап.*** Шакли ўзгартирилиб, мазмуни ўзгартирилмай берилган ўзгаларнинг гапи ўзлаштира гап дейилади.

Ўзлаштира гапнинг кесимида ***айтди, гапирди, сўради*** сўзлари бўлади.

***Сўроқ, буйруқ мазмуни***даги кўчирма гаплар ўзлаштира гапга айланттирилганда ***дарак гап*** шаклида бўлади.

«Бу китобни ўқидингми?», - деди ўқитувчи (кўчирма гап). Ўқитувчи ундан китобни ўқиганлигини сўради. (ўзлаштира гап).

***Ундов гап, атов гап, риторик сўроқ гап, кириш сўзли гапларни*** ўзлаштира гапга айланттириб бўлмайди. Бундай гаплар ўзлаштира гапга айланттирилса таркибидаги айрим қисмлар тушиб қолади.

Баъзан бирор матндан фикрлар айнан кўчириб олинади. Бундай кўчирма ***цитата*** дейилади. Масалан: Маърифат арабча «арафа» сўзидан олинган,



унинг маъноси «билмоқ»дир. (*Боқижон Тўхлиев. «Ўзбек адабиёти»*  
Тошкент, 2000, 9-синф, 89-бет)

### ***Пунктуация***

Тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақидаги қоидалар йиғиндиси пунктуация дейилади.

Ўзбек тилида асосий тиниш белгилар 10 та: нуқта (*.*), *сўроқ белгиси* (*?*), *ундов белгиси* (*!*), *вергул* (*,*), *икки нуқта* (*:*), *нуқтали вергул* (*;*), *кўп нуқта* (*...*), *тире* (*-*), *қавс* (*()*), *қўштирноқ* (*«»*).

Тиниш белгиларининг қўлланилиши қуйидагича:

1. Фикр тугулланган бўлса, унинг мазмунига қараб нуқта, сўроқ, ундов белгилари ва уч нуқта қўйилади.

2. Тугалланмаган ёки изоҳ талаб қиладиган фикрлардан кейин уч нуқта қўйилади. Масалан, Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар, кўм-кўк... Агар бундай гап сўроқ гап бўлса сўроқ белгиси ва икки нуқта, ҳис-ҳаяжон гап бўлса ундов белгиси ва икки нуқта қўйилади. Мен етим ўсганман, оҳ, у етимлик!.. (/./улом).

Турли ҳис-ҳаяжон ифодаланган гапларда тиниш белгилар:

1. Гапда сўроқ ва ҳис-ҳаяжон маъноси бўлса, сўроқ ва ундов белгиси қўйилади: Гапирсангиз-си, нима бўлди?!

2. Ҳис-ҳаяжон ва сўроқ маъноси бўлса ундов ва сўроқ белгиси қўйилади: Эҳ қандай чиройли сўлим жойлар-а?!

3. Кучли ҳис-ҳаяжон бўлса ундов белгиси икки марта қўйилади: Бу қандай бедодлик, бу қандай зулм!! (У.)

### ***Тиренинг қўлланилиши:***

1. Эга ва кесим, ҳаракат номи ёки саноқ сон билан ифодаланиб, кесимлик қўшимчаси бўлмаса эга билан кесим орасида тире қўйилади. Масалан, ўқиш-ўрганиш. Икки ўн беш – бир ўттиз.

2. Эга билан кесим у, бу, мана бу олмошлари билан ажратилса: Тинчлик – бу севинчдир.

3. Эга ва кеисм от, сон, олмош, сифатдош билан ифодаланиб боғламасиз бўлса: Бу-буюк алломалар юрти. Юрган – дарё, ўтирган - бўйра (Мақол).

Эга билан кесим орасида қуйидаги ҳолларда тире қўйилмайди:

1. Эга билан кесим орасида **ҳам** сўзи келса. Биз ҳам талаба.

2. Кесим шахс қўшимчасини олган бўлса ёки юклама билан келса. Бу кишини биламиз. Шу талабами?

3. Кесимда –**дир, бўлади**, боғламалари мавжуд бўлса. Меҳнат роҳатдир. Меҳнат билан топилган нон ширин бўлади.

4. Уюшиқ бўлақлардан кейин келган умумлаштирувчи сўздан олдин тире қўйилади. Ватанга садоқат катталар ва кичиклар учун – ҳамма учун бурч.

5. Ажратилган кесимдан олдин тире қўйилади. Уйда кўп иш қилди – супурди, тозалади, кир ювди.

6. Ажратилган бўлак кенгайиб, уюшиб келса, гап охирида келса ундан олдин тире қўйилади. Пахтакор ўзбекман – забардаст, танти.

7. Ажратилган бўлак гап орасида келса икки томондан тире қўйилади. Энди одамлар – отлик, пиёда, ёш, қари – учрай бошлади.

8. Таркиби катта бўлган кириш гапларнинг икки томонида тире қўйилади. Қабулхона – бу ер илгари катта бойнинг меҳмонхонаси бўлса керак - қоронғи эди.

9. Мазмунан зид бўлган боғловчисиз қўшма гаплар орасида тире қўйилади. Жисмимиз йўқолур – ўчмас номимиз.

10. Боғловчисиз қўшма гаплар орасида ўхшашлик бўлса тире қўйилади. Сув келди – нур келди. Вақтинг кетди – нақдинг кетди. (Мақол.)

11. Боғловчисиз қўшма гаплардан пайт, натижа, шарт, сабаб маънолари англашилса тире қўйилади. Ўқувчилар келди – дарс бошланди. Юрт тинч – сен тинч.

12. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин ёки муаллиф гапининг ичида келса, кўчирма гапдан кейин вергул, тире қўйилади. «Дарс тугаши билан келгин», -деди онам.

13. Ўқитувчимиз «Кўп ўқиган, албатта, кўп билади», - дедилар.

14. Муаллиф гапи кўчирма гап орасида келса, муаллиф гапининг икки томонидан тире қўйилади. «Бу ишни ўзимиз бажарамиз, - деди акам. –Биров бизга иш қилиб берармиди»?

### ***Вергулнинг қўлланилиши:***

1. Уюшиқ бўлақлар орасида вергул қўйилади.

2. аммо, лекин, бироқ ва такрорланиб келган боғловчилар: ё, ёки, дам, баъзан,на, гоҳ, ҳам, балки сўзларидан олдин вергул қўйилади. Бунда бор на офат, на ғурбат, на ғам.

3. Ажратилган бўлақларнинг икки томонидан вергул қўйилади: Биз, ёшлар, ватанга содиқ фарзанд бўламиз.

4. Ажратилган бўлақларнинг ***сингари, қарши, бўйича, мувофиқ, ҳолда, биноан, қарамай, ташқарии, қараганда, кўра, ўрнига, устига, билан бирга*** кўмакчилари билан бириккан ҳар икки томонидан вергул қўйилади.

Шуни ёдда тутингки, тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлиш яхшидир. (О.)

5. Кириш сўз ва ундалмалар, таркиби кичик бўлган кириш гаплар вергул билан ажратилади. Эҳтимол, гапинг ростдир. Нафисахон, сиз аълочи ўқувчисиз. Ёлғиз боришга, тўғриси айтсам, кўрқаман.

6. Тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган боғловчисиз қўшма гап орасида вергул қўйилади. Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши (Мақол).

7. Тобе гапли қўшма гаплар ҳоким гапдан вергул билан ажратилади. Кимки бўлса дилозор, ундан эл-юрт безор.

8. Ҳа ва йўқ сўзини бошқа бўлақлардан ажратиш учун вергул қўйилади. Ҳа, яна ўша гапми?

## ***Нуқтали вергулнинг қўлланилиши***

1. Ярим қавс билан ажратилган рақам ёки ҳарфлардан кейинги гаплар охирида нуқтали вергул қўйилади. Масалан, қўшма гаплар уч хил: а) боғланган қўшма гап; б) боғловчисиз қўшма гап; в) тобе гапли қўшма гап.

2. Қўшма гап қисмларининг ичида вергул бўлса, мазмун жиҳатидан бири-бирига яқин бўлмаган мустақил гаплар орасида нуқтали вергул қўйилади: Камтар бўлсанг обрў ортар; гердайсанг, энса қотар (Мақол).

### ***Икки нуқтанинг ишлатилиши:***

1. Уюшиқ бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта қўйилади: Боғимизда турли гуллар: лола, атиргул, қизғалдоқлар ўстирдик.

Боғловчисиз қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисмдан англашилган мазмунни изоҳласа биринчи қисмдан кейин икки нуқта қўйилади. Масалан, Шу феъллари яхши: ҳеч кимни бировни олдида беҳурмат қилмайди.

2. Боғловчисиз қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисм англаган мазмуннинг сабабини билдирса, биринчи қисмдан кейин икки нуқта қўйилади: У югуранча чиқиб кетди: кўчада уни кутаётган эди.

3. Боғловчисиз қўшма гапда биринчи гапнинг кесими ***деди, қаради, диққат қилди, таъкидлади*** каби феъллардан бўлса улардан кейин икки нуқта қўйилади: Деди: Қайдин сен эй мажнуни гумроҳ (А.Н.).

4. Кўчирма гапдан олдин келган муаллиф гапидан кейин, икки нуқта қўйилади: Ўқитувчимиз: «Эртага дарсга ҳамма келсин, -деди».

5. ***Мисол, масалан, мавзу, режа, қарор, мақсад, сабаб*** каби сўзларнинг маъноси изоҳланадиган бўлса, шу сўзлардан кейин икки нуқта қўйилади. Мавзу: Боғловчи каби.

### ***Кўп нуқтанинг қўлланилиши***

1. Фикр тугулланмаган бўлса кўп нуқта қўйилади. Бу ишни давом эттирсангиз...
2. Сўзловчининг мулоҳаза қилиши, фикрлаб кўришини ифодаловчи гапларда кўп нуқта қўйилади. Тўғри... гапингизга шубҳам йўқ.

3. Бирор фикр тушириб қолдирилган ўринларда кўп нуқта қўйилади.  
Кўм-кўк... кўм-кўк...

### ***Қўштирноқнинг қўлланилиши:***

1. Кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади. «Бу китобни ўқинглар», - деди ўқитувчи.

2. Асарлар, газета-журнал, нашриёт, турли муассасалар, корхоналар, фирма, фабрика, жамоа хўжаликлари ишлаб чиқариш маҳсулотларининг номлари қўштирноқ ичига олинади. «Ўткан кунлар» романи. «Маърифат» газетаси, «Фан» нашриёти, «Тико» автомашинаси, «Халқобод» жамоа хўжалиги.

### ***Қавснинг қўлланилиши:***

1. Киритма гаплар қавс ичига олинади. Фотима (у инглиз тилини ҳам яхши билади) синфимиздаги аълочи ўқувчи.

2. Мисоллар ва кўчирманинг манбаи қавс ичига олинади. Ўзбекистон дея аталур (Х.О).

3. Ремаркалар қавс ичига олинади. Ўқитувчи (ўйланиб) кўпроқ китоб ўқиш кераклигини уқтирди.

Тиниш белгилардан сўроқ, ундов белгилар(?!), ундов ва сўроқ белгилари (!?), сўроқ ва кўп нуқта (? ...), ундов ва кўп нуқта (!...) нуқта ва кўп нуқта (. ...), вергул ва тире (, -) кабилар қўшалок ҳолда қўлланилади.

